


Музаффар ТУРСУН

**ТУТАШ
ЖИЛГАЛАР**

“Бухоро” нашриёти-2002 йил.

84(59)6-4 Бадний 24,26 иёт —
Шеърлар

уо 32042
2



Дарёлар бора-бора она заминга сингиб кетадилар. Бир күн келиб улар яна, чашма ва булоқлар тимсолида, күз очадилар. Сим-сим чашмалардан, милт-милт булоқлардан эса шарқирок жилвалар ҳосил бўлади ва ниҳоят, бу чашмалар ўзаро туташиб, яна серсув дарёларни ҳосил қиласидилар. Эҳтимол, мангулик йўли ана шундан иборат...

Ушбу китобни мен "Туташ жилғалар" деб атадим. Бу жилғалар юрагимга яқин бўлган, балки, унинг бир томирига айланган кишиларнинг бир муддатлик, балки бир нафаслик ҳаёти билан боғлиқ ҳолда акс этаяпти. Лекин, бу жилғалар покиза чашма ва зилол булоқларга уланиб кетган. Бир таскинлик шундаки, бу жилғалар, албатта, келиб-келиб, яна шарқирок сойларга улашади. Не баҳтки, тасаввуримдаги бу жилғалар менинг юрагим орқали ҳам ўтган...

Шукур, шундай кунларда ҳам китобхонлар кўп, китобсеварлар кўп, маърифатпарварлар кўп. Ушбу китобнинг дунё кўришига ҳомийлик қиласиган пешонаси кенг, жондай укам Эркинжон Турсуновга ҳурматим баланд.

Илоё, чашма-ю, булоқлар ҳаргиз тиниб қолмасин. Илоё, жилвагар жилғалар сертошқин дарёларга сингиб кетсин...

“ХИКМАТ ИЗЛАГАНГА ХИКМАТДИР ДУНЁ”

Бисмиллахир Роҳманир Роҳим...

Бухоройи шариф-Шарқ маънавияти бешиги бўлган. Бухоролик адибу аллома, авлиёу фозиллар номи жаҳонда машхур. Бу шариф шаҳарнинг ҳар бир гўшаси, мавзеи табаррук. Ничунин, Жондор туманининг ўзи бир олам.

Мўътабар Чор Бакр зиёратгоҳидан чиқиб, Жондор тумани томон йўл олсангиз, албатта Оғойи Бузрук-Қизбиби, Биби Маъсумаи Пок, Маҳмуд Тарабий, Довуд алайҳиссалом обидаларига кўзингиз тушади. Дарвоҷе, Варахша ҳам бор. Варахшанинг ўзи бир тарих. Бир неча минг йиллик тарих.

Самъониййининг “Насабнома” китобларида Жондорда туғилиб жаҳонга машхур бўлган ўнлаб аллома, авлиё, имомлар номи келтирилган. Демак, Жондор ҳам маънавиятимиз бешикларидан бири бўлган экан.

Мана шу табаррук гўшада туғилиб, вояга етиб, бугунги кунда ҳалқ хизматини қилиб, эл оғзиға тушган адиларимиз бор. Булар Фулом Шомурод, Музаффар Турсун...

Фулом Шомурод, Музаффар Турсуновлар шарофатидан Жондор адабий муҳити баркарордир. Бу адиларимиз атрофида юзлаб шогирд, издошлар йигилган. Демак, минг йиллик анъана давом этаяти.

Музаффар Турсун ҳикоя, ҳажвия, очерк, мақолалари мағзига дехкон кувончу ташвишлари сингдирилган. Ёзувчи дехқоннинг қаварган қўлларини мадҳ этишин эмас (гарчи бу қуллар мадҳ этмоққа минг бор арзиса-да!), балки мана шу қаварган қўлларга “малҳам суртиш, аникроқ қилиб айтганда малҳам бўлиш, дехқоннинг оғир меҳнатини енгиллатиш, дехқоннинг кўксига офтобни текизиш”ни ўйлади.

Музаффар Турсун қаҳрамонлари оддий, камсуқум, меҳнаткаш инсонлар. Улар-ҳалол, ростгўй, содда. Улар-мукофот, шон-шуҳрат, мансаб талашмайди. Улар-меҳнатсиз, даласиз яшаб билмайдиган зотлар. Аслида замонамиз қаҳрамонлари шулар-да! Ваҳоланки, кимлардир олиб-сотарларни, кўзбўймачиларни, таъмагир кимсаларни қаҳрамон деб ўйлар, уларга ҳавас қилас! Йўқасло! Улар қаҳрамонлар эмас!

Музаффар Турсун Жондор туманининг “Жондор овози” газетасида муҳаррирлик қилиб, ушбу газетани туман кўзгусига айлантироққа хизмат этди.

Мен яқинда Музаффар Турсун қаламга мансуб бўлган бир туркум “Ҳикмат”ларни мутолаа этдим. Шуни ҳам эслатиб ўтиш жоизки, Музаффар aka 60 ёшга кирдилар. Ёш ўтган сайин фикр

тиниқлашади., ақл түлишади. Музаффар Турсун "Хикмат"ларининг мағзаси түк. Хикмат-жон озиғи-да!

"Езиш масъулиятини ҳис қилиш қийин иш эмас. Масалан, мана буни Шукур ака ўқиса нима дейди, ёки буни Неъмат ака ўқиса нима дейди деб, ўз-ўзимдан сұраб тураман. Ҳа-я, ҳали Озод ака ҳам бор..."

Дарҳақиқат, ёзиш масъулияті оғир. Ёзувчи ўз устозларининг нигохини, шунингдек юзминглаб мухислар нигохини ҳис-қилиб туриши керак.

Музаффар ака Сайд Ахмад, Озод Шарафиддинов, Неъмат Амин, Шукур Холмирзаларга әргашди, улардан сабоқ олди. "Яхшига әргашсанг етарсан муродга", деб бежиз айтилмаган. Музаффар ака яхшиларга әргашиб, уларга ёндошиб зл назарига тушди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист бўлди.

Музаффар аканинг қуйидаги ҳикмати ватанпарварлигига далилдур: "Менга Худо қанот бергандайм факат ўз қишлоғим устида учиб юрсам керак".

Музаффар ака ёзади: "Пахтани... мажлислар бадном қилди!"

"Ўз иқтидорига ишонмаган одамдан катта ҳасадгўй чиқади".

"Чўнтағида ҳемири йўгу, бу кишига касал бўлиб ётиб олишни ким қўйибди?" -деди бир таъмагир шифокор ёрдамчисига."

Халққа беминнат хизмат қилган одам, албатта камолга етади, ҳалқ назарига тушади. Буни Музаффар Турсун мисолида кўрса бўлади. Маккан Мукаррамага бориш Музаффар Турсунга насиб этди. Бу улкан баҳтдир!

Мен ҳожи Музаффар акани янги асарлари билан чин дилдан муборакбод этаман. 60 ёшингиж кутлуғ бўлсин, Ҳожи бобо!

Ҳожи Садриддин САЛИМ БУХОРИЙ.

НАВРҮЗ СУРУРЫ

(Бадиа).

Үлмаган банда, күкламни күрдик. Наврүзга етишдик. Күклам күкатларидан танаввул қилиб, сумалак, ҳалисага түйдик. Қүёш ҳароратидан жисму жонимиз ҳоловат топди. Наврүз кириб, замин танига бир чүй олов тушди. Шу кунлар тупроқ ҳам, ҳаво ҳам, ер ва осмон ҳам түлғоқ азобини бошдан кечираёттандек, худди. Гүёки, мана-мана, табиатда нимадир, қандайдир бир содирот юз берадигандай назаримда...

Наврүз келди. Гулга фарқ боғларнинг чиройига кўз тўймайди. Қўёшга тик қараб бўлмайди. Кўнгилга баҳорий бир тўлқин уфуриб киради, юракка гулгула тушади. Ўз ҳолатинг, кайфиятингни бирорвга қандай айтишга ҳам ҳайронсан одам. Буни бир сўз билан ифода килиш мумкин. Буларнинг бари Наврүз билан боғлиқ, буларнинг бари Наврүзга бориб тақалади.

Кизиқ экан бу дунё! Баҳор кекса учун ҳам, ёш учун ҳам-Баҳор экан. Уни ҳамма ҳам интиқ кутар экан. Баҳордан яшнамаган, яшармаган кўнгил йўқ экан-да, оламда. Мана, ҳамма ёқда баҳор ўзининг сепини ёди, олам минг рангга кирди. Буларнинг барини кўриш мумкину лекин, жой-жойига кўйиб айтишга қийналасан киши.

Мусавиirlар Баҳор сувратини чизиб билади, албатта. Ҳеч бўлмаганда, моҳир қилқалам соҳиблари бунинг уддасидан чиқадилар. Балки, муғанийлар ҳам Баҳор оҳангларини мусиқага тушириб билишар. Лекин, Наврўзнинг-чи? Унинг шакл-шамойили қандай? Бу сувратни чизишни ким эплайди? Йўқ, бу жуда мушкулот иш. Чунки, Наврўз сувратини чизишга Наврўзий ранглар керак, Биргина баҳорий бўёқларнинг ўзи бунга камлик қиласди. Ҳуш, Наврўзга монанд, унинг бор бўй-бастини яққол ифодалай биладиган бошқа бирор сўз ҳам топиб бўларканми? Наврўз таъруfu тавсифига фақат энг улуғ сўз санъаткорларигина муносиб мукояса топсалар ажаб эмас. Бошқаларга йўл бўлсин!

Наврўз-Осмоннинг Ёрга саховати. Наврўз-Ернинг Осмонга узатган миннатдорлик гулдастаси. Ахир, осмондан ёғилаётган беадад нурлар замин узра гул бўлиб, чечак бўлиб унаяпти-да! Бутун борлиқни, ажойиб бир ифор хушбўйи қоплаган. Ҳамма ёқда яшаш ва яшариш нишонаси кўзга манаман деб кўриниб турибди. Мана, шуларнинг барини бир сўз билан-Наврўз деб аташ мумкин.

Ернинг танига жон киргани-бу Наврўз.

Ернинг юзига қон тепгани-бу Наврўз.

Ер буни гул-лолалар билан ифода қилади. Ер буни минг рангда товланиб, ифода қилади.

Ер танидаги титроқ, тоғлар бағридаги ҳайқириқ, самолар бағридаги сас-садолар-бу Наврӯз!

Қаранг, бирдания күшларга тил битиб берди-я! Нега турналар худди шу кечә-кундуз узун аргамчи тортиб, "кур-кур" лаб ўтади? Нега бугун қалдирғоч бошқача авж билан сайдади? Нега бугун күшлар парвози бўлакча? Сал сергак одам буларнинг барини қалбан сезади. Ер бағридаги титроқни, тоғ бағридаги ингроқни қалбан ҳис қиласи. Күшлар чаҳ-чахини бемалол тушунади. Ана шуларнинг баёни-Наврӯз!

Қуёш энди тобора эртароқ уйғониб, йўлга тушади. У тобора Ерга яқинлашиб келаверади. Ер энди тобора ясаниб-тусаниб, осмонга-Қуёшга томон талпиниб бораверади. Осмон ва Ер орасидаги масофа кун сайн қисқариб боради. Ёруғ кунлар, қуёшли кунлар кўлайиб кетади. Буларни кўриб, Наврӯздан қувонмай, унинг суурини сезмай бўладими, ахир!

Наврӯз билан чин баҳор бошланганидек, мучал ҳам ўзгаради. Мана, От йили кириб келмоқда. Кўпни кўрган кексалар От йили ҳамиша серхосил, хосиятли келтанини эслайдилар. Илоё, яна шундай бўлсин, бот-бот шундай бўлаверсинг. Қолаверса, Инсонга отдан дўстроқ, отдан ҳамкорроқ яна нима бор? Факат От, От бор!

Наврӯз билан бизнинг миңтақаларда-Ажам кенгликларида Янги йил ҳам бошланади. Хуш келибсан, Наврӯзи Ажам! Хуш келибсан, Ажам баҳори! Хуш келибсан, Ажам Янги йили!

Худди шу кун киришида ўзига хос бир ҳикмат ҳам бор. Ахир, Наврӯздан зътиборан кечә-кундуз баробарлашади. Ерга мўл-кўл уруғ-ризқ-насиба тушади. Дехқон баҳори бошланади. Одамлар ҳар бири бутун бир йилга татигулик кунларни бошдан кечирадилар. Янги йилнинг баҳор билан бошланишига нима етсин? Қолаверса, Наврӯз билан бошланган Янги йилнинг барча фасллари ўз ичидаги бўлади. Амалдаги тақвимда бу тамом бошқача: йил бошқа йилнинг қиши билан бошланиб, бошқа йилнинг қиши билан тугайди. Бир йил бўйида икки қиш тикка туради. Ҳар фасл, тўрт мучаси билан, ўз йилида бўлса, бунга нима дейсиз? Афсуски, Наврӯзни билмаганлар буни билмайди...

Сендан умидларимиз кўп, Наврӯз! Бутун Ер юзини жаннатдай яшнатган куч-кудрат бутун одамзод армонларини ҳам ушатиб, кўнгилларини обод қилсин. Кўзларни яшнатган Наврӯз дилларни ҳам чароғон қилсин.

Наврӯзинг муборак, Халқим! Баҳоринг муборак, Юртим!

(Бадиа 2002 йил Наврӯз кунлари битилган).

ҚАРИЛАРИ ҚАДРЛИ ЙОРТ



Гап Ўзбекистон ҳақида бораётганлигини кўпчилик ўқувчилар, айни сарлавҳадаёқ англаб олган бўлишлари керак, албатта. Дарҳақиқат, шундай. Ўзбекистонни, том маънода, қарилари қадрли юрт, деб атаса бўлади. У бизнинг қон-жонимизга сингиб кетган урфимиз, одатимиз, қолаверса, бебаҳо фазилатимиздир.

Бизда кексалар давранинг энг тўрида ўтиришади. Бизда кексалар дастурхонга биринчи бўлиб кўл узатишади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Аслини олганда улар жуда камсукум, фақат кўп йиллик бебаҳо удумларимиз буни тақозо қиласди, холос.

Тўй-маъракалар ҳам, кўпни кўрган кексаларимизнинг розилиги билан бошланиб, уларнинг duoи фотихаси билан тугалланади. Ҳа, ота-она оқ йўл тиламагунча, биздаги ёш-яланглар, узок йўлларга чиқишига ботинмайдилар. Бундай қадам олиш қадим-қадимдан бехосият саналади. Ҳатто, ота-она ўтирган уйда фарзандлар томга чиқишмайди. Қанчадан-қанча катта ҳикмат бор бу одатларда. Уларнинг тарбиявий аҳамиятини бир-икки китоб билан поёнига етказиб ҳам бўлмайди.

Бизнинг юртда оиласдаги кексанинг рухсати, розилигини олмай, келин-куёв никоҳ кийимини киймайди, остона босиб, кўчага чиқмайди. Булар асрлар давомида бизнинг бутун руҳиятимизга, қон-жонимизга сингиб кетган, ҳатто айрим халқ ёки миллатлар ҳазм қила олмайдиган фазилатларимиздир.

Лекин, тўғрисини ҳам айтиш керак, шўро тузуми йилларида бу бебаҳо фазилатларни бой беришимизга сал қолди. Ҳайрият, улар жар ёқасида бўлсаям тўхтатиб қолинди. Сал бўлмаса, уларнинг кўпини қўлдан чиқараёзди. Чунки, кўпчилик қадриятларимиз "эскилик сарқити", "хурофот" га айланеёзди. Энди улар бизнинг асраб қолган ғаниматимиздир. Бу хислат, фазилатларни бой бериб қўйсак, миллатнинг ўзлигидан ажралиши, куруқ кўл, бўш кўнгил билан сарсон-саргардон қолиши ҳеч гап эмасди.

Шуларни ўйлаганда Мустақиллик кунларининг қанчалик бебаҳо эканлигини, уни қадрлашимиз, вояга етказиб, парвариши қилишимиз лозимлигини дил-дилдан англаб етамиш, албатта. Иқтисодий қийинчиликлар олдида довдираб қолиб, ўз фарзандлари олдида ҳуда-бехуда гапларни айтиб юрган айрим

кишилар, энг аввало, ана шулар түғрисида ҳар доим рўйрост гапиришлари, қадриятларимиз зъязоз топиб, осмон қадар юксалиб бораётганини, ўзбек деган миллатнинг бугунги жаҳон халқлари ўртасидаги муносиб ўрнини яхши англаб етишлари керак. Бу ишда кексалар ибрат, намуна бўладилар, албатта. Шукурки, иқтисодий қийинчиликлардан" оҳ-нола" чекаётганлар орасида кексалар деярли йўқ. Чунки, улар сабр-тоқатни, бардошни, шукронани яхши биладилар, улар ёшларга қараганда узокроқни кўрадилар, эртанги куннинг майин ва илиқ шабадаларини олдинроқ ҳис қиладилар.

Наврўз таъқиқланган кунларни, уйда Куръони Каримни сақлаш қатъий ман қилинган йилларни, бундай ҳол учраса, бизни олдинда қандай қора кунлар кутаётганини, ўз Ватанимизда катта минбарлардан ўзбек тилида гапириш "уят" ҳисобланган вақтларни унутиб бўладими, ахир? Биз мустабил тузум йилларида ана шу кунларни бошимиздан ўтказдик. Бор аламни, кўз ёшларни ичимизга ютдик. Ана шу кунларни бошидан ўтказган қарилар умрини бирон нарсага қиёслашнинг мезони борми, ахир?...

Шўравий мафкура чукур илдиз отди. Кўп йиллик "янги тарбия" ўз самарасини кўрсатди, айрим ёшлар томонидан туккан ота-оналари, кексаларга нисбатан ҳурматсизлик белги-нишоналарини ҳам кўзимиз билан кўрдик. Бир хил болалар ота-оналаридан бемаслаҳат уйланиш, иш топиш илинжида Ватанин тарк этиш, турили ёт оқимларга, безориларга қўшилиш даражасигача бориб етдилар. Мусулмонликка мутлақо бегона бўлган ота-онага қўл кўтаришгача борган окладарлар ҳам бўлди. Мана, ниҳоят бош бориб тошга тегди ва кўзимиз ялт этиб, очилди. Ёмон йўлнинг ярмидан кайтган ҳам яхши, дейдилар. Халқимида "Зарарнинг ярмидан кайтиш ҳам фойда" деган мақол бор. Шукур, ҳамма нарса ўз ўрнига тушиб, дарё яна ўзанидан оқа бошлади. Бебаҳо қадриятларимиз қад-қоматини, ўз маъно ва моҳиятини тиклаб олди. Жонажон тилимиз, динимиз ўзимизга қайтди. Бундан бутун жамиятимиз фойда топиб, ҳаётимиз мундарижаси тобора бойиб бормисда. Ҳар бир киши ана шуларни чин кўнгилдан тушуниб етса, олға қараб юришимиз янада енгиллашади. Танлаган йўлимиз тўғрилигини барча тез англаб, ҳатто бу манзилда адашганлар ҳам ўз хатоларини тез фурсатда англаб, ҳидоят йўлига тушадилар, иншоолло!

Хозир туманимизда (Жондор) кексалиги ҳакида кўлида расмий гувоҳномаси бўлган (пенсия дафтарчаси) 12 минг атрофида ёши улуғ кишилар бор. Кўп эмас, улар бутун туман ахолисининг атиги ўн фоизини ташкил қилишади. Демак, ҳар ўн кишидан биттаси қарилардан иборат. Бошқача айтганда, ҳар икки силанинг бирида кекса киши яшайди. Чукурроқ фикр юритсак, бу бебаҳо инсонларнинг бизга бебаҳо фойдалари тегадики, заррacha зиён-

захматлари етмайди. Қолаверса, бир кекса киши икки оиланинг , ёки 9-10 нафар ўғил-қизларнинг ардоғида бўлса, уларнинг яшашлари мутлақо қийин кечмайди, эъзоз-эътибор топган қарияларнинг умрлари узоқ бўлади, албатта.

Тўғриси, кексалар бугун кийим-кечак, озиқ-овқатдан кўра меҳр-муҳаббатга кўпроқ эҳтиёжманд бўладилар. Масаланинг яна бир томонини эслатиб қўйиш ўринлидир. Бизнинг Республикамизда инсоннинг ёши 70 нинг сал нари-берисида эканлигини ўйласак, ота-онамиз, бобо-бувимиз оиласизда ўн йиллик ғанимат. Бошқача қилиб айтганда, "ўн йиллик меҳмон" дирлар. Гап ана шу "ўн йиллик меҳмон"ни қанчалик қадрлашимиз, эъзозлашимизга боғлиқ.

Аслини олганда, одамнинг бундан олдинги ўтган 60 йиллик умрининг онгли қисми ана шу қолган ўн йилни қандай ўтказишга тайёргарлик билан кечади. Ким бу ишга вақтида ибратли тайёргарлик кўрган бўлса, албатта, кексалик гаштини суради. (Агар кексаликни "гашт" деб бўлса!). Буни ёшлиқда нима эккан бўлсанг, қариликда шуни ўрасан деган мақол билан осонгина ифодалаш ҳам мумкин. Бое-роғ қурғанлар, албатта, унинг мевасини ейди, соя-салқинида умргузаронлик қиласди. Яхши фарзанд ўстирганларнинг кексалиги ҳам аъло даражада таъминланган бўлади. Имон-эътиқодли, эътиборли, садоқатли шогирдлар тайёрлаган устозларнинг ҳам кексалик умри иззат-ҳурматда ўтади, албатта.

Мана, энди қўлимизда кексаликни ардоқлаш ваколатини берувчи яна бир дастурил-амал мавжуд. Чунки, мамлакатимизда янги 2002 йилни "Қарияларни қадрлаш йили" деб зълон қилинди. Ўйлайманки, бизнинг зукко ёшларга, ота-она, бобо-бувининг қадрини янада ошириш учун ундей кил, бундай кил деб, ақл ўргатиб ўтириш ўринли бўлмаса керак. Чунки, улар буни яхши биладилар. Чунки, шу йўсинда тарбия топганлар. Уларга панд-насиҳат қилиб ўтиришга асло ҳожат бўлмасаям, ота-оналари туғилган кунларини ёдда сақласалар, яқин марҳумларнинг хотира кунларини билсалар, ёмон бўлмайди, албатта. Жуда бўлмаса, "Ўзим фалон кун пенсияга чиқаман" деган ёзувни устолдаги ойна остига кўринарли қилиб ёзиб қўйиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди. Шунда кексалик ёдга тушади. Демак, кексалар ҳам эсга тушади. Ҳар бир идора хисоб-чиси ёки раҳбари шу идорада узоқ ишлаб пенсияга чиқсан одамларни бир-бир билса, таниса, уларни вакт, бевақт йўқлаб турса, нур устига нур бўлади. Бундай тадбирлар туфайли, нафақат кексалар, ёшлар ҳам, ўз қадр-қимматларини аста-секин ошира борадилар. Албатта, буларнинг бари тез орада зълон қилинадиган "Қарияларни қадрлаш йили" давлат Дастурига бир илова, холос. Даствурда эса, бу соҳада жуда кўламли давлат тадбирлари белгиланади.

Ўзбекистон, аслида, қарилари қадр топган юрт ва шундай бўлиб қолаверади.

Кексаликка ҳавас билан боққанлар бир кун келиб саодатли Кексаликка етадилар. Кексаларни хурмат қилғанлар, албатта, курмат топадилар.

ОМИН!

КЕКСАЛИК-ДОНОЛИК

(Эсдалик ва хотираалар)

Чол хира күзларини күкариб келаётган баҳайбат кекса ўрикка тикиб, сас-садосиз дейди:

-Карилик, оғайни, карилик. Ёдингдами, сени ўтқазғанимга бу баҳор олтмиш йил түлди. Ўшанды раҳматли кампирим сени тикка ушлаб турған, ўтқазиб бүлгач, анати ариқдан бир сатил сув келтириб қўйған эди. Сен ўқинма, мўл-кўл мева бердинг. Данагинг бутун қишлоққа тарқалиб, ҳамма ёқ зардолизор бўлиб кетди. Мевангдан баркашу, лаганларни тўлдириб, не-не меҳмонларга пешкаш қилдим. Мана, тагынгга тўкилган бултурги данакларингдан юзлаб ниҳоллар яна ниш уриб турибди. Ҳали юз йиллаб яна одамларга ризқ-насиба бўласан. Мустаҳкам тур, ўрикжон...

Мен ҳам, шукур, узоқ яшадим. Фарзанд, невараларим қобил чишиди. Авлодларимиз бутун вилоятда тарқалиб кетган. Яхши яшадик, ўрикжон...

Чол шундай дейди-ю, тепага тикилган нурсиз күзларини хиёл юмади. Кўз ёшлари томоқларига тикилади, нафас олиши ўзгаради. Яна зўрга гапиради. -

-Карилик курсин, сен билан анча вакт кўришолмай қолдик. Майли, мен борай, кўришолмасак, хайр...

Кишлоқда тонгни энг аввал кексалар қаршилайди.

Куёш энг аввал кексалар билан юзлашади.

Менинча, Оллоҳ таолло, энг аввал, кексаларнинг овозини эшитади. Тонгда айтилган аzon Оллоҳ йўлида бўлғанларни уйқудан уйғотади.

Кексалар уруғлик ҳақида энг кўп қайғурадилар. Энг сара ҳосил уруғи авлоддан-авлодга кексалар қўли билан ўтади.

Битмас-туганмас ҳикмат экан-да, бу кексалик дегани...

Чолнинг қизиқ одати бор. Фарзанд, невараларининг туғилган күнларига бир жуфт кўчатми, бир кафт анвойи мева уруғи ёки данагиними кўтариб боради. Неваралар ҳали бу "совға"нинг қадр-кимматини тушунмайдилар, унинг таг-томирига етолмайдилар. Улар ширин сақич келтирган хола-аммаларини севишади.

Худо умр берса, бир кун Бобо келтирган кўчат, данаклардан

мүл-күл ҳосил битади, ризқ-насиба унади. Шунда улар Боболари бир умрлик-совға-бериб кетганикларини англаб етадилар.

Хозирча булар "арзимас" совға...

Кекса бор уйда хайр-барака бор. Чунки, болалар тонгда туришни кексалардан ўрганадилар. Тонгда турган кишилар уйига эса, баравқт очилган дарвозадан, хайр-барака ёприлиб киради.

Тонги намознинг ҳосияти ҳам бекиёс. Одамлар тонгда туришни ўрганадилар. Бу бора-бора одатга айланади.

Тонг чоллар деразасидаги чироқлардан нур олиб уйғонади.

Тун бўйи илиқ шамол эсди. Тонгда уйғонган Чол ҳавони исказб-исказ нимадир ўзгарганини сезди. Беҳоллигига қарамай, ҳассасига таяниб, бокқа кирди. Ичкаригача кириб борди. Қараса, бодом гуллабди!

Чол сог-омон яна баҳорга етказгани учун Оллоҳга беадад шукроналар қилди.

—Ўзингга шукур, тангirim, ўзингга шукур. Мана, янги баҳор ҳам менинг боғимдан бошланди. Бугун бодом гулини ҳамма кўради. Йўлдан ўтганларнинг бари менинг боғимга қайрилиб ўтади. Илоё, келгуси баҳорга ҳам сог-омон етказгайсан.

Чолнинг дуога очилган коқсуяқ панжалари оппоқ соқолларини сийпалаб, пастга тушди.

Бугун Чолга шу қувончнинг ўзи етиб ортади.

МАРТАБАЛИ КИШИЛАР

Раҳмат қилсин, Ўзбекистонимизнинг собиқ раҳбари Шароф Рашидовдан жуда кўп хислатлар ёдгорлик, маънавий меърос бўлиб қолди. Бутун бошли шаҳарлар, йўл-кўприклар, метро.. Камтарлик ҳақида гапирмай қўя қолай. Билишимча, у киши калондумоғ раҳбарларни, манманлик қиласиганларни мутлақо ёқтирумас эдилар.

Ҳа, шўро тузумида ҳам ҳалқ учун ишлаганлар, унинг маънавий юксалишига жон фидо қилганлар оз эмас эди.

Каримжон Курбонов билан синфдош, қиёматли дўстимиз. У киши туман шифохонасида энг мураккаб жарроҳлик операцияларини ҳам жуда сифатли бажара оладиган саноқли шифокорлардан.

Каримжоннинг олтмиш йиллик юбилей-тўйларини оча туриб, мен бундай дедим:

-Ҳозир ҳамма нарса пулга чақиладиган, пул билан ўлчанадиган бир пайтда ягона Каримжон дўстимиз энг оғир жаррохликларни ҳам таъмасиз, беминнат бажариб келаятилар. Кошки, ҳамма биродарлар ҳам шу кишидай бўлса! Ҳа, дунёда Каримжондай инсонлар кўп бўлса, яшашимиз осонроқ, умримиз узунроқ бўларди.

Одамлар роса қарсак чалишди. Даврада дўхтирилар кўпчилик. Бу гапдан айримларнинг ғайрилиги қўзгани афт -башараларидан яққол кўриниб турар эди. Илож қанча? Айтилган гап-отилган ўқ. Қолаверса, нима эксанг шуни ўрасан деб, бехуда айтишмаган...

Кўлингда мансаб, мол-дунё бўлган пайтда мартаба тўплаш ҳақида ҳам қайгуриш керак. Мол-давлати бор одам хайр-эҳсонли бўлмаса, мансабдор одам одил, тўғрисўз, камтар, бошқаларга нисбатан зътиборли бўлмаса, мартабага эга бўлмайди. Мартабали одамлар мансабдан кетиб, мол-дунёдан ажралган пайтда ҳам эл-юрт олдида иззат-обрўли бўлиб қолаверадилар. Бунга Насриддин Турсуновни мисол қиласа бўлади. У кишининг фақат қурилиш, ободонлаштириш соҳасида қилган хайрли ишларининг ўзигина бир умрлик иззат-хурмат соҳиби қилиб қўйди. Мансаб кетди, мартаба қолди.

Ҳожи Истам Очил бундай дейди:

-Шўро замонида ундей эди, ҳозир бундай бўлди деб, кўкрагига мушт урадиганларга кўп ҳам ишонманлар. Қайси замон бўлмасин, ҳалол ишлаб, тўғри юрган одам иззат-хурмат топаверади. Ҳеч замонда иззат-обрў осмондан ёғилмайди.

Гўштини бўри еган қўзининг териси устида икки чўпон талашиб қолишиди. Орага бир доно кекса тушди.

-Қўзи терисини қўйларингизга бир-бир искатиб чиқинглар, қайси совлиқ уни ҳидлаб-ҳидлаб, тери олдидан узоқлаша олмай безовталаниб, узун-узун маъраб юборса, бу ўшанинг боласи бўлади,-деди у.

Бу гапни эшитган ҳамон миси чиқишини билган чўпонлардан бири жуфтакни ростлаб қолди.

Охиратда борадиган еrimиз битта экан, можаролар чиқариб, диний, ирқий, масҳаб талашиб, айрмачиликларга мутлақо йўл қўймаслик керак.

Дунёга келиш ва кетиш йўли битта. Буни қанча илгарироқ билсак, яшашимиз шунча осон кечади.

“Бўрининг еса ҳам оғзи қон, емаса ҳам” деган мақолни ҳамма

вакт ўз ўрнида ишлатиб бўлмайди. Хўш, емаса бўри-бўри бўладими? Фақат айрим бўрилар лаб-лунжларини тез ялаб, егандарини ошкора қилмай юрадилар, шекилли... Аслида бундайларни тулкимижоз бўрилар деса ҳам бўлади.

Мен фақат ўз невараларимнинг "Бобо" дейишини ёқтираман. Насиб қиласа, эваралик бўлиб олай, сўнгра майли, ҳар ким "Бобо" десаям лаббай деб, жавоб қиласман.

Шўро замонасининг айблари ҳам оз эмас. Ҳамма ёққа "Қизил" лик балоси ёпирилиб келди. Қизил кийим, қизил ёпин, қизил гапир, қизил ёз!

Номларнинг ҳам бари кип-қизариб кетди: "Қизил Шарқ", "Қизил галстук", "Қизил чойхона", "Қизил хотин", "Қизил Бухоро", "Қизил Ўзбекистон", "Қизил аскар", "Қизил чироқ"...

Хуллас, осмон ҳам қизил, ер ҳам қизил. Ҳаво ҳам қизил, сув ҳам қизил. Бора-бора ўзимиз ҳам қизил, кип-қизил бўлиб кетдик. Ҳали бери бошимиздан қўйилган сув оёғимиз остига қизариб тушаяпти...

Ўзини тийиб билган одам учун рўза жуда осон кечади. Рўзани қаноат йўли деб бехуда айтишмаган.

Нонни ўзингиз ишлаб топган бўлсангиз ҳам ота-она олдида унга биринчи бўлиб кўл чўзманг.

Бешим билан узоқ қариндошлигимиз бор. У олтмиш беш ёшни уриб қўйди. Шундан қирқ йилини узоқ Киев шаҳрида яшаб, бир жойда, савдо соҳасида ишлади. Ҳозир Американинг Чикаго шаҳрида яшайди. Чоғроқ даромадли ресторон очиб олган. Киевдан у ҳар йили, Чикагодан эса, ҳар икки йилда бир келиб, таътилини қишлоқда ўтказиб кетади. Асил айнимас экан. Дунё кезиб, бошқа шароит, бошқа муҳитларда яшаб, у ўзлигини, тўғриси ўзбеклигини мутлақо йўқотмаган инсон.

Қишлоққа ҳар келганида қариндош-уругларини, албатта, бир-бир кириб кўради. Қизиги шуки, мутлақо баланд охурлардан сув ичиб юрган бу йигит сира дастурхон танламайди, борига шукур қиласди. Таниш-билишларидан бирон киши касал бўлса, бориб кўради. Таъзия бўлган хонадонларга кириб, билганича фотиҳа ўқииди, ҳамдардлик билдиради. Фақат булар эмас, ўзи бош-қош бўлиб, жиянларини уйлантириб, қизларини чиқариб қўяди. Иморат куришаётган бўлса, баҳоликудрат ёрдам қиласди. Ўз қишлоғи Булбулработни газлаштириш учун ҳатто шу ерда уч-тўрт ой колиб кетган вақти ҳам бўлди. Айниқса, урф-одатларимизга қатъий амал

килади, уларни юксак қадрлайди.

Холбуки, бундайлар аллақачон "Янги ўзбек" бўлиб улгуришган...

Унинг кийиниши (ўта американча), узун соч-соқол, мўйловини кўрганлар эса, тамом бошқача фикрда бўладилар. Мен эса доим ана Америкалик ўзимизнинг Бешим келди деб, истиқболига очик чехра билан пешвуз чиқаман...

БОЗОР БОРАДИ ЧОЛЛАР

Кекса кексага деди:

- Юринг, шу кун бозор борайлик.
- Пулсизликда нима қиласиз?
- Бозорнинг устидан бир куламиз.
- Э, эсингиз жойидами ўзи? Ҳеч замонда бозорнинг устидан ҳам кулиб бўладими?
- Бўлади. Чунки, ҳеч нарса олмай қайтамиз.

Чол Чолга деди:

- Бугун антиқа бир иш қилдим-да, дўстим,
- Хўш, нима иш қилдинг?
- Бозор бордим.
- Хўп, ана бозор ҳам бординг?
- Нос олиб, ўша ерда чекдим.
- Бунинг нимаси антиқа?
- Чекканимни сира колдирмай, ўша ерда туририб қайтдим.

Бир киши дўстига деди:

- Бозорга кирсам юрагим безиллайди
- Нима учун?
- Худди бозор менинг устимдан кулаётганга ўхшайди.

Олиб-сотар картошкафуруш олдига камхаржроқ бир харидор келиб, камтарлик билан нархини сўради:

Олиб-сотар оғзига сиққанини айтди:

-Килоси тўрут юз сўм.

Харидор у ёқ-бу ёққа қарашга улгурмай, орага иккинчи бир киши сўқилди. У дангал гапирди.

-Менга беш кило ўлчанг. Анави ерда ҳеч вақога арзимайдиганини беш юздан деб турибди.

Ўйчи ўйини битиргунча таваккалчи ишини бътириб олди.

Халиги камхарж харидор деганимиз ҳам бу воқеадан сўнг нархни паст-баланд қилиб ўтирамди.

—Менга ҳам уч кило ўлчаб беринг, —деди.

Лекин, у бечора, ҳалиги “дангалчи” бу олибсотарнинг ёлланган харидори эканлигини етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди.

Қанчалар кўп-а бу бозор деганинг найранглари.

Донишманддан сўраши:

—Бозорда энг кўп ва арzon топиладиган нарса нима?

—Касам, —деб жавоб қилди донишманд.



ТЕЛЕФОНГА ХИЗМАТКОРМИЗ

(Ярим ҳазил).

Уйимиизда туман маркази билан тўғридан-тўғри уланган телефонимиз бор. (Қандай яхши!) Узоқ йиллар у қишлоғимиздаги ягона телефон эди. (Кўриб қўйинг!) Табиийки, истасак-истамасак, уйимиз узоқ туман, шаҳар, ҳатто бошқа республикалар билан сўзлашув маркази ҳам бўлиб қолди. (Буниси кўп ёқмайди, албатта). Лекин, илож қанча? Қишлоқчилик, ахир!

Хозир ҳам узоқ шаҳарлардаги талабалар сафарга кетгандар, яхлама юртларда мардикорлик қилиб юрганлар ўз уйлари билан кўпинча биз орқали боғланишади. Кеча-кундуз, вақт-бевақт деб ўтиришмайди, азаматлар Майли, қишлоқчилик...

Узоқ кўшни бола Нукусда хизмат қилиб юрганида таниш қизга бизнинг телефонни берган экан. Ўша қиз ярим тунда қўнгироқ қилиб, собиқ аскар болани сўради.

—Синглим, у бола биздан узоқ туроди-десам, кўп ўтмай, гўшақдан хик-хик йифи овози эштилди. Тушунарли. Бўлмаса, ўн беш-йигирма минут кутишга тўғри келади, —дедим, “Кутаман” дейди бечора. Ўглимни уйғотиб, Аскар боланикига юбордим. Ёмғир уриб турибди. У Аскар болани топиб келди. Телефонда кескин-кескин гаплашиб олдилар. Аскар бола, аччиғи чиқсан кўринади, эшикни қаттиқ ёпиб, чиқиб кетди.

Ана шунаقا. Шукур, телефонимиз бор. Ҳар куни кимнидир уйидан айттириб келамиз, кимнидир уйига соғлигини етказамиз. Миннат қилаётганим йўқ, майли, савоби тегар. Ярим тунда

даравозани очиб-ёпиш ҳам, бирорга "Тез ёрдам" чақириб бериш ҳам оиласиз учун оддий бир ҳолга айланиб қолган. Қишлоғимиздагилар "Худди шулар учун бу одамга телефон тортиб беришган-да" деб ўйлашса керак.

Курғур, бу бозор иқтисодиёти дегани телефон симларига ҳам осилиб қолди. Мардикорликка кетгандарга, узоқдаги аскар ёки талабаларга бизнинг уйдан кўнғироқ қилиш бироз қимматга тушаётганини айтмаса, чидаб бўлади. Қўлтиқда олиб юрадиган уяли телефонлар тобора расм бўляпти-ку! Насиб бўлса, бу ташвишлардан қутладиган кунлар ҳам келса керак.


Хозирча, марҳамат қишлоқдошлар! Хуш келибсизлар. Шу баҳона дийдорлашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб турибмиз. узоқдаги фарзандларингиз, хеш-тоборларингиз ахволидан ҳам хабардормиз. Биз, ёши бир ерга бориб қолаётган кишилар учун, масаланинг шу томони бошқа икир-чикирларни бемалол босиб кетади. Шу телефонни узиб қўйсамчи деган хаёлга ҳам бораман баъзан. Шунча йил беминнат хизмат қўрсатган телефонни-я!

Кимгадир, номдор ўқув юртларига кириб, олий таълим олишнинг шароити бўлмайди. Лекин, бизга жуда катта бир имконият бор-ку! Ота-онамиздаги барча яхши фазилатларни ўргансак, уларнинг касб-корларини яхши эгаллаб, ўзимиздан озмоз қўшиб борсак, уни тўлдирсак, хиёл янгилашга эришсак, дунё янгиланиб ва яхшиланиб боравермайдими? Бунинг қайси университетдан фарқи бор? Улуғ ёзуви М. Горькийнинг "Менинг университётларим"ини эсланг. "Одам ҳаётдан олмаса таълим, унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим" деган-ку буюк шарқ шоири.

Ҳар бир ота-онадан фарзандга ибрат намунаси қолсин. Ҳар бир фарзанд ўз ота-онаси билан ғуурланиб юриш ҳуқуғига эга бўлсин. Ота-онаси учун фарзанд қизариб юрса, бундай ўғил-қиздан ҳар нарса кутса бўлади. Бу, аввало, маънавий мажрухликка олиб келади.

ТОМЧИДА КҮЁШ АКСИ

Машҳур паҳлавон Исмоил Туробов билан мактабда измаз изүқиганмиз. Асли полвонзода. Ўқувчилик йиллари ҳам, дарсни қолдириб бўлсада, фақат кураш тушарди. Мана, ниҳоят, энг оғир вазинда ўн етти марта Ўзбекистон чемпиони бўлди. Тўғриси, ўзбек Миллий курашини жаҳон спорти мусобақалари таснифига киритилишида бу одамнинг хиссаси ниҳоятда катта Каерда



ўтирумайлик, бу ҳақда гап бўлган, неча-нечча кишиларга ёзма ёки оғзаки мурожаат қилган. Тегишли идораларга кўп ёзган. Бу кураш истиқболини кўп марта исбот қилган инсон.

Энг муҳими-Исмоил ака курашда ҳалолликни яхши кўради, бошқалардан ҳам шуни талаб қиласди. Соҳта шуҳрат, мукофот учун ноҳақликларга сира йўл қўймайди. Аслини олганда кўпгина полвонларнинг, қиёмига етолмай, даврадан чиқиб қолаётгандиклари ҳам аслида шуҳрат изидан қувиш, мукофотга ўчлик билан боғлиқ.

Исмоил ака олтмишдан ошганда Ўзбекистон Миллий Кураш Академиясининг академиги бўлди. Вазни 200 килограмм атрофида бўлган, касалманд бу одамга ҳозир пиёда юриш осон эмас. Лекин, у ҳамон айтилган жойдан, айниқса, Республика миқёсида ўтаётган катта-кичик мусобақалардан, курашли тўй-томушалардан қолмайди. Ишонасизми-йўқ, ҳар гал ана шундай мусобақалардан қайттач, менга телефон қилиб, кураш қандай ўтгани, янги полвонлар, кимнинг омади чопмагани, ёш, умидли полвонларнинг устозлари ҳақида хеч зеринмай, "хисоб" беради. Мабодо, бу мусобақаларда жондорликлар қатнашмаса, куйиниб гапиради. "Фалончиларни бир туртиб қўйинг" деб сўрайди. Ўша "Фалончилар"ни ўзига телефон килишларини илтимос қиласди. Мактабдошлар соғлигини бир-бир суриштиради.

Исмоил ака яқинда юрагини даволатиб, касалхонадан чиқибди. Менинг оёғим шикастланганини эшишиб, эртаси куниёқ қўришга келибди. Ҳолбуки, ўзи бир кун аввал касалхонадан чиқкан...

Ҳаммага машҳур одамнинг бу қадар эътиборлилиги, жон-куярлиги, спортга, айниқса, унинг Миллий курашга содиклиги мени ҳайратга солади. Каттами-кичикми, юракда олов бўлсин экан-да...

Мен кузатганман, асаларичиларнинг кўпи хушфеъл, нозик дидли, санъатни хуш кўрадиган кишилар бўлишади. Балки, ана шу хусусиятлар уларни асаларичи қилгандир. Ёки, асаларичиликка ўтиб, сўнг бу фазилатларни эгаллаган бўлишлари ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Иш қилиб, дўст танлашда унинг касб-коригаям бир оз эътибор берилса, одам хато қилмаса керак.

Бир маҳмаддана, бутун даврага гап бермай, роса мақтанди. Кўпириб-кўпириб мақтанди. Етти пуштидан етмиш пуштигача мақтаб ўтди ўзиям. Шунда жиккакгина бир чол унга журъатсизлик билан юzlаниб:

-Биламан, жуда улуғ одамсиз. Шу кун бизга беш-олти томчи ёмғир ёғдириб беролмайсизми, ўғлим? Экинлар қовжираб қоляпти-я,-деб қолди.

Бефаросат шундан ҳам тегишли хулоса чиқармади-я. Хулоса чиқармаганини қаердан билдинг дейсизми? Чиқарса, даврадан туриб кетарди-да.

Биз шўро замонасида савдо ходимлари бошидан жуда кўп мағзава ағдардик. Ҳолбуки, улар орасида ҳимматли, бошингга бир кун тушса беғараз ёрдам берадиган, ҳатто қарз бериб қўйиб, қайта сўрамайдиган одамлар ҳам кўп эди. Ана, Турсун Ражаб билан Сулаймон Бозорлар ана шулар сирасига киради. Шу сабаб бўлса керак, ҳозир ҳам уларнинг ўрни давралар тўрида. Ҳамон халқ уларни ҳурматлаб, эъзозлайди. Демак, гап қайси иш ёки вазифада эмас, қандай ишлаганингга боғлиқ экан. Табиийки, бир умр савдо ходими бўлиб ўтган бу адамлар бошқа касб билан шуғулланганда ҳам, яхши инсонлар бўлиб қолишаверарди. Буни уларнинг оиласи, меҳнаткаш, одобли, фаросатли фарзандлари ҳам исботлаб турибиди.

Қандай гўзал бу ёруғ дунёда яхши одам бўлиб юриш!

Кўзойнак тобора катрайиб бораяпти. Аммо, на ўқишни, на ёзишни, наинки шахмат ўйнашни бас қилиб бўлмайди. Бу ёғда телевизор дегани ҳам бор. Мана, катта таътил-пенсия даври ҳам бошланяпти. Ҳарқалай, - энди биттасини-журналистлик фаолиятини тўхтатиш имкони бўлади. Ҳалиям, кўп ёлғон-яшиқ ёздиқ. Қодир эгам ўзи кечирсин.

-Кексалик жуда зерикарли бўлса керак-а?-деб сўрашди бир нуроний чолдан.

-Фикрлаб билган одамга зерикиш учун вақт бўлмайди,- ўғлим,- деб жавоб берди чол.

Ха, фикрлашдан қолган кишига бу дунёning мутлақо қизиги йўқ.

Таркидунёчилик зерикарли ҳаётдан эмас. Наҳотки, Яссавий, Тольстойларнинг кейинги умрлари шунчалик зерикарли ўтган бўлса?

Йўқ, менимча, улар бу ёруғ оламга сиғмай қолдилар. Барча улуғ кишилар қисматида бундай ҳаётнинг белги-найшонлари бўлади.

Фалсафани ўқиб ўргангандан, кўриб ўрганган яхши. Ҳўп, уни қаерда кўриш, қаерда учратиш мумкин?

У ҳамма жойда бор. Чоллар сухбати, мозористонга қилинган тез-тез зиёрат, кўп йиллик чинорлар тагида ёлғиз ўтириб, хаёл сурин...

Фалсафани ўқиб ўргангандан, кўриб ўрганган кўп устун.

XXI аср мўъжиза билан бошланди: Сунъий одам (ҳозирча хомила) яратилди. Барибир, ваҳимага тушасан одам. Наҳотки, бир куни Сунъий ва Табиий одамлар ўртасида нифоқ, низо юзага келса?

Шундай бўлмайди деб, ким кафолат бера олади?

Ёввойи ҳайвонларнинг дўхтири ким?

Улар касалланганда ўз-ўзларини, бир-бировларини ялаб ёки табиий гиёҳларни ҳидлаб, чимдиг ҳамда тоғ-тошлардаги маъданларни истеъмол қилиб, даволанадилар. Ана шу белгиларига қараб, ҳайвонот дунёси онгининг тараққиёт даражасини ўрганиш мумкин.

Мактабда ҳам, оиласда ҳам, ҳалқ мақолалари мазмуни ва моҳиятини фарзандларимизга чукур ўргатишимиш керак. "Подшоҳ тинч бўлса, гадо тинч" деган мақол бор. Уни турлича изоҳлаш мумкин, албатта. Лекин, ҳақиқатга яқини ана бундай: Подшоҳи тинч бўлмаса, салтанат ҳам хотиржам бўлмайди. Ўзаро уруш, нифоқ, низо кучайиб кетса, солиқлар ҳам ошади. Бундай пайтда тиланчи, гадоларга ким ҳам бир бурда нон беради дейсиз?...

Э, яхшилар, аввало, подшолар тинч бўлсин.

Давраларда кўп ўтириб, қизиқ бир ҳолни кузатаман. Ёшлар бир-бирига гал бермай валақлашаётган пайтда кексалар, дунёда бирон бир айтгулик гап қолмагандай, жимгина сукут сақлашади. Шунда одамни бирдан ваҳима босади. Наҳотки, ҳақиқатдан ҳам, бу кишиларда гапирадиган бирон гап қолмаган бўлса?

Ўзимдай, ёши бир ерга бориб қолган кексалардан, бу ҳақда сўраган эдим, ҳазиллашди, шекилли.

-Умр тамом бўлган сари гап ҳам тугай борар экан,-деди маъюс кулимсираб бир оғайним.

"Кексалик гашти" ҳақида жуда кўп мақола ва очерклар эълон қилган мухбир бир кун кариди. Уй совукдан-совуқ эди. Бола-чақалар ўз ишлари билан андармон эдилар. Эрта туриб тараشا қилиш, печни ёкишга мадор тополмади кекса мухбир, ниҳоят, шу куни "Кексалик гашт эмас" деган сўнгги мақоласини эълон килди.

Вақтни тўғри таксимлаш, ундан унумли фойдаланиш, ишни пухта бажариш керак. Бу масалада, биздан бир оз ёш бўлса ҳам, Болта Тўхтамишевдан киёс олса бўлади. Ҳар куни уч-тўрт партия

шахмат ўйнаб қолмаса (ҳа, қолмаса) бу тиниб-тинчимас йигитнинг ўйкуси келмайди. Ака-укалардан (улар кўпчилик) ҳар кун бўлмаса ҳам, кунаро ахвол сўраб туради. Насиб қилсин, фарзандларининг бари ўқимишли, ақлли, одобли. Оила жуда саришта. Икки-учта савдо дўкони ҳам бор. Болта уларни мол билан таъминлаш учун ҳали Фарғона, ҳали Тошкент, ҳали Нукус оралиғида қатнайди. Яна бир савдо идорасида ишлайди ҳам. Ёр-дўстларидан кўнгил сўраб туришни асло унутмайди. Айтмоқчи, русча, ўзбекча китоб ҳам ўқийди. Ҳар йили бир неча газета-журналларга обуна бўлади. Ҳатто, ўз оила тарихи шажарасини ёзиб ҳам қолдираяпти. Ҳар йили биронта курортда дам ҳам олади. Ана энди ўзингиз хulosса чиқаринг: "Вақтим йўқ", "Вақт тополмадим" деган баҳоналарни камрок қилинг-да, умрнинг вақт деган олтин лаҳзаларини тўғри тақсимланг. Ҳаммасига ўз ўрни, моҳиятига яраша тегишили-тегишили даражада вақт ажратинг. "Вақтим йўқ", "Вақтим кам" деган гапларни миянгиздан бутунлай чиқариб ташланг-да, уни "Мен ҳамма нарсага вақт топаман" деган тушунча билан тўлдиринг. Ана шунда марра Сизники бўлади.



ШУКРОНА

Етмишинчи йилларда Кремлнинг (Москва) "Курол палатаси"да бўлиб, "Инжил"нинг турли катталиклардаги юздан ошиқ ноёб, энг гўзал ишланган нусхаларини кўриб, жуда ҳайратда қолганман. Улардан кўплари олтиндан ҳал бериб муқоваланган. Бир хиллари ҳатто кўз узиб бўлмас даражада мўъжизавий тайёрланган.

Шу жойда, "Қачон энди Куръони Каримни ҳам ана шундай эътиборли ва зъозоли кўрар эканмиз?"—деб неча бор кўнглимдан ўтган эди. Ундан сўнг ҳам мен бу фикрдан узоқ кутулолмай юрдим.

Шукур, шундай кунлар келди! Жамолингни оламга намоён қил. Илоҳий Калом!

Шўро тартиблари бизга виждан эркинлигини ҳам тамом чегаралаб куйган эди. Мачит, мадрасалар харобага айлангани етмагандек, қабристон, мозорлар ҳам шоғол ва тулкиларга "бошпана" бўлиб қолди. 80-йиллар бошига келиб, ҳатто марҳумларга жаноза ўқиш ҳам назоратга тушди... Ўша мустабид йиллар бежаноза кетган марҳумлар ҳақи-хурмати Мустақиллик Байроғини тиз чўкиб, ҳар куни минг бор ўпса бўлади.

Мен қабристонларда түр күттарған ёки уйида худойи, ҳатто ҳатми Куръон ўтказған, ота-оналари хокини зиәрат қилиш учун қабристонларга чиққан кишилар, агар улар коммунист бўлса, муҳокамага тушиб, партиядан ўчирилганини ўз кўзим билан кўрганман.

Ана шулардан хулоса қилиб, Мустақиллик улуғ неъмат эканлигига беҳад шукроналар қилайлик.

Гарчи, шўро замони КГБ сига ишим тушмаган бўлса-да, унинг кудрати ва имкониятларини яхши билардим. У Шўро давлати ичиди тизгинсиз бир давлат эди.

Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафарда эдик. (1980 йил) Теплоходда, қўшни каютада, Украинадан икки нафар ўқитувчилар жойлашган эдилар. Улар билан иноқлашиб қолдик. Бир куни уларнинг каютасига ўзбек, рус, форс тилларида жуда гўзал қилиб чиқарилган Умар Ҳайёмнинг китобини олиб ўтдим. Қўшилар ўқиб, роса хурсанд бўлишди. Бир-икки кунга қолдириб кетишни илтимос килишди. Майли, ўқинглар деб, китобни қолдириб чиқдим.

Ҳа, бу Мисрда бўлган эди. Лекин, кўп ўтмай, ўша ўқитувчи мэндан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди. Менинг ҳайратимни англаб, ниҳоят бир кун ёрилди.

-Куръон нима?-деб сўради у атрофига олазарак қараб, деярли пичирлаганча. Мен ҳайрон бўлдим.

-Сизлардаги "Инжил"дек муқаддас, илоҳий китоб.-деб киска жавоб қилдим.

-Кизиқ-деди у, ҳайрати ошиб.

Воқеа бундай бўлган экан: Уни теплоходнинг маҳсус хонасиға чакириб, анов куни қўшни ўзбек сизларникига "Куръон" олиб кириб яширди, шундай эмасми?" деб тазиик қилишибди. У мен ҳатто Куръон нималигини билмайман деса, бўлмаса ўша яширилган китобни келтириб кўрсатасан деб туриб олибди. Қўшни "Умар Ҳайём"ни келтириб уларнинг олдига кўйибди. Ўша китоб ана шу, бошқасини кўрганим йўқ-депти, пихини ёрган КГБчи, худди ҳеч нарса бўлмагандек:

-Хушёр бўлиш керак, улар "Куръон" сотиб олиб, уни Ватанга ўтказиш учун ҳар хил найранглардан фойдаланишиади. Бизни алдаш қийин. Лекин бу ҳақда уларнинг ўзига лом-мим демайсиз,-деб таъкидлабди ҳам.

Ё тавба! Арзингни кимга айтиб, бошингни қайси тошга урасан энди?

Бу воқеадан сўнг сафар ҳам унчалик татимади.

Наҳотки, оддий саёҳатда ҳам шунчалик қаттиқ назоратда бўлади?

Хақиқатда, Одесса бандаргохидаги божхонада бизни (ўзбекларни) роса игнадан ўтказиши. "Хеч кимдан бу китоб чиққани йўқ. Лекин, мустабид тузум даврида шу даражада назорат остида бўлганимиз, одамзод нақадар хўрланганини асло унутмаслигимиз керак.

Бу дунёда етти ухлаб тушингга кирмаган содиротлар бўлиб турар экан. Етмишинчи йилларнинг бошида қўшни қишлоқларнинг бирига, бир пайтлар Афғонистонга қочиб кетган Хўжа бобо деган киши, у томондан бир неча авлодлари билан, кириб келдилар. Уларнинг бари оддий, мусулмонча кийинган эди. Фақат күёвлари ажралиб турар, у тамоман замонавий уст-бошда эди. Табиийки, одамлар гуреҳ-гуреҳ бўлиб уларни кўришга бордилар, сухбатларини олдилар. Жумладан, мен ҳам бир-икки марта бу сухбатларда бўлдим. Мени Афғонистондаги ҳаёт, ўқиш, ўқитиш ишлари, тирикчилик, қишлоқ хўжалиги соҳаси қизиктиради. Дастурхон устида ўзимиздаги нуқсонлар ҳақида ҳам гапирганим рост. Таҳқир остидаги тилимиз, динимиз, топталаётган қадриятларимиз ҳақида ҳам гапирган бўлсам керак. Шунда Хўжа бобо, даврада күёвлари йўқлигидан фойланиб, менга насиҳат қилгандек охиста қараб қўйдилар.

Тўғриси, ўз күёвлари ҳақида бизни огоҳлантиридилар.

-Шу күёвимиз бизда ишлаётган шўро жосуслари билан оғиз-бурун упышиб юради.-дедилар бир сирни очиб. Ўзимиз ҳам бунинг олдида тилимизни тийиб юрамиз. Сал хушёрлик билан гапиринглар, яна бирон савдо чиқиб қолмасин...

Ана холос! Ақл бовар қилмайди-я! Хўжа бобонинг ростгўйликларига, ҳалол-покиза киши эканликларига ниҳоятда қойил қолдим. Шунда биздаги ифлос мафкура қанчалик чуқур томир отганини ҳам пухтароқ англаб етдим.

Кейинрок, ўша кунлар Куёв болага шаҳардаги "Интурист" мемонхонасидан алоҳида хона ажратиб беришганини ҳам узоқдан эшишиб, бу гапнинг ҳақлигига яна бир карра иқрор бўлдим... Жосуслар узоқда эмас, орамизда экан-а!

"Куръони Карим"нинг муқаддаслиги нимада? Чунки, унга бир сўз қўшиш ҳам, ҳатто бир имло ёки белгини ўзгартириш ҳам қатъян ман қилинган. У Оллоҳнинг дахлсиз Каломидир.

Ҳа, кун сайин қарсак чилиб ўзгартирилаверадиган мажмуалар хеч качон обрў тополмайди.

Нотик ҳар қанча сўзамол бўлмасин, қуруқ гап аччиқ айрондек, барибир, меъдага тегади.

-Кўйинг бу гапларни, раис. Бизга берадиганингиздан гапиринг, -деган эди бир кекса деҳқон колхознинг ҳисобот йигилишида ўтирган жойида даргазаб бўлиб.

"Кексалик гашт эмас", деган дурустроқ ҳикоями, эссеими ёёсам, уни Мақсуд ака Исоевга бағишлар эдим. Мазмуни бундай бўларди: Каҳрамоннинг журналистикада ўқиб, шеърлар битиб юрган иқтидорли қизи фожеали вафот этади. Пенсияга чиқиб, энди оёқ узатиб ётаман деганда, турмуш ўртоғи ҳам оламдан ўтади. Каҳрамонимиз асли қурувчи. Тумандаги ягона қурилиш ташкилотига узок йиллар бошчилик қилган. Нон-тузини кўп кишилар еган. Кўли очиқлиги, химматидан қанча қазо-қазолар баҳраманд бўлганлар. Тумандаги ман-ман деган қурувчилар у-бу даражада ана шу кишининг шогирди ҳисобланади.

Лекин...

Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман, деган гап бехуда айтилмаган экан. Ҳатто, касб байрамларида ҳам, шогирдлар собиқ устозни кўпинча унтиб кўяди. Бир даста гул кўтариб кириш, лоакал телефонда табриклаб кўйиш хотираларидан кўтарилади. "Ошини мақтаб-мақтаб еганлар" эса, бугун лавозимларда эмас. Кўпларининг нон-тузга дўст эканликлари ҳам аллақачон ошкора бўлиб қолган.

Қаҳрамонимиз ана шуларни ўйлаганда жуда қаттиқ ранжийди, оғир хаёл суради. Ҳатто кўзларидан тирқираб ёш оқади, сұхбатдош ахтаради. Бирдан, ичкилик дегани хумор қилади...

Қишлоқлик бугун бир кило олий нав пахтани давлатга 90-100 сўм, бир кило мойи олинмаган сутни эса бозорда зўрга 80-90 сўм сотади. Лекин, бир литр маъданли сув ёки "Фанта", "Кола"ни 550-600 сўмга сотиб олади. Яна топширилган пахтаси ёки сути учун ҳақ олгунча орадан бир-икки йил ўтиб, жони халқумига келади. Ҳалиги яхна ичимликларни эса, аввал пулини тўлаб, сўнг харид қилиш керак.

Агар дунёning ҳамма ерида ахвол шунаقا бўлса, қишлоқликнинг чинакам шўри қуриган экан...

Шўро замонида, соғми-сўғалми, ўғил болаки бор, ҳаммасини ҳарбий хизматга олишарди. Фарзандининг икки-уч йил энг яхши умри бекорга ўтмасин деб, ота-оналар бир йўлини қилиб, каттакатта пул ёки мол сарфлаб, дўхтир ёки ҳарбий бўлимдагиларнинг кўнглини топиб, ўғилларини ҳарбий хизматдан қолдириш пайида бўлар эдилар. Энди замон томом ўзгарди. Чунки, ҳар ўн боладан биттасини ҳарбий хизматга олишади. Лекин, усул ўша-ўша. Энди одамлар ўғилларини ҳарбий хизматга юбориш учун яна ўша дўхтир ва ҳарбий бўлинмаларнинг ходимлари изидан соядек сарғайиб

юрадилар.

Афусуски, айрим вақт ёш эр-хотин жанжалига ота-она, оқсоқолларни четлаб, матбуот, радио ёки телевидение, қолаверса, мелисалар, маҳмаддана, ҳали турмуш нималигини яхши билмаган фаол хотин-қизлар аралашиб қолишиди.

Эл оғзига түшгандан сүнг бу оиласарда, кейинчалик, умуман тинчлик бўлмайди-да! "Уйдаги гап кўчага чиқмасин" деб халқимиздан беҳудага доно мақол қолмаган-ку. Оила сири бошқалар оғзига түшмаслиги керак.

ИБРАТЛИ УМРЛАР

Менинг назаримда Тоштемир Турдиев шу ёруғ оламда алоҳида бир оламдай туйилади. Дунёда феъли кенг одамлар кўпдир. Лекин, Тоштемирга етадиганини қидириб юрмаслик керак. Энг садоқатли дўстларим рўйхатида бу гўзал инсон биринчилар сафида туради.

Бухорода бир даврда ўқидик. Тўғриси, иккаламиз ҳам ўқиск ўсганмиз. У-етим, мен чала етим. Ўқишни яхши битирдик. Мени Тоштемир ҳарбий хизматга кузатиб кўйди. Мен ҳарбийдан қайтганимда у Деновда эди. Ҳарбийга чакиришганини эшитдим. Кузатиб кўйиш учун атай Деновга бордим. Тоштемир эса хизматдан қайтганда дастлаб Бухорога, бизнисига тушиб ўтди. Мана, шундан бери орадан қирқ йилга яқин вақт ўтди. Шукур, борди-келдимиз узилган эмас.

Тоштемир Деновдай салмоқдор туманда кўпдан ҳокимнинг биринчи ўринbosари лавозимида обрў-эътибор билан ишляялти. Уни Республикада таниқли олим, шоир сифатида кўпчилик яхши билади. Бу соҳада ҳам ўзининг салмоғи, салобати бор. Одамийлик эса, унинг қон-жонига сингиб кетган. Тоштемирга меҳмон бўлмаган ёзувчи, олим, шоир ёки рассом Республикаизда жуда кам топилса керак. Хайрият, орамизда мана шундай кўпчиликка ибрат, намуна бўладиган шахслар бор деб, унга мудом ҳавас қиласман. Чунки, Тоштемир ўтирган даврадан фиску-фужур, гийбат узоклашади. Ана шундай пайтда мен ҳакиқий бир инсон билан бир умр дўстлашганимдан ниҳоятда қониқиш ҳис қиласман.

Боботоғ томонда тоғдай бир Дўстим борлигидан кўкрагим тоғдай кўтарилади.

Домла Зубайдулло Қосимов энг сершогирд устозлардан. У кишини Республика "Машъал" радиоси тингловчилари ҳам яхши билишади. Чунки, радио тўлқинлари орқали, кейинги уч-тўрт йилда, у кишининг овози юзлаб марта янгради. Тахминан бундай:

-Қадрли "Машъал" тингловчилари! Бугун дўстимиз, таниқли

Фермер ва тадбиркор инсон Аҳаджон Ғафуровнинг туғилган кунлари. У киши Жондордаги Теша Салимов номли жамоа хўжалигини кўп йиллар бошқариб, қолоқликдан энг илғорлар сафига олиб чиқди. Янги бое-роғлар яратди. Мутахассис кадрларни тўғри танлаб, жой-жойига кўйди. Дўстимизни туғилган куни билан табриклаб, у киши учун битта мумтоз қўшиқ эшиттиришингизни сўраймиз...

Бундай қувончли табриклар туманимиздан жуда кўп муносиб кишиларнинг шаънига кўп марта айтилган.

Домла деярли ҳар куни, жуда барвакт, менга қўнғироқ қилиб қоладилар: "Бугун фалончининг туғилган куни, нима қиласми՞?" дейдилар. Икковлашиб, чорасини топамиз. Бир даста гулми, битта китобми кўтариб меҳнат фахрийлари, ногиронлар, дўстларимиз дарвозаси олдида жуда эрта пайдо бўламиз. Бизнинг табригимиз уларга "Тонгги совға" бўлади. Шундан сўнг табиийки, болачаклари ҳам қимирлаб қолишади. Оилада ҳақиқий байрам бошланади.

Кексалар кўнгли боланикidan ҳам нозик бўлади. Лекин, кўнгил топиш унчалик қийин иш эмас. Буни Зубайдулла aka яхши биладилар. Ҳолбуки, З. Қосимов ҳам 70 ёшни қоралаб бораятилар. Лекин, у киши ҳали-бери одамлар кўнглини топишни қўймайдилар. Туман "Нуроний" жамғармасини моҳирона бошқариб, қарилар дуосини олиб келаётган бу жонкуяр инсоннинг фазилатлари жуда кўп. Юқорида айтганимиз шундан бир шингил, холос. Кекса жондорликлар буни яхши биладилар.

Хайрулло акалар хонадонида ибрат кўп. Оила бекаси Санам опа яхшигина шоира. У кишининг туман вилоят, Республика матбуотида босилган шеърларининг ўзи каттагина ва яхшигина бир китоб бўлади. Афсуски, уни жамлаб чиқариш роса кечикиди.

Фарзандлари Амрулложон иқтидорли созанда сифатида эътибор топган. Қайси кун танбурда бир куйни маромига етказиб, нолавор чалганда кўз ёшимни ушлолмай қолдим.

Хайрулло aka бўлса, райком фирмасининг биринчи котибидан бошқа ҳамма лавозимларда ишлаган. Лекин, кўп қаноатли, сабр-бардошли одам. Шахматга ўта ўч. Қизлари Юлдуз Чўлпон шеърларини шунақаям жойига етказиб айтадики, сел бўлиб кетасан одам...

Чекка бир қишлоқда, кўримсизгина уйда ана шунақа камтарин одамлар камтарин оилада иноқ яшашади...

Бизнинг авлоддан ҳа деб айб излаётганларга таништириб кўйиш учун бу жумлаларни битиб кўйдим...

Файласуф домла Ортиқ Бафоевнинг бир гаплари ҳикматга айланиб кетган:

Тоғ қоя билан,
Тўра соя билан...

Юкоридаги жумлага энди нукта қўйганимда, айни тонг пайти, телефон жиринглаб қолди. Мажид ака Рашидов бошланаётган Рамазон ҳайити билан табрикладилар. Бу 2001 йилнинг 15 декабр тонги эди. Айни вақтда у киши олди каттиқ қиши, ёғин-сочин кўп пайтда синган оёғимни қандай асрарим кераклиги ҳақида ҳам маслаҳат бердилар. "Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб" деб шуни айтадилар-да. Мажид ака урушдан ногирон қайтиб, мана, 60 йилдан бўён бир оёқда икки таёқ ўртасида осилиб юрибдилар. Бир қўлнинг ҳам бир неча бармоқлари йўқ...

У киши ҳақида, 70 ёшлари муносабати билан, "Битта оёқ, битта қўл билан" деган очерк ёзган эдим. Телефонни қўйиб, шуни эсладим. Мақолада шундай жумлалар бор эди: "Урушда у киши билан нималар бўлгани ёлғиз Оллоҳга ва Мажид аканинг ўзига аён. Лекин, шунча йил бир оёқ, бир қўл билан кун ўтказиш, яна 10 фарзандни тарбиялаб, барини уйли-жойли қилиш, оёққа қўйишнинг ўзи ҳақиқий қаҳрамонлик эмасми?!"...

Мана, 80 ёшдан ошган бу инсон тонг отмаёқ, мени Рўза ҳайити билан табриклаб турибдилар. Синган оёқни қандай асрар ҳақида маслаҳат бераятилар. Булардан хуоса чиқара билиш керак.

Сизни билмадим, мен олисроқ юртларда, сайд-саёҳатда бўлсам, кўнглимга энг яқин жойлар сифатида қишлоғимиз қабристони ҳам кўзимга кўриниб кетаверади...

Шоирликка ўргатишнинг иложи бўлганида, биринчи галда, ўргатувчи киши устозлик қилиб ўтирумай, шоирлик қилган бўларди...

КИТОБХОНЛИК ШАРОФАТИ

Амрullo Бақоевдек одамлар бу оламга аҳён-аҳёнда бир келар экан. Жамики пулдор ва мансабдорлардан фарқли ўларок, у бағоят самимий, саховатпеша, инсонпарвар киши эди. Энди ўиласам, кўп китоб ўқиши, бир умр адабиётга бўлган ҳавас ва кучли меҳр унинг шундай тарбияланишига асос бўлган кўринади.

Ҳа, у туманда энг кўп китоб ўқийдиган инсон эди. С. Есенин, А. Пушкин, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов шеърларини соатлаб рус ва ўзбек тилларида ёд айтар эди. Эҳтимол, у раҳматли билан жуда яқин дўст ва сирдош бўлиб кетганимизга сабаб ҳам адабиётта

бўлган қизиқишимиздир. Шу боис у Неъмат Аминов, Эркин Аъзамов каби таникли ёзувчилар билан дўстлашди. Озод Шарафиддиновнинг назарига тушди. У ёзмайдиган шоир, тасдиқсиз танқидчи эди. Истаган асар ҳақида холис фикр билдира оларди.

Унинг зўр китобхон эканлилигига бир мисол айтаман. 1980 йилда Ленинградда ўтган Олимпиада ўйинлари томошасидан қайтдик. Саёҳатлар, концертлар, ўтиришлар бизни ниҳоятда толиқтириб қўйган эди. Амрулло китоб магазинларига саросар кириб, бир неча чет эл ва рус адабиёти намуналаридан сотиб олди. Тошкентга келгач, бир амал-тақал қилиб, "Ўзбекистон" меҳмонхонасига ўрнашдик. (Ха, амал-тақал қилиб. У пайтлар меҳмонхонага жойлашиш ҳазилакам иш эмасди).

-Энди сиз боринг,-деди у менга.-Нашриёт, таҳририятлар билан боғлиқ ишларингизни кўраверинг. Мен эса, уч кун ётиб, китоб ўқийман, кўчага ҳам чиқмайман.

Ҳақиқатан шундай бўлди.

-Ағфус, русчани яхши билмайсиз-да, бўлмаса, ана буларни ўқиб, бир мазза қилардингиз,-деди у менга Бунин ва Булгаковларнинг қалин муқовали, чиройли китобларини кўз-кўз қилиб.

Шундай холосага келганман: Амрулладай баркамол инсон бўлиш учун энг катта пулдор, мансабдорлар ҳам кўп китоб ўқишлари керак экан. Тўғрисини айтайми? Бизнинг ёшимиздаги авлод ҳозирги ёшларга қараганда анча фаол китобхон эди.

"Ҳеч китоб магазинига кирганимисиз?" -деган саволга ҳозир анча-мунча росттўй кишилар жавоб тополмай, қизариб қоладилар-ку! Амрулло эса, вилоят вино заводининг директори бўла түриб, нуқул китоб ўқир эди.

БУ-ҲАЁТ, АХИР!...

Яқин ўтмишга нисбатан муносабатимиз шундай давом этаверса, тез орада, бугун ҳатто чўткачиликни ҳам зплаёлмай юрган бола-бакралар, бизнинг авлод устидан масхараомус куладиган бўладилар...

Ахир, ўзимиз ҳам худди шу кунларни бошимиздан кечирмадикми? Ёқа ушлаш керак, кимларнинг устидан кулмадик? Қайтар дунё, деганлари шу бўлса керак-да!...

Илоё, ота-она ҳеч фарзанд доғини кўрмасин. Унда фарзанд бир ўлса, ота-она ҳар куни минг бор ўлади.

Рўза ҳайити куни (ҳайит куни-я) фожеа билан тугаган бир таъзиядан келиб, буни ёзиб қўйдим...

Ўзингдан кейингиларга катта моддий бойлик эмас, ишончли келажак қолдиришга интилган яхши. Ана шунда миллат гуркираб тарақкий қиласи.

Булар шўро замонасида яшаган деб, маломат тошини отгандан кўра, "Булар шўро тузумига бардош берганлар-ку!"-деб бизнинг авлодга шафқатда бўлиш адолатдан эмасми?

Мен кишлоқда яшайман.

Осмонни булат қоплаб, ёмғир ҳиди келавериши билан тарновлар тагига тоғора, чelакларни қаторлатиб кўямиз. Ариқларда сув йўқ. Ер ости сувларига эса, ҳатто, кир ювиг ҳам бўлмайди. Пулга олинган сувга кўз қиймайди. Буни мен 2002 йил бошида ёзаяпман...

Кишлоқда яшашиб ўзига хос қаҳрамонлик, биродарлар!

Россияни севимли шоиримиз бир пайтлар "Азамат ўлка", "Осмон сингари белоён ватан" деб таърифлаган эди. Ҳақиқатан ҳам, қанчалик катта имкониятлари бор бу юртнинг! Ахир, у Ер шари қуруқлик қисмининг олтидан бир бўлагини ташкил қиласи-я! Бошқача айтганда, бутун қуруқликнинг 17 фоизи ана шу мамлакат тасаррӯфига тўғри келади. Табиийки, унинг сувликлари ҳам жуда чексиз. Ахолиси бўлса, бутун инсониятнинг атиги-400 дан бир бўлагини ёхуд мингдан икки фоизини ташкил қиласи. Ана шу мамлакатда бугун бирон кишининг оч қолиши катта гуноҳ билан баробар. Бир ҳовуч сувни қизғанишчи?

Ўзбекистонда бурунги замонлардан қолган "Бугун ҳамма пахтакор!" шиорини юлиб, унинг ўрнига "Бугун ҳамма санъаткор" деганини илиб кўйиш керак.

Хаммамиз рақсга тушиб биламиз-ку, ахир!...

Биз оғизни тўлдириб-тўлдириб, катта-катта гапиришга ўрганиб қолдик. Тўғри, пахта экспорти бўйича дунёда иккинчи ўриндамиз. Олтин заҳралари, уни қазиб олиш бўйича ҳам биринчи бешликда савлат тўкиб турибмиз. Енгил машиналар ишлаб чиқаришида 28-ўрин бизга насиб қилган...

Хўш, яшашиб шароити бўйича нечанчи ўриндамиз? Санъатимиз, нечанчи ўринда? Ўртacha умр кўришдаги жойимиз қаерда? Адабиётимиз-чи? Буларнинг ўрнини ҳам белгилаб олиш керак-ку! Ана шунда ҳақиқий жойимиз билинмайдими?

Бутун рўза (2001 йил) Афғонистон уруши вахимаси билан ўтди. Бин Лодин ҳам бутун мусулмон дунёсининг қарғишига қолди-ёв!

Бизнинг том устидан Афғонистон томон учайтган самолётлар бехад кўпайди. Гал уларнинг нима олиб учайтганида...

Ахир, улар, мана, бизнинг том устидан увиллаб, оппоқ излар қолдириб, пайдарпай учеб туриди.

Осмон ҳам чексиз эмас эканда, яхшилар!

Электр тақчиллиги сабаб, қатор йиллардан бўён бизда "чеклаш", "тежаш" сиёсати юргизилади. Шикоятта ўрин йўқ. Чunksи, тепадагилар буни яхши билишади. Керак бўлса, "тежаш" жадвалига ўзлари ҳам имзо чекиб беришган. Шу сабаб, биздаги тўй-маракаларда югур-югур кўпайиб, қийинчилик рўй беради. Қишлоқликнинг бошида бу ташвиш ҳам бор. Афсуски, ҳалигача "ёруғлик" таъминоти ҳақида бирор қонун йўқ.

Тўй чироқсиз қолса нима бўлади, ахир? Биз эса буни бошдан, ўтказиб турамиз.

Хаётдан доим нолийвермаслик керак.

Ана, шеър ёзилаяпти, мусика басталанилаяпти. Қилқаламлар матога тонг манзараларини туширмоқда. Торлар таронага созланяпти.

Фақат булар эмас, узокдан бўлса ҳам қозондан буғ кўтарилаётгани кўриниб туриди...

Хаётдан бўлар-бўлмасга нолийвермаслик керак.

Менга Тангри қанот бергандаям факт ўз қишлоғимиз устида учеб юрсам керак.

Ёзувчи одам ўзига қулайроқ жойга қофоз-қаламни мудом шайлаб кўйиши керак экан. Бу, албатта, бир нарса ёзиш учун эмас. Бу сени қалам-қофоз кутаяпти, деган маънода бўлсаям майли. Бошқача қилиб айтса, дангасалликдан кутилишнинг энг муносиб усули. Бўлмаса, истаган бир лаҳзада иссиқ жойни совитиш осон иш эмас...

Ҳали замон тонг отади. Неварам уйғонади. Унинг қўнғироқдек овозини эшитаман.

Аввал унинг овозини эшитай.

Мен ана шундан кейин ухласам ҳам бўлаверади...

Рўза мислсиз бир неъмат. Бутун тонг бўйи бедор бўлгансан

киши. У тамом бошқача. Шунинг учун тонг ниятларини "тонгий ўйлар" деб аташ керак. Яъни, "Тонгдай ўйлар"...

Ёзиш масъулиятини хис килиш қийин эмас. Масалан,мен: "Буни Шукур aka ўқиса нима дейди? Ёки Неъмат aka ўқиса нима дейди?-деб ўз-ўзимдан сўраб тураман.

Ха-я,ҳали Озод aka ҳам бор...

-Шахарда ҳам хўроз қичқирадими?-деб сўради меҳмон бир қишлоқлик ижодкордан.

-Қишлоқдан чиқмасам қаёқдан билай? Буни Саид Ахмад акадан сўраш керак,-деб жавоб қилди қишлоқлик қаламкаш.

Бир хил шоир ёзувчилар шеър,ҳикоя ёзаман деб, нак бошқотирма чизишяпти. "Бу хос китобхонлар учун,буни 20 йилдан кейинги ўқувчи тушунади" эмиш. Бўлмаса, ана шу шеър ва ҳикоялар тепасига ҳам мақсадни англатадиган бирор бир белги кўйиб қўйиш керак. Мен овора бўлиб, уни бекорга ўқиб юрмайин-да.

Ё товба! Бўш араванинг тақир-туқури оламни бузади-я!

Режаларни мудом ошириб бажариб, бу хақда янада ошириброк ваъда-ю воҳид беришга ўрганиб қолган хўжалик раиси минбардан туриб бундай деди:

-Ўтган сайловда, ҳурматли депутатимиз учун, хўжалигимиз азъолари 125 фоиз овоз беришга эришдилар. Биз бу ишни янада давом эттираверамиз. Бу соҳада қўшимча топшириқларни ҳам ошириб бажаришга тайёрмиз.

Кассоб-қассобга деди:

-Билганингни қиласкер, азamat! Барибир, бу оламда бизга ҳайкал қўйишмайди.

Дарвоқе, наҳот, дунёнинг бирон бир бурчидаги қассобларга ҳайкал қўйишни унтишган бўлса?

Биз тарафларда Бин-Ладиннинг шогирдлари йўқ деб, хотиржам ухлайверманг.

Биргина варака тарқатиб, ёки уни симёғочу деворга ёпишириш изидан жарақ-жарақ даромад олаётганлар ким? Бу бели синмаган "кўклар" кимнинг пули?...

Бир ношуд ёзувчига "Эшикбузар" деб лақаб қўйишибди. Йўқ, илло, уни ўғри деб бўлмайди, албатта. Гап тамом бошқа ёқда экан.

Азamat, шу ёзувчи, китоб чиқариш илинжида, наш-

риёт, таҳририятлар эшигидан ипақдай эшилиб, мулойимгина бўлиб кириб келар, аммо дарғазаб бўлиб чиқар, эшикни шунақаям қарсиллатиб ёпар экан-ки, ҳатто шифтдан оҳак тўкилиб, деразалар зириллаб кетар экан.

-Мен беш йил ўтириб битта китоб ёздим, -деди ёзувчи сирдош дўстига.

-Мен эса беш йил ўқиб, битта китоб ёздим-жавоб қилди дўсти.

Фикр тўлиб-тошиб ётган бўлса, китоб ёзиш қийин иш змас.

Рахматли дадамга : "Шаҳар ҳожатхоналарини ювиш учун бир дарё сув ишлатилади" десам, ҳатто ишонмас здилар.

-Сув,-дейсанми?-дер здилар ғалати ҳолга тушиб.- Шунча кўп сув-а?...

Озод ака, мени кечиринг, оёғим синиб ётган кунлар бошимга бир фикр келиб қолди: ўзи китоб ёзиш учун гоҳ-гоҳ чўлоқ ҳам бўлиб туриш керак экан, шекилли.

Ха, оёғинг боғлиқ бўлса, қаёққа ҳам борасан киши?...



САҲНАГА ҲАВАС



Бизнинг ёшлигимиз осон кечмаган. Ҳали ўспиринлик пайтиданоқ оғир меҳнатга маҳкум эдик. 50-йилларда қишлоқларда ишчи кучи ниҳоятда кам эди. Шунинг учун биз-ўқувчи-ёшларни ҳеч аямай меҳнатга солишарди. Ҳали 14-15 ёшдаёқ колхозга аъзо қилиб олишарди. Катталар билан баббаравар меҳнат қилиб, ер текислар, ариқ қазишга кирав, культиватор қўшилган отни етаклар, чопик, чеканка қилиб, пахта терардик. Ҳатто белимизгача лойга кириб сувчилик ҳам қиласардик. Лекин, иш ҳаки деганидан ҳеч вақо йўқ эди. Тўғриси, ҳатто буғдой нони ҳам биз учун орзу эди. Айниқса, ёзги каникул (кatta таътил) азоб-укубат билан ўтарди. Эрта тонгдан кеч шомгача катталар билан баббаравар меҳнат қиласардик. Кўллар қавариб, товонлар қонаб кетарди, ҳатто. Кичиксан ҳали деб шафқат қиласиган одам йўқ эди. Кетмон кўтариб дала чиқдинг-ми, тамом иш нормасини бажаришинг шарт.

Тўққизинчи синфни битиргач, ёзги таътил пайти, мен шаҳарга кетиб қолдим. Бир ганчкор устага ёрдамчи бўлиб, мардикорлик қилдим. Иш ниҳоят оғир эди. Ҳар қалай, соҳибикорлар уч маҳал иссиқ овқат берар, одам тўқ юрарди. Нима бўлса ҳам шаҳар экан. Уни-буни кўрасан, кўнглинг очилади. Мактабга қайтгач, болаларга мақтаниб айтадиган гап ҳар кун кўпайиб борар эди.

Уста менга ҳар куни З сўм иш ҳаки берарди. Пулнинг курби яхши эди. Шу пулга тахминан 12 буханка нон ёки 1,5 килограмм гўшт, бўлмаса, З килограмм оқ қанд олиш мумкин эди. (1958 йил)

Буни қарангки, шу орада Бухорога Ҳамза номли Академик театр (ҳозирги Ўзбекистон Миллий театр) гастрол билан келди.

Ишонасиз-ми, кун бўйи ишлаб, ўлгудай ҳолдан тойсам ҳам, ҳар кечада шу театрга тушадиган бўлдим. Шундай қилиб, Академик театр нечта спектакль олиб келган бўлса, барини кўришга улгурдим. Томоша залида Омон Мухторов билан танишдим. Уйи шу яқин орада экан. Бўлажак ёзувчи ҳам ҳар кун театртга тушарди. Биз ҳатто томоша қилган спектаклларимизни ўзаро муҳокама қиласа, артистлардан ким қандай ўйнаганлиги ҳақида қизғин фикр юритар эдик.

Шундай қилиб, қариб 3 ой муддат ўтди кетди. Тўғриси, энди мен қишлоққа бутунлай "бошқа одам" бўлиб қайтдим. На мактабга, на уйга сифардим. Ахир, мен Шукур Бурхонов, Олим Хўжаев, Сора Эшонтўраева, Фани Аъзамовларни ўз кўзим билан кўриб "Отелло", "Навоий", "Конли сароб", "Кутлуғ кон" каби ўнга яқин спектаклни томоша қилдим. Бухоро шаҳрининг деярли ҳамма кўчаларини пой-пиёда кезиб чиқдим. Ўз пулимга кийим-бош ҳатто уйдагиларга совға-салом ҳам олдим...

Дўкли торлик қилиб, бўйим чўзилиб кетгандай эди, гўё.

Мана шу ўтган 3 ой ҳаётимда қандайдир бурилиш даври бўлди. Мен буни, албатта, кейинроқ англаб етдим. Ўшанда синфдошларим ҳам, колхозда ишлаб юрган тенгқурлар ҳам менга роса ҳавас қилишгани рост. Аммо, ўнинчи синфда дарсларга деярли қизиқмай қўйдим. Баҳоларим тушиб кетди. Тўғриси, ҳаёлпаст бўлиб қолдим. Фақат адабиёт дарсларида ҳамон аълочи эдим. Ҳатто математика, физика фани домлалари мени ёмон ҳам кўриб қолдилар.

Шу-шу, ҳали-ҳануз Тошкент борсам, албатта, Ҳамза театрига лоақал, бир марта тушаман.

ЖИНДАЙ КУЛГИ

Гўштини бўри еган қўй пўсагидан пойафзал учун яхши ямоклик ҳам чиқмайди.

Бир киши аёл сотувчидан писка сўради.
- Яхшисидан борми?
- Мана, зўр!-деди аёл-Ўзим ҳам шунақасидан оламан,-
мақтанди у бехосдан.
Тарки одат-амри маҳол деб, шунга айтадиларда...

ҲАР КУНДАН БИР САБОҚ.

Шукур ака (Холмирзаев) билан ресторанда овқатланаётган здик. Мен официантдан туздан келтириб қўйишни сўрадим ва бу ишни тезгина бажаргани учун унга катта раҳмат айтдим.

Кутилмаганда Шукур ака менга норози бўлиб, кескин қаради.
- Нимага раҳмат?-деди у. Вазифаси-ку! Қайтага унга танбех бериш керак эди. Ҳар нарсага "раҳмат" айтаверадими?

Ўиласам, жуда тўғри. Одам ўз қадрини туширмагани яхши экан-да...

Иқтисодий қийналиб юрган йиллар эди. Кўпни кўрган бир кекса гапириб қолди.

- Уйда бир соғин сигир, беш-ўнта жайдари товук бўлса, томарқадан бир йилга етгулик фалла ундиранг, қимматчилик дегани сен учун бекор гап. Сўнг у ўйлаб туриб қўшиб қўйди:

- Бироз меҳнати оғир, албатта...

Озод ака Шарафиддинов қизларини чиқарган тўйда катнашганман. Тасодифни кўринг, даврани олиб борувчи билан ёнма-ён ўтириб қолибмиз. Таникли санъаткорлар кўпчилик эди. Лекин, бутун ўтириш давомида Озод ака даврани бошқарувчи ёнига тез-тез келиб, қайси қўшиқлар ижро этилишини эслатиб турдилар. Бундан ҳеч бир санъаткор ўзича ташқари чиқкан эмас. Демак, улар ҳам ижро бўйича кўрсатма олишган экан.

Ҳар куни кулоқлар қоматга келадиган, ўзимизда ўтадиган тўйларда қатнашиб, буни бот-бот эслайман...

Ҳамма кексани ҳам нуроний деб бўлмайди. Лекин, ҳақиқатда, нуроний кишилар бор. Бундай инсонлар кириб келиши билан давралар ўз-ўзидан ёришиб кетгандай бўлади. Ўтирганлар ҳушёр тортиб, сухбат мазмуни ҳам дарҳол ўзгариб қолади. Бундай давраларда одамлар ноҳуш сўзлардан ўзларини тиядилар. У ёк-бу ёкка аланглаб, жойларини билиб ўтирадилар.

Ана шундайларга нисбатан "нуроний" сўзи кўз устида қошдек ярашади.

Она томонидан Худойберди бобом, қарийб бир аср умр кўриб, 1960 йил ёзида оламдан ўтдилар. Оғир касал ётган дамларида айтган бир гаплари эсимда ўрнашиб қолган:

—Шукур, узоқ яшадим. Лекин, барибир, ёруғ олам яхши. Еган-ичганинг змас, кўрганинг қолади бу дунёда...

Холбуки, у кишининг умри қора меҳнат, қийинчиликлар, юпунчилик ва фарзандлар доғи билан (онам, холам, уч тօғамни тупрокка қўйганлар) ўтди..

Барибир, очик кўз учун ёруғ олам яхши экан. Буни юз ёшли Бобом айтганлар...

Рахмат қиссин, қишлоғимиизда энг серфарзанд Собир бобо бор эдилар. Жуда хушчакчак, меҳнатсевар, чехраси очик киши здилар.

—Бирорвнинг олдида, ҳа деб, йўқчилигингииздан дийдие қиласверманг. Нима, қўлтиғидан чиқариб, бир бурда нон берадими? Корнингиз оч бўлса ҳам кўзингизда бир ботмон ёғ бўлсин, — деганлари ёдимда қолган.

Сафар Раҳим тоға уруш ногирони здилар. Ҳаддан зиёд беозор, жонсабил, камсуқум киши здилар, раҳматли. Одамларни мудом муроса-мадорага даъват қилиб юрар здилар. Кейин ўзларини мисол келтириб, “Мен тўрт йил урушни “ладна” (хўп бўлади) билан ўтказиб келганман” дер здилар.

Оллоҳ бандам деган бўлсин, Уста Очил тоға жуда ўқтам, шиддатли, орияти баланд одам здилар. 86 ёшда вафот этдилар. Тўгриси, то ўлгунча тешани ҳам, шишани ҳам қўймадилар. Тўртта хотинлари бор эди. Тўй-томушаларда тўрттовини (тўрт аёлни!) бир ерга қатор ўтқазиб, ўзлари бел боғлаб, хизмат қилиб юрар здилар.

Фарзандларининг кўпи кобил, уддабуро, ўқтам бўлиб етишиди. Тавба дейман, тўрт кундошли уйни ҳам бошқариб бўларкан-да...

Хозир қишлоғимииздан иккинчи жаҳон урушига кетган 50 нафар инсондан (улардан 27 нафари жанг майдонларидан қайтиб келмаган) фақат бир киши (2002 йил бошида) Тоҳир Сирож тоға ҳаёт (Илоё, умрлари узун бўлсин). Лекин, у кишининг икки акаси Ҳасан-Хусенлар ҳам урушдан қайтиб келмаган.

Тоҳир тоғанинг қисмати қизик. Бир кунлик күёвни, тўйнинг эртаси куни, чимилдиқ тагидан, фронтга олиб кетишган. Кейин у киши узоқ вақт Ленинград қамалида қолиб кетган. У ёқдан “кора ҳат” ҳам келган. Хотинлари эрга чиққандан бир ҳафта ўтар-ўтмас ўзлари дарвозадан кириб келганлар.

—Сиз билан урушган немислар билан ўртада яраш-яраш

бўлса, борасизми, тоға?-дейман у кишига қизиқиб.

Тоҳир тоға жиддий тортадилар. Кўзлари ола-кула бўлиб кетади.

-Ярашадиган иш бўлгани йўқ, домла!-дейдилар оғир сўлиш олиб...

Бу одамлар уруш тамом бўлиб кетганига, балки ишонишмас ҳам...

ТУШ КАБИ ЙИЛЛАР...

Сиз ишонмайсиз, раҳматли дадамни оталари ўрнига қулоқ килишган. Бобомиз Турсунбобо қазо қилганларида дадам 7 ёшда бўлганлар. (Бу 1921 йилга тўғри келади). Тўғри, бобомизнинг ўз қишлоғимизда одамлар ёлланиб ишловчи 5-6 гектар ерлари бўлган. Дадам 16 ёшга чиққанларида (1930 йил) "Сен катта ер эгасининг ўғли бўлгансан" деб, қишлоқдан бадарға қилишган. Шушу раҳматли Бувим ҳам у киши билан қарийб 10 йил қишлоқдан узоқда, сарсон-саргардон юрганлар. Қайтиб келсалар, на уй бор, на жой.

Бирон мантиққа сифмайди бу гап.

Демак, мантиқсизлик ҳукмрон бўлган даврларни ҳам бошдан кечирганимиз. Ҳа, қизик бўлган Шўро замони десам, гапимга ишонаверинг.

Урушдан кейинги йилларда қишлоғимиздан фақат Мулло Абдулло бобода соат бор эди. Рўза пайтлари, ифтор вақти бўлган бўлмаганилигини билиб келиш учун, бувим мени шу кишиникига юборар эдилар. Мулло бобо занжирли соатларига зеҳн солиб:

-Хали бир чой қайнагулик вақт бор, ёки "Бир чойнак чой ичгулик фурсат бор, -деб, ифтор вақтини белгилаб берар эдилар.

Колхоз раиси райондаги мажлисга кечикмаслик учун у кишидан соатларини омонат олиб юрган пайтлари ҳам бўлган...

Янглишмасам, 1946 йилнинг совуқ куз куни эди. Раҳматли Онамга, илғор паҳтачилик звеноси бошлиғи сифатида патефон мукофот беришди. 3-4 та пластинкаси ҳам бор эди. (Уни "Қарта" дердик). Ўша пайтдаги қўшиқлар қулоғимда қолиб кетган. Бугун санъатни оз-моз тушунишимга балки ўша қадим патефон, уни кора меҳнат билан топган раҳматли ОНАГИНAM сабаб бўлганлар дейишга тамом ҳақлиман.

Урушдан кейинги оғир йиллар қайроқтош каби кўнглимга

Чўкиб қолган. Ҳатто ўт ёкишга гугурт топилмасди-я! Кеч кириши билан Бибим ё Онам:

-Томга чиқ-чи!-деб буюрар эдилар.

Сабабини биламан, кимнинг уйида тутун кўринса, бориб ўчогидан тутантириқ олиб келиш керак. Бунинг учун озгина тарашани ҳам ўзимиз билан олиб борар эдик. Шу йўсин, бир-биридан тутантириб олиш йўли билан, бутун қишлоқ ўчоқларида аста-секин олов ёнарди.

Энди ким ҳам ишонади бу гапларга?...

Пешонаси тошдан экан бизнинг авлодни.

Усмон Носир ҳақида анча-мунча билардим. Лекин, унинг "Юрак" шеърини илк бор, 1970 йил, Неъмат Аминовдан эшиздим. Бир марта тинглагандаёқ, шеърнинг каттагина қисми ёд бўлиб қолди.

Шу-шу Неъмат акани ҳар кўрганда, ёки уларни эслаганда, албатта, Усмон Носир ҳам эсимга тушаверади...

Яширишнинг нима кераги бор, жуда камбағал эдик. Мен З-синфда, қиши пайти, бир оёғимда нимдош калиш, бир оёғимда йириқ ботинка билан мактаб борганимни эслайман. Ҳеч ким буни уят ҳам қилмасди. Бу ҳали ҳолва экан. Қаҳратон совуқда биздан ҳам узоқ қишлоқлардан шип-шийдам, ялангоёқ, келадиган болалар ҳам кўп эди.

Биз камбағал, бутун мамлакат қашшоқ эди.

50-йилларда синфимизда фақат бир боланинг чарм жилди(папкасида)да буғдой нони бўларди. Отаси колхозда омборчи, онаси товуқбокар эдилар. Шу бола танаффус пайлари жилдини ўзи билан олиб чиқар, ёки умуман танаффусга чиқмас эди. Ҳатто, ҳожатхонага ҳам папка кўтариб борганини ҳаммамиз кўрганмиз. Барибир, нонини ўғрилаб ердик. Болалик-да...

У йиғлар, аччиқлаб мактабни ташлаб кетарди.

Ўқиш бизга жуда қимматга тушган. Бутун бошли бизнинг Жондор туманида 1960 йилгача бор-йўғи 4 та ўрта мактаб бўларди. Бу мактаб ўқувчилари 10, ҳатто 15 километр узоқлардан қатнаб, шу атрофдаги қишлоқларда ётиб, ўқир эдилар. Ўқувчиларимизнинг аксариятида, олий маълумот тугул, ўрта маълумот ҳам йўқ эди. Ана шу шароитда ҳам биз дарсларни қолдирмас, "аъло" баҳога интилар эдик.

Назаримда мактабнинг, "аъло" баҳонинг қадри ниҳоят баланд эди, ўша йиллари.

Айрим ёшлар бизга Сиз шўро замонасининг одами деб, таъна қилишади. Бундан қочиб бўлмайди, албатта. Ахир, нима қилиш керак эди? Кўчиб қаерга ҳам борар эдик. Шўро дунёнинг қарийб тўртдан бир қисмини қоплаб олган эди-ку. (Биз билан ҳамтенг бўлганингда сен нима қилган бўлардинг?). Ватан танлашнинг иложи йўқ-ку, ахир?...

Ҳар куни гул-гул кийиниб, хилма-хил таомларни танлаб-танлаб тановул қиласиганлар учун байрам ва ҳайитларнинг мутлақо аҳамияти йўқ.

Нафсини тийолган одамгина келгуси йил ҳосили учун ҳозирланган уруғликка сира қўл урмайди.

У худосиз бўлса, бунинг ҳеч ажабланадиган ери йўқ. Ахир, Худованди карим ҳар қандай ифлос қалбда ҳам тажассум топмайди-да.

Японларда "Шеъриятга ўргатиб бўлмайди" деган мақол бор экан. Буни барча таҳририятларнинг эшиги устига, катта-катта қилиб, ёзиб қўйиш керак.

Ҳаваскор қаламкашларга ҳикоя ёзишни эмас, китоб ўқишини ўргатиш даркор.

Бу бокс дегани кўп қизиқ нарса экан. Икки одам бир-бири билан шунаقا муштлашишади, ҳатто бурунлари пачоқланиб, жағлари қийшайиб кетади-я! Шундан сўнг охирида яна ўзаро кучоқлашиб, бир бирларини ўпишларини кўринг.

Японларда "Шоир шамоллар ва юлдузларнинг хўжаси", деган мақолни ўқидим. Ўқиб, "Эсизгина шоир" деб кўйдим. Чунки, ҳар иккovidan ҳам на қорин, на чўнтак тўлади.

То ўзинг ҳақиқий инсон деган мақомга эришмай, чин дўст топишини орзу қилма.

-Бизда қуёш ботганда Америкада у эндиғина ниш уриб чиқаётган бўлади.-дедим бир куни билагонлик қилиб.

-Бўлмаса, Куёш иккитами?-деб кулдилар бобом.

Вьетнамда "Гўзал илонлар" кўрик-танлови ўтказилиб, унда мамлакатдаги турли хил, турли катталикдаги, турли ёшдаги илонлар олиб калинар экан. Чиройли илонга катта мукофот

ажратилар, бундай илонлар алохида парваришиланар экан.

Ибрат оладиган иш эмасми?

Илон қадрига етган мамлакат инсон қадрига ҳам етади, албатта.

Одамни оммавий кириш мақсадида бехисоб қурол-аслаха ишлаб чиқараётгандар бу ишдан ибрат олсалар күп тузук бўларди.

Мактоворларга бунча ўч бўлмасак! Мустабидлик йилларида ҳатто пахта-бизнинг ор-номусимиз, дейишгача етиб бордик-а! Нима, пахтаси бўлмаган халқларнинг ор-номуси йўқ эканми?...

Пенсияга чиқиши олдидан оёқ синиб, дуб-дуруст ётиб қолдим. Катта таътилга чиқиб, оёкни чўзиб ётиш олдидан бу ҳам бир "репитиция" бўлди дейман ўзимга-ўзим тасалли бериб.

Адабиётнинг нонини тия қилиб, юрганлар оз змас. Лекин, унга ўзини қурбон қилганлар бармоқ билан саноқли даражада кам. Ана шу саноқда Шукур Холмирзаев биринчи ўринда турса керак.

Ўзини кўз-кўз қилиб, гердайиб юрган одамни менга "Ана шу одам ёзувчи" деб кўрсатишса, мутлақо ишонмайман. Калондумоғ кишидан яхши ёзувчи чиқишига асло кўзим етмайди.

Нокамтар одамни яхши ёзувчи деб бўлмайди.

Ўз-ўзини енга олган одамгина ҳақиқий пахлавондир.

Катта ёшдагилар сени ота-буванг сабабли эъзозлашса, ҳам тенгларинг орасида иззат-обрўйни ўзинг топсанг, ёшлар эса, сенга фарзандларинг туфайли хурмат кўрсатишса, шунда ўтган ва ўтаётган умрингдан жуда-жуда рози бўл.

Профессор Ҳамид Фуломович Неъматов билан бўлган ҳар сухбатдан сўнг мен одамзодда фойдаланилмай ёттан қанчадан-қанча имкониятлар борлигини яққол ҳис этаман.

Садриддин Салим Бухорий ўрисларга немис тилини, немисларга форс тилини, форсларга ўзбек тилини ўргатиш даражасига етган. Биргина булар змас, у Куръони Каримни бемалол тиловат қилиб, тафсирини ҳеч кийналмай, янглишсиз тушунириб ҳам билади. Бу айтганларимиз тарозида қанча тош босса, унинг шоирлиги бундан заррача кам змас.

Одамзот бу даражага етиб бориши учун озмунча меҳнат,

машаққат сарфлайдими? Садриддин Салим бўлса, ўзи ҳакида гапиришни мутлақо ёқтирамайди.

Бухоро тупроғи қанчалар унумдор-а!...

Профессор Раҳимжон Воҳидов менга ўз инжиқликлари билан, ҳеч нарсадан қониқмай, кўнгли тўлмай, мудом норози юриши билан ҳам ёқади. У нафақат мумтоз адабиёт, балки бу кунги бадиий ижоднинг ҳам катта билимдони. Шу билан баровар Шарқ тарихини чукур ўрганган олим. Менимча, бугунги ўзбек адабиётшунос олимлари орасида Форс-тохиж адабиётининг бир-бирига таъсирини Раҳимжончалик биладиган киши кам бўлса керак.

Албатта, бу менинг ўз Фикрим. Дўстинг ҳақида ошириб гапиришининг айби йўқ, деб ўйлайман.

“Раҳимжонга хотинлик қилганингиз учун Сизга алоҳида мукофот керак, Янга,-деган эдим бир куни катта дастурхон бошида Муборакхонга.

Тумандошимиз шоир Юсуф Толибов ўз истеъдодининг лоақал, чорагини истифода қилолганида ҳам, аллақачон зларо машхури олам бўлиб кетар эди.

Оёғим синиб, чўлоч бўлиб колган кунларимда раҳматли Отамнинг бизга ёдгорлик ҳассалари жуда аскотиб қолди. “Бир умр менга суюнчиқ экансиз-да, Дадажон!”-дейман унга ҳар гал таяниб юрганимда.

Раҳматли дадамнинг турмушдан нолиганларини деярли зшитмаганман. Айниқса, дастурхон бошида такрор Қодир Эгамга шукроналар айтиб туар эдилар. Оғир бетоб бўлиб, ҳатто юролмай қолган чоғларида ҳам, “Парвардигоро, берган дардингга шукур” деганларини жуда кўп зшитганман...

Бу гапни тушуниб, дилдан чиқариб айтдим: “Берган дардингга ҳам шукур”, -демоқ учун одамда қанчалик катта сабр-тоқат, жасорат керак, ахир...

Биз ёш пайтда кўкламга етган қарияларнинг “Кўкка чиқдик, шукур, энди ўлмаймиз” деганларини кўп зшитганмиз. Шунинг учун кийинчиликлардан ҳа деб нолиш ярамайди.

Аниқ ёдимда, бизнинг ёшлигимизда кечқурун ўз уйида нима пишгани билан мақтаниш ҳоллари кўп бўларди. Гўштли таом аҳён-аҳён, у ҳам фақат якшанба кунлари пишар эди-да.

Энди 2-3 тадан енгил машина, 3-4 тадан телевизору

музлатгичлар билан қаноат қилмай, ношукурлик қилиб юрганларни күрсам, ўша кунлар ёдимга тушади.

Лекин бу эртакка ишонадиганлар энди жуда кам.

Урушдан кейинги йилларда қишлоқдан бирон киши сигир сотиб олса, бутун қишлоқ албатта, бориб кўрарди. "Фалончи сигирлик бўлибди, қозони оқарибди, болаларининг оғзи сутга етди. Насиб қилсин, рўзгори тинди" деб, хафта бўйи унинг орзу-ҳавасини қилиб юришарди. Ўша пайтлар қишлоқ аҳлининг фаровонлиги оиласда соғин сигир бор-йўклиги билан белгиланарди.

Ҳозир бойлик нима билан ўлчанишини билмайсан ҳам. Чунки, қанча кўп бўлса, шунча кам. Қолаверса "Қозони оқарди" деган ибора тобора истеъмолдан қолиб боряпти.

Қанчалик қашшоқ яшаган бўлишмасин кекса авлоднинг биздан улуғлик томони бор:

Улар мачит куришди, намоз кўришди. Оллоҳ таолога биздан кўра яқинроқ бўлишди. Ҳудосизлик илмидан сабоқ олишгани йўқ. Шунинг учун улардаги иймон-эътиқод биз-шўравийларга нисбатан жуда баланд эди.

Ҳарқалай, бу ёруғ олам билан улар осонроқ видолаша оладилар...

Мен радиоприёмникни таҳминан 50-йилда кўрганман. Колхозда ҳисобчи бўлиб ишлайдиган, ўзига тўқ бир кўшникимизникуга 2-3 нафар ўрис келиб, нақ сандикча келадиган радиоприёмник ўрнатишиди. Ҳар иккови рўпара курилган икки уй томига чиқиб, хода тиклади. Ўртада сим тортишиди. Аниқ ёдимда, приёмник тагида б та, ҳар бири буханка нондай келадиган батарейкалар кўшишди. Биз болалар ҳовлига қараган деразадан ичкарига бош суқиб, уларнинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатар эдик. Иш тугади. Ўрислардан бири ўрнатилган қути қулоғини буриши билан қутти шифиллаб, бир чеккасида чироқча ёнди. Ўрис бола билагидаги соатга тикилиб турди-да "Говорит Москва" деб юборди. Шу заҳоти кутидан ҳам худди шу гап янграб колса бўладими?" Говорит Москва!"

Мен шоша-пиша, болалар орасидан сирғаниб чиқиб, уйга чопдим. Ҳансираф бориб, бибимга дедим:

-Бибижон, ўрис одам нима деса, приёмник ҳам шуни қайтарар экан.

50-йиллар бошида қишлоғимиздан биринчи бўлиб бригадир Зариф тога Москва бориб қайтдилар. У киши билан мактабда

учрашувлар ҳам бўлди. Ҳатто, ўқитувчиларимиз ҳам Зариф тоғага аллақандай қўли етмас тоғдай ҳавас билан карашарди.

—У ерда ер тагида поездлар юради,—деб қолди ҳаммани ханг-манг қилиб Зариф тоға. Кексалардан бири ҳеч парво қилмай, қўл сiltади.

—Одамни кўпам лақиллатаверманг-да энди, Зарифбой, —деди у ишонмай. —Нима ер устида жой қуриб қолиптими?

Шу одамнинг невараси ҳозир Тошкент метросида ишлайди...

Бибим раҳматли саноқда ўндан нарига ўтолмас эдилар. Кўп нарсаларни санасалар уни 3 тадан, 5 тадан тўп-тўп қилиб, кейин сўрар эдилар:

—Учта бешталик тухумга, яна учта қўшилса бари нечта бўлади?

Урушдан кейинги йўқчилик йиллари эди.

Қишлоқ аригини қазиш учун ҳашар бўлди.

Белигача лойга ботиб, терлаб-толиқиб, рошга чиқиб, зўрга нафас олиб ўтирган Сайли тоға юзларидаги терни этаги билан арта туриб, бундай деди:

—Хафтада бир марта паловга тўйсанг, бу ишлар одамга нима бўлибди...

Ўз иқтидорига ишонмаган одамдан катта ҳасатгўй чиқади.



ТУЗУМ ВА БИЗ

Мустабид тузум йилларида ҳам бировлар айтганидек "Кўйдек ювошгина" яшамадик, тамом итоатгўй бўлмадик, шекилли. Бизнинг Жондорда чиқадиган, ўша йиллари "Коммунизм тонги" деб аталган газетамиизда 1968 йил Абдулла Ориповнинг "Яссавий қабри қошида" ва "Юлдузим" шеърлари илк бор ёруғ оламни кўрди.

Ёзувчи Саъдулло Сиёев бу хақда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида ёзиб чиққанини. (1997 йил 6 июн) бу ишни ўша пайтда қарийиб жасоратга тенглаштирганини ўқиган бўлсангиз керак. Албатта, бу "Қаҳрамонлик" каминага арzon тушмаган...

80-йиллар бошида ўз дўстларимиз тўдасини "Мехнат ва адолат, жиндайгина-машат партияси" деб, кулги қилиб атай бошладик. Тан олиш керак, бу гап асли мендан чиқсан. Аслини олганда ҳеч қандай партия-мартия тузганимиз йўқ. Лекин тешик қулоқ дeng, бу гап тарқалиб, тез орада туман фирмә қўмитасигача

бориб етибди. Ана энди бизга ёмон кўз билан қарайдиганлар кўпайиб қолганини бир кўринг! Тупла-тузук идораларда, лавозимларда ишлаб юрган дўстларимизни (Хайрулла ака, Мақсуд ака, Халил ака) ҳар ёкка тарқатиб юборишиди.

Мен ҳам курук қолмадим. Бир катта йиғилишда Биринчи котиб тап тортмай, "Сиз райондан чиқиб кетинг, ишимизга халақит берманг. Бизда кўшпартиялилик бўлмайди!" деб қолди рўй-рост.

Мендан кўпчилик ўзини олиб қочадиган бўлди.

Энди ишлаш қийин эди, албатта. Хайрият, тез орада порахўрлик ва пора беришдаги айби учун, Биринчининг думини чигишиди.

Биз дўстлар эса ҳали ўша-ўша-норасмий "партия" нинг аъзосимиз. "Мехнат ва адолат, жиндайгина майшат"...

Бизнинг қишлоғимииздан, тўғрироғи, бутун Шахри Ислом мавзесидан ягона Мулла Абдуллабобо Бухоро мадрасасида 25 йил таълим олган, олим ва мударрис бир киши эдилар. Архив ҳужжатларини титкилиб ўтирганда бир рўйхат топилиб, у кишининг исми-шариfinи 20-йилларда очилган СБ (саводсизликни битириш) мактаби ўқувчилари сафида учратиб қолдим. Ана холос, олим одам-а! Саводсизлар рўйхатида олим одамнинг исми-шарифи турибди. Хайрият, бундан у кишининг ўзлари бехабар бўлган.



ОҚ ДОҒЛАР

2001 йил 19 октябрь куни Ўзбекистон-Хитой футбол жамоалари ўртасида жаҳон биринчилиги саралаш ўйини бўлиб ўтди. Ўйин бошланишидаёқ негадир кўнглимдан бизнинг футболчиларда ватанпарварлик етмайди деган фикр кечди. Чунки, Хитой Давлат гимни чалинаётганда, ўйинчилар кўлларини кўкракларига қўйиб, баланд бир руҳият билан, бошларини мағрур кўтариб, ўз мадхияларини ижро этишди.

Яширмаслик керак, бизнинг Гимн чалинаётганда мен футболчиларимизга алоҳида-алоҳида аҳамият қилдим. Лоакал, бирон ўйинчининг лаби ҳам қимирламади-я! Гўё ҳеч нарса бўлмаётгандай уларнинг шалвираб ўтириши кўзга жуда хунук ташланар эди. Ҳолбуки, ўйин Тошкентда бўляяпти. Ҳолбуки, Республика Давлат Гимни ижро этилаяпти. Қолаверса, бутун ишқибозлар асосан ўзимиздан, ўйинни бутун мамлакат телевизор орқали кўраяпти.

Наҳотки, футболчилар буни тушунишмайди? Балки, кимдир

спортгаям энди мафкура сўқасанми деб, мени айблар. Мен бу хаёлдан тамоман узоқман. Лекин, шуни аник биламанки, ўз Ватанини жон-дилидан севган футболчигина майдонда қанот ёзиб, аҳду-жаҳд билан ҳаракат қиласи. Шу ўйин давомида бундан бир неча йил олдин ёзиб қуйганим бир жумлани эсладим: "Биласизми, нима учун бразияликлар уст-устига дунё чемпиони бўлишади? Чунки, ўлар футболни эмас, Бразилияни севишади"...

ПАХТА, ПАХТА...

Машхур шоиримиз айтган гапга мен жиндай қўшимча киритаман: "Пахтага тил битса, у ўзбекча сўзлаб, энг аввал, биздан қайта-қайта кечирим сўрарди"...

Суғурта бўлими ходими менга қизик бир гап айтди: Ўз ишимиз қолиб, хар куни туман марказидан Моҳонга, 25-30 километр йўл босиб, пахтага бораяпмиз. Топганимиз еганимизга етмайди. Идоранинг "Тико"сига ўзимиз рухсат бердик, ҳайдовчимиз эрталаб барвакт туриб, бир-икки соат киракашлик қилиб, бензин сотиб оладида, бизларни Моҳонга элтиб-келтиради. Кеча тушликни ҳам ана шу киракашлик хисобидан қилдик...

Бу пахта билан боғлиқ ҳамма жойда ҳар куни бўлиб турган ҳангомалардан бири, холос. Лекин, ҳар ким ҳам буларни ёзиб қўяётгани йўқ...

Пахта, азиз бўлиб кетдинг-а, пахта! Ердан ҳам азиз! Ё, тавба, айрим йигинларда қадринг одам қадридан ҳам баланд бўлиб кетади-я, пахта ...

Пахтадан бўшаган чаноқлар эрта тушган қор билан лик тўлди. Рўзанинг танига совуқ титроқ, кирди. Чунки, унинг пойида йиртиқ калишнинг излари қолган эди...

Менинг кўнглимда ҳали айтилмаган бир гап бор: ҳамма учун мухим бир гап. Лекин, билмайман қандай гап ўзи? Ана шу гап тилимнинг учига келгунча, ўлиб қолмасам бўлгани.

Пахтага бошқа бир ном топиб бўлмасмикан? Унинг бўйи-бости, ичак-чавоги, мазмун-моҳияти, азоб-уқубатини ўзида тўла акс эттира оладиган бир янги ном!...

Пахтани....

мажлислар бадном қилди.

Колхоз пахтасини пайхон қилгани учун, маъмурлар бош бўлиб, бўшалиб чиқсан соғин сигирни сўйдиришди. Далолатномага "сигир ошқозонидан фалон кило кўрак чиққани" қайд қилинди. Буни кўрган уй бекаси ва ёш болалар зор-зор йиғлагани ҳеч қаерда қайд қилинмади.

"Чўнтағида ҳемири йўғу, бу кишига касал бўлиб, оёқ чўзиб ётишни ким қўйибди?" - деди таъмагир шифокор бемор томонга ишора қилиб.

Деҳқон пахта етишириш, ҳисобидан маош олади. Табиийки, бюджетта ўз иш ҳакидан солик тўлайди. Пахтачилик хўжалиги ҳам даромаддан, колаверса, фойдадан солиқقا тортилади. Энди пахта қайта ишланиб, тола ва чигитга ажратилади. Табиийки, пахта тозалаш заводи ишчи-хизматчилари ҳам бюджетта иш ҳакидан солик, завод эса, даромад ва фойдадан зарур ажратма тўлайди.

Энди чигит ёғ заводи тасарруфига ўтади. Бу жойда ҳам юқоридаги тартиб ҳукмрон: иш ҳакидан солик, завод даромади ва фойдасидан солиқлар олинади. Ўз навбатида тола ип-йигириув комбинатига келиб тушади. Бу ҳол, яъни солик ғилдираги ўзича айланаверади. Тўкув комбинатидан тайёр матоҳ тикув цехларига ўтиб, кийим-бошлар ҳосил бўлади. Демак, яна иш ҳакидан солик, корхона фойдасидан ҳам солик ва ажратма олиш давом этаверади. Ҳатто кийимлар савдога чиққанда ҳам бу ҳол сира тўхтамайди.

Кўринаятники, пахта бюджетта қайта-қайта солик туғиб бераятли.

Мен иқтисодчи эмасман. Лекин, деҳқоннинг ана шу пировард натижалардан мутлақо манфаатдор эмаслиги, қўлини бурнига тикиб қолаётганини биламан. Бу тизимни қайта куриш, бюджет билан бирга, деҳқон манфаатдорлигини ҳам кўзлаб, иш тутиш керак, деб ўйлайман. Бюджет деҳқонга мадад қўлини узатиб турсин. Бюджет ўзига келиб тушаётган маблағлардан деҳқон учун ажратмалар ажратсин. "Деҳқонга бюджетдан бунча ажратма ажратилди" деган жумла ҳамма расмий маълумотларга қўшиб борилсин. Бу иш бирон бир ривожланган мамлакатда йўлга қўйилган бўлса, у тажрибани ҳам, албатта, ўрганиш керак.

Бизнинг авлод пахтакорлик билан гурурланадиган кунларга тезроқ етиши керак.

Пахта саноати, пахтачилик илмий текшириш институтлари, пахтачилик билан шуғулланувчи олимлар олдига кескин бир вазифа қўйиш керак: Энг замонавий (ўта замонавий), пахтани мутлақо нобуд қилмай, сифатини сира бузмай терадиган машиналар ишлаб

чиқиш даркор. Одамларни букилиб, пахта териш азобидан тезрок қутқариш лозим. Бундай машиналар, пахта териш бараварига, толани ҳам ажратиб олишлари, қолаверса, бир вақтнинг ўзида чигит майини қисиб чиқариш қувватига эга бўлишлари керак. Бу ишлар дунёning энг тарақкӣ қилган мамлакатлари билан ҳамкорликда, келгуси юз йилликларни мўлжаллаб, қанча маблағ кетишидан қатъий назар, пухта ва тез амалга оширилиши керак. Ахир, ҳалққа овоздан тез учувчи қиরувчи самолётдан кўра, (уларнинг янги туркумини ишлаб чиқариш учун АҚШ ва бошқа буюртмачи давлатлар 400 миллиард доллар ажратишганидан хабардорман) бу иш муҳимроқ ва савоблироқ эмасми?

Бизнинг авлод "Мен пахтакорман!" деган сўз фахр ва қувонч билан айтиладиган кунларни тезрок кўриши керак.

Пахта ҳақида кейинги пайтлар ҳеч ким яхши қўшиқ ёзмай кўйди. Яратилганлари аса, бир чақага ҳам арзимайди. Пахта ҳақида пахтадай бир қўшиқ керак!...

Кеч куз. Пахтадан сўнг ҳувуллаб қолган далага қараб кўнглим орқага тортиб кетади.

Баҳоргача бу далаларни унутамизми?...

Баҳоргача даламиз қаровсиз қоладими энди?...

Қишлоқда туғилиб, шунча йил яшаб, пахтакорликдан бой-бадавлат бўлиб кетган бир кишиниям кўрмадим-а!

Чунки, пахта дехқондан бошқаларни боқаяпти.

Кейинги йилларда Республикада умумий пахта маҳсулоти кариб икки баравар камайди. Пахта якка ҳукмронлигига барҳам берилди деб, баландпарвоз гапларни такрор-такрор айтиб келдик. Лекин, тошдан бўлган бизнинг бошимиз, пахтанинг ташвиш ва уқубатларидан сира ҳоли бўлган эмас. Улар кўпайди-ки, озайгани йўқ.

Пахтани бир вақтлар ўзбек ҳалқининг миллий ифтихори дердик. Афсус, пахта бизнинг "миллий дардимиз", "юрагимиз оғриғи" дейдиган бирон мард топилмади.

Мактаблар ёпиб қўйилган. Бола келиб, шипшийдам ғўзаларга юлиниб, пахта ахтаради. Йилт этган вақо йўқ. Бола ҳар замон кафтларига кух-кухлаб, панжаларини иситиб олади. Гоҳ бармоқларини қўлтиғига тиқади. Нихоят, қоронғу тушганда тарози бошига бир коптоҳ катталигича қаппайган фартугини кўтариб

келади. Ана шу болага эртаси адабиёт дарсида "Назир отанинг газаби"ни ёд ҳам олдиришади: "Эх, менга деса тош ёғмайдими? Барibir, пахтани терамиз", -дейди Назир ота.

Совукда дийраб турган бола қўлларини қўлтиғига тикиб, нималарнидир пиҷирлади...

Наҳотки, "Назир ота"ни тақрорлаётган бўлса?...

Телевизордан машҳур рестораннинг машҳур ошпази "энг мазали" салат тайёрлаш ҳақида уй бекаларига маслаҳат бермоқда. Бу салат учун бор-йўғи уч хил ёғу қаймоқ, икки хил гўшт, икки хил балиқ, саралаб терилган энг тоза тўрт-беш хил кўкат, озроқ помидор ва барра бодринг керак экан...

Мен-ку, лабимни ялаб-ялаб, зўрга эшишиб ўтирибман. Аммо, "уй бекалари"нинг бунга сира тоқати йўқ.

-Бу нарсаларга имкони борлар ўша сен ишлаётган ресторанга бора-қолсин-да, ука! Уйда овора бўлиб, салат килиб ўтиришадими?-дейди кекса аёл оҳиста бош чайқаб.



"ЯПОН БЎЛГИМ КЕЛАДИ"

Японияда бўлганман. Тўғриси, бу ҳалқнинг яшаш тарзи, адабиётидан ҳам чукур маълумотим йўқ. Япониянинг ниҳоят тараққий этгани, ўта иқтидорли, мўъжизакор ҳалқи борлигини яхши биламан.

1984 йилда "Япон бўлгим келади" деган бир ҳажвий ҳикоя зълон қилган эдим. У кўпчиликнинг оғзига тушиб кетди. Мирзоёнлик муҳлис укамиз Олимжон Қурбонов бу ҳикоя ва мен ҳақимда Тошкентда дўстлашган бир Япон ўртоғига гапириб колибди. Япон йигитнинг исми-шарифи Ватанаби Шин экан. У Олимжондан шу ҳикояни русчага ўгириб қўйишни ва мени ўзи билан таниширишни илтимос қилибди.

Олимжон ҳикояни ўрисчага таржима қилдириб, сўнг олдимга келди ва бу гапларни айтиб берди. Тўғриси, таржима яхши чиқманган эди. Лекин, борига шукур қилиб, юравердик. 2000 йил ёзининг иссиқ кунларидан бирида туман ҳокимлигига катта йигилиш бўлиб, чўзилгандан-чўзилди. Терлаб, ташқари чиқдим. Эшик олдида мени Олимжон кутаётган экан. У япониялик меҳмон келиб, газета таҳририятида мени кўпдан кутаётганини айтди. Икковлашиб, етиб келдик. Шундай қилиб, Ватанаби билан танишдик. У 25 ёшларда бўлиб, ҳали уйланмаган, ўрисчада bemalol

сўзлашиб билар экан. Мен ундан мажлисда қолиб кетганим учун узр сўрадим.

-Мажлис дегани шунаقا узок бўладими?-деди у ҳайратланиб.

-Шунинг учун биз япон бўлолмаймиз-да.-деб ҳазил қилдим.

Тасодифни карангки, "Япон бўлгим келади" ҳикоясида ҳам асосан биздаги мажлисбозлиқ, унда ўтадиган беҳуда умр ҳажв остига олинган эди. Мен меҳмонга ҳикоянинг ўрисча нусхасини бериб, таржимадан кўнглим тўлмаганлигини ҳам айтдим.

У мендан ҳикоянинг асл нусхасини сўраб олди.

-Икковини солишириб, қайта таржима қилдириб оламан. Балки, япон тилида чиқиб ҳам қолар,-деб менга сўз берди.

Ватанаби Токио университетини социология мутахассислиги бўйича битирган, иккى йилдан бўён Тошкентда яшаётган экан. Ўзбек тилини ўргана бошлабди. Японияда чиқадиган рангли, қалин бир журналда Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларини, бир неча чиройли расмлар билан, бостириб чиқиби. У бизни бир неча расмга ҳам туширди. Сухбат давомида бу йигит Ўзбекистон ҳақида сизу биздан кўра анчагина кўпроқ маълумотга эга эканлигини англаб олдим. Елкасидаги сумкада бир қанча китоблар солиб олибди. Қўлидаги елим идишда (баклашка) тоза сув бор. Ҳар замон жиндай-жиндай ҳўплаб кўяди. Менга ташрифнома, бир чиройли гулқоғозга (открытка) дастхат ёзиб қолдирди.

Шундан сўнг япон кишилари мўъжизакорлик сири очилгандек бўлди, назаримда. Улар ўта синчков, қизиқувчан, бошқаларга нисбатан эътиборлироқ, шекилли. Бўлмаса, шапалоқдек келадиган оддий бир ҳикоянинг изига тушиб юриш шартми? Ўқиб қўя қолса бўларди-ку. Масалан, мен биронта японнинг "Ўзбек бўлгим келади" деган ҳикояси ҳақида эшитсан, уни бундай излаб юрармидим? Ана шулардан "Ватанпарварлик нимадан бошланади? деган саволга ҳам жавоб топса бўлади, балки...

Ойнаи жаҳон орқали берилаётган айрим "хушхабар"лардан жигибийрон бўлиб кетасан одам: "Сеулда янги чиқаётган енгил машиналар кузовини бўяшни Ўзбекистондан борган ёшларга ишонишибди". Шуни ҳам мақтаниб айтишади. "Бу ҳаммага ҳам ишониб бўлмайдиган иш" эмиш. Бечора, бўёқчи ҳам уялиб-нетиб буни "тан олиб" турибди.

Ушу бўйича Осиё биринчилиги чемпионлари бўйнига ёрликларни осиб қўйишни Ўзбекистондан бу мусобақада иштирок этган спортчилар раҳбарига ишонишибди. Бу ҳам Республика миқёсида "хушхабар", бутун миллат фахрланса лойик иш эмиш...

"Ювентес" ўйинчилари айни чарчаб қолган саксонинчи минутда шу командага яқинда ўтган бизнинг ҳамюртимиз

Зейтуллаевга "ишонч билдириб", ўйинга киритишибди. Бу ҳам мақтанишга лойиқ катта воқеа эмиш...

Наҳотки, шу нарсалар миллат шаънини безаса?...

Качон кутиласиз бу хил мақтанчоқликлардан?

Ватанни ўқ-дори, қурол-асраҳа, кучли армия билан бир күн, келингки, бир ёки бир неча йил қўриқлаш мумкин бўлса, уни чин муҳаббат билан бутун асрга кўз қорачигидек асраса бўлади.

Кўксидা мудом олий маълумоти борлигидан хабар берувчи нишонни кўз-кўз қилиб юрган бир одамга дўсти деди:

-Газета ўқий олмайсану яна олий маълумотим бор дейсан-а?

-Мен олий маълумотни газета ўқиш учун олмаганман-да.



ЯХШИДАН ОТ...

Аскар Бекмуродов бизнинг туманга қўшини Қоракўлдан келиб, тез орада ҳамма билан қўшилиб-қоришиб кетди. У бизнинг Жондорда ўша пайтлар "Қишлоқ хўжалик техника бирлашмаси" деб номланган нуфузли корхонага раҳбарлик қиласарди.

Табиатан шўх, ўта улфат, жўрабоз, самимий дўст бўлган бу тенгқуримиз ўз жамоасида ҳам, туманда ҳам яхшигина обрў ортириди. Раҳматли сира тушкунликка тушмас эди. Ҳар қандай оғир ҳолатдан ҳам бемалол чикиб кетиш мумкин деган нуқтаи назар унинг кўзга яққол ташланиб турадиган фазилатларидан бири эди.

Суҳбат, гурунгларда ким ҳаётдан нолиб: "Ана ундей бўлди, мана бундай бўлди, энди нима қиласми?" деб ғўнгиллаб қолса у:

-Асло парво қилманг, бу азобларнинг бари ўлгунча, -деб дангал "маслаҳат" берар эди.

Дарвоқе, ёзиб қўйса бўлади: "Бу азобларнинг бари ўлгунча"...

Тўғри, Ўзбекистон иккинчи жаҳон уруши оловлари ичида қолган змас. Лекин, бу оловлар Ўзбекистон ичида қолиб, узоқ вақт тутаб, ёнди.

Урушда икки қўлини ҳам тирсагидан қолдириб қайтган қўшини работўғлонлик Ҳожи ака Наврўзов раҳматли дадам билан инок здилар. Паҳлавон келбатли, елкалари кенг, доимо ўзини кувноқ кўрсатиб юрадиган бу инсон киши кўзига ёқимли кўринар, бир кўргандаёқ самимий киши эканлиги ҳакида тасаввур уйғотарди. Шу ахволда у киши томорқада ҳам ишлар эди. Кетмонининг узун сопини чап қўлтиғига кистириб оларди-да, иккинчи калта қўли ёрдамида кетмон сопидан кўтариб-ташлаб, ўз богини гулдай қилиб,

мўл-кўл ҳосил олиб юрар эди. Бир юзини ўқ тилиб ўтган, шу жойи садафдек оппоқ тортиб, қуёшда ялтираб туриши ҳам ёдимда қолган. Раҳматли дарё бўйидаги адок ерларда ўзига тегишли, яна қўшниларнинг ҳам кўй-эчкиларини қўшиб, боқиб юрар эди. Ўша йилларда бозорда гурунж топилмас. Ҳожи ака Хоразм, Коракалпогистон, ҳатто Кавказ томонларидан гурунч келтириб қишлоқда сотар эди. Икки кемтик кўлларини гурунж халтаси биқинига чукур ботириб, 70 кило юкни кўкракда азот кўтарар эди. 20-25 кило гурунжли халтани тишлари билан ердан узиб, бемалол елкаларига олганини одамлар атрофларига тўпланишиб, томоша қилиб турар эдилар.

Ахён-ахёнда Ҳожи ака бизларнига келиб турар эди. Тўғриси, ичкиликни ҳам яхши кўрар эди. Дастурхон бошида мен ёки укаларим қошиқ билан оғизларига овқат тутиб турар эдик.

Мана, энди орамизда Ҳожи ака йўқ. У кишидан яхшигина уй-жой, қобил фарзандлар, кўркам бօғ-роғ қолди. Бу одамнинг юрагида уруш узоқ йил акс-садо бериб турди, албатта.

Ҳа, Ўзбекистон иккинчи жаҳон уруши оловлари ичida қолган эмас. Лекин, бу уруш Ўзбекистон ичida узоқ тутаб ёнди.

Таниқли чорвадор Мақсуд Жўраевдан ҳалқ ичida яхши хотиралар қолди. Раҳматли ўз ишини пухта биладиган, қўли очик, дастурхондор, танти бир инсон эди. Кўп йил чорвачилик тармокларида раҳбарлик лавозимида хизмат қилди.

Мақсуд ака оз-моз ичиб олганда "Файласуф" бўлиб кетар. оғиздан ҳеч кутилмаган фикрлар лопиллаб чикиб кетарди. Бирон нарсадан зориқцанингизни сезса:

—Худодан катта-катта сўранг, албатта беради, даргоҳи кенг, —деб коларди. Мен бу гапни у кишидан кўп эшитганман. Шунинг учун гоҳо ҳазиллашиб дердим:

—Мақсуд ака, худонинг ҳаммага назари тушавермайди. Мана, Оллоҳ сизга бериб турган экан, шундан оз-мозини сиз менга бериб турсангиз ёмон бўлмасди-ёв.

—Йўқ-дерди у киши қатъий. Ўзидан сўранг, даргоҳи кенг. Мен берганим бир кунга етса, Ўзи бергани бир умрга етади.

Яна қўзғаб, у кишини гапга солардим.

—Бўлмаса, айтингчи, Ўзи бергани билан бандаси берганининг фарқи нимада, Мақсуд ака?

У киши ишонч билан дерди:

—Ўзи берса, сигирингиз иккита туғади, хотинингиз касал бўлмайди, ўғлингиз институтга бепул киради, томорқангиздан уч марта ҳосил оласиз...

Ана шунаقا. Биз-дўстлар бу гапларни ҳамон тез-тез эслаймиз. Ўша пайтлар Мақсуд ака ора-чора худо берганигаям,

бандаси берганигаям қаноат қилмай, түрваси мудом гарданида осик бўлган казо-казоларни аямай ҳажа ҳам қиласди. Биз туман катталаридан кимлар қайси йўл билан пора олишини шу киши орқали яхши билар эдик...



БИЗНИНГ “УЮШМА”

Шариф Рустамов, Қаҳрамон Музаффаровлар бизнинг “уюшма” (“Мехнат ва адолат, жиндақкина майшат-улфатлар тұдаси күзде тутилмоқда) нинг энг фаол аъзоларидан ҳисобланади. Булар ҳақида гал кетса, мен доим айтаман:

—Шариф ака, Қаҳрамонжон билан ҳамма ишни қилса бўлади, факат шахмат ўйнаб бўлмайди.

Ҳақиқатда ҳам улар туманда (бутун бошли туманда-я!) биринчи бешлиқда шахмат ўйнайдилар. Бунинг устига улар майдон кўрган пахлавонлардан. Ҳозир ҳам кураш ҳақида хабар эшишишса, аширидан машриққача боришади. Боз устига ҳар икковлариям катта ўқитувчи, катта маорифчи. Хуллас, туманда ўз ўрни, иззат-хурматини топган инсонлар.

“уюшма” мизнинг хайриҳоҳ аъзолари ҳам бор: Араш ака Рўзиев, Воҳид Солиев, Турсун Ражабов, Шавкат Нуриддинов ва ҳоказо.


уюшманинг номзод аъзолари ҳақида ҳам ўрни билан ҳикоя қиларман.

Бизнинг ёзилмаган Низомга кўра айрим кишилар бир умр номзодлигича қолиб кетиши ҳам мумкин. Бунинг сабаблари бор. Раҳматли Халил ака Обидов жуда ғалати инсон здилар. У киши норасмий “уюшма” нинг норасмий Раиси здилар.

—Фалончини ҳақиқий аъзоликка ўтказамиэми?-деб сўрадим бир куни Раисимиздан.

—Кўйинг, номзодлигича юраверсин. Хотини билан жанжални бор, истаган пайтда уйига меҳмон бошлаб боролмайди,—деган здилар у киши.

Ана, кўрдингизми, бизнинг “уюшма”га аъзо бўлиш осон иш эмас.



ВАТАН СЕВГИГА МУХТОЖ

Ҳамма динларнинг илдизи туташган, ҳамма халқлар учун муқаддас ҳисобланган Куддуси шарифни бир кўрсам дейман...

Афсус, бугун бу шариф шаҳарда диний низолар кучайгандан кучайди. Динлар эмас, диндорлар ўзаро курашмоқда. Миллатчилик, айrimачилик қўшиғи авж пардада янграйяпти. Азиз пайғамбарлар руҳи чинқираб тургани билан ҳисоблашадиган киши йўқ.

Холбуки, Куддус дунёдаги барча дин ва миллатлар учун ягона -Шариф шахар.

Аллақачон бўлиниб бўлган дунёнинг тугмадай бир бўлагидан менгаям инганинг кўзиdek жой теккан. Шу ерни Ватан тутиб яшаяпман: ўз уйим, ўз боғим дегандек.

Бу имконият дунёдаги аксарият кишиларда бўлган. Кимки, Ватансиз бўлса, айбни аввал ўзидан қидирсин.

Ўз Ватанини севмаганлар бу дунёда ватансиз ўтади.

Ватан севгига жуда мухтоҷ.

Юрак нима? Кимнинг кўкрагида у бир совуқ тош. Яқинлашсанг, сени ҳам совутиб юборади. Кимнингдир кўкрагида у бир қадоқ гўшт. Узуб олиб, итга отса ҳам бўлаверади.

Бошқа бировнинг бағрида у лакқа чўғ-олов! Ҳарорати нафақат ўзи ҳатто бошқаларни ҳам илитиб, иситиб туради.

Душманингга ҳам ёмонлик тилама. Ахир, бола-чақаси, отонаси бор. У ёмон бўлса, улар яхшидир. Ёмон одамни қарғиш уриб, яхшилар бошига товон бўлмасин-да.

Шукур, ҳалигача кўз ўнгимда бомба портлаганини кўрганим йўқ. Акс ҳолда, у қаерда портлаётганидан қатъий назар, мен ҳам баравар портлаб кетсам қерак.

Одам ўлдириш нияти билан қаттол жангга кириб, вақт-вақтида қонли панжаларини инсон қонига тўйинган бир ҳовуч кум билан "ювиб", уни зарурат юзасидан, "таяммум"-деб, сўнг намозга қойим бўлганларни наҳотки, чин мусулмон деб бўлса?...

Афғонистон тупроғи. Бу ерда унган мева, ноз-неъматлардан

ҳали кўп йиллар қон таъми келиб турса керак. Ҳали кўп йиллар қон
кусади бу тупроқ...

Одам таниш қийин, экан-да, яхшилар! Бўлмаса, мен ҳозир
итимнинг бошини кафтларим орасига олиб, унинг кўзига бундай
мўлтиллаб, ўйчан қараб ўтиргмаган бўлар эдим.

У дунёни туш кўрибман: Гўштсиз жасадлар бир бош чаноғини
тўп қилиб тепиб юришган эмиш. Яхши эмас, десам тепинг, ахир
бу бадбахт у дунёда бизнинг бошимизга қанча тепган эди деб,
каллага зарб уришармиш.

Одатда бундай тушлар ҳақида бировга галиримайди. Мен
эса, шаккоклик қилиб, ёзиб ҳам қўйдим. Гуноҳим бўйнимда, Қодир
эгам.

Бу олам ҳаммага етади деб, хотиржам ўтиравериш ҳам яхши
иш эмас экан. Мана, ошингга бегона қошиқ тушиб турибди-ку!

НУРЛИ ОЛАМ



Ўлмас Расулов мақом чалаётганда ғижжак портлаб
кетмасайди деб, қўрқаман. Ахир, мен тинглаб туриб, шу ҳолатга
тушяпман-ку.

Усмон Азим шеърларида ниҳоятда кучли бир ҳарорат бор.
Ўқиётганда лакқа чўғ олдида тургандай бўласан.

Мен бу дунёда ҳаммани хурмат қилиб юраверибман. Ҳатто,
ўзимнинг устимдан кулиб юрганларни ҳам. Мен ҳаммани бошимга
кўтариб юраверибман. Ҳатто, бунга қўнишиб, энди сира елкангдан
тушмайман дейдиганларни ҳам. Мени ўзимни қалака қилиб
юрганларни ҳам севиб юраверибман. Мен билганларимни тўғри
келган одамларга, сира қизғонмай, ўргатаверибман, боримни
ўртага қўяверибман. Мендан олганларини бугун бежаб-бўяб, қайта
сотаётганлар ўзларини осмонда санаб юришибди, ҳатто.

Одам таниш қийин эканда, яхшилар. Ҳаттоки китобларида
ҳар хил одамларни “яратиб” юрганларга ҳам одам билищ қийин
екан...

-Кечаги ёмғирда трансформатор портлаб, қишлоғимизда ҳамма телевизору, музлатгичлар күйиб кетди,-деди бир киши.

-Сизларга суғурта идораси бирон нарса тұладими?-сұрашды ундан

-Йүк, қайтага биз тұладик.

-Нима учун тұладингиз?

-Яңги трансформатор сотиб олиш учун-да.

Кечиримли бўлиш яхши. Аммо, кўксіда ибліс уя куриб олган одамният била-кўра кечириб кетавериш тўғри эмасда. Унда гуноҳ устига гуноҳга ботмайдими одам?

Бир ой рўза тутган одам ўзини кўп саодатманд санаса бўлади. Ахир, умрининг лоақал, бир ойи умрдек ўтди-ку!...

-Мен билан бирга овқатланишни хоҳлайсанми?-сўради бир киши ўртоғидан.

-Жуда ҳам.

Бўлмаса, бошла, бирон тузукроқ ошхонага борайлик. Айтиб күйай, озигина ичгим ҳам келиб турибди.

-Нега мен бошлишим керак.

-Ахир, ҳозиргина сиз билан овқатланишни хоҳлайман, дединг-ку.

-Ў, лаббайгўй инсон! Раҳбарга куллук қиласвериб, қоматинг ёй бўлиб кетди-ку! Энди бошлиқ алмашса, нима қиласан?

Қаранг, порлаб турган Күёшдан, парлираб турган Ойдан, ҳатто милтираб турган Шамдан ҳам кўзингизга нур иниб турибди. Улар билан Сизнинг орангизда нур-кўприк, нур-чиқзиқ, нур-йўл бордай. Бунда ҳикмат жуда кўп. Нур кўприкни кўриб турибсиз. Бу Оллоҳнинг Сиз билан Бизга бениҳоят инояти. Мана шу бир чизим нур учун Оллоҳга кўп шукурлар қилиш керак...

-Нима учун шўро замонасида катталар тез-тез Москвага қатнаб туришган-а?

-Соатларини тўғрилаб олиш учун-да.

Шундай чексиз коинотда учоклар ҳад-худудсиз баҳри уммонда эса, кемалар бир-бири билан тўқнашиб ётибди. Биз, инсонлар эса йўл-йўлаклар, сўқмоқлардан юрамиз, ахир. Пешоналар гурралигига ажабланмаса ҳам бўлади.

Қалбингда гуркираб турган осмон, кўксингда шовуллаб турган

денгизлар бўлсин. Ундан музлаб бораётганлар ҳарорат, қақраб бораётганлар эса оби-ҳаёт топишсин. Ана шу ақида билан яшаш, энг аввало, ўзинг учун яхши.

Ё парвардигор! Бу ёруғ оламда энг яқинларим жонига тегмагунча яшасам бўлди.

Ё, парвардигори олам! Дарвозадан ўз оёғи билан чиқиб кетганларнинг яна ўз оёғида қайтиб киришлари учун имкон бор.

Қизиқ, бобо-бувиларини ҳали қўлларидан бирон иш келмайдиган неваралар жонидан яхши кўришади. Бу кексаларни ўзларига тенг тутишганидан бўлса керак-да.

Энг нозик ва масъулиятли ҳунар ёзувчилик ҳунари бўлса керак. Афсуски, бу ҳунар билан оила боқиб бўлмайди.

Юракни покиза тутиш ва ҳамиша тозалаб бориш керак. Унга ҳар қандай қалангї-қасангининг кириб, ўрнашиб олишига йўл қўйиб бўлмайди. Чунки, қалбда Оллоҳ яшайди.

Кўнгли тўғри одамларнинг мансабу лавозимларга интилмаганни маъқул. Мансаб, барибир, ҳар қандай одамниям бузади.

Мақорат соҳибларининг рақиблари кўл бўлади. Чунки, ўзларини ўта билимдан ҳисоблаб юрган одамлардан кўпининг ҳақиқий башаралари иқтидорли кишилар олдида очилиб қолади. Ана шундан ҳасад, нифоқ кучаяди. Ахир, башараси қийшиқ одамлар ойна олдида узок туролмайдилар-да.

Китобдан, маърифатдан мақсад оддий фуқародан то сultonгача-ҳаммага ҳақиқат йўлини кўрсатишидир. Афсус, буни кўпчилик тўғри қабул кила олмайди.

Хоҳ жинdeg бўлсин, роҳат-фароғат қадрини азоб-укубатни мўл чеккан одамлар яхши англайдилар.

Бу ҳаётда бир яхши одамни топган кунингиз каби бир разил ёки мунофиқдан ажралган кунингизни ҳам умрингизнинг саодатли дами сифатида хотирлаб юрсангиз, ҳатто нишонлаб турсангиз арзайди.

Ёдингда тут, сени ҳам Кимдир болам деб ўстирган.

Фарзандларинг эса Отам бор, деб юришибди. Лоақал, ўшаларнинг юзини ерга қаратма...

Оёгим синиб ётган кунлари (2001 йил 20 октябрдан 10 декабр оралиғида) чет зал адабиётидан "Фарбий фронтда ўзгариш йўқ", "Пол ва Виржиния", "Галина", "Кўланкадаги Россия", "Таъқиб", "Хайвон фермаси", "Ҳалала", "Каккули соат" каби кўплаб роман,қисса ва пьесаларни марок билан ўқидим. Шу сабаб, касаллик ҳам асосан билинмай ўтди. Оғрик ҳақида камроқ ўйладим, тушкунликка тушмадим.

Китоб одамга ҳақиқий дўст эканлигига, олтмиш ёшимда, яна бир карра имон келтирдим.

Содик дўстим йўқ деб, оҳ-афғон чекиб юрганларга унчалик қўшилмайман. Китоб-чи?

Оёгим синиб юрган кунлар домла Озод акани кўп ўйладим. Ҳар кун: "Ойнаи жаҳонда"-Озод ака, матбуотда-Озод ака, "Жаҳон адабиёти"-да- Озод ака...

Одам-одамдай яшай билиши керак экан-да. Озод аканинг умри, бир куни, афсонага айланса, ажаб змас.

Ҳаётдан қанча эзгулик қидирсанг, у юз карра, ҳатто, минг карра кўпроқ топилади. Ҳаётдан қанча ёмонлик қидирган киши ҳам уни юз ёки минг чандон кўпроқ топади. Демак, ҳаммаси ниятга боғлиқ. Ақлли киши зулматга шўнгишдан кўра нурга интилади, албатта.

Бир кўчада, уч ҳовли оралиғида, тўй ва таъзия бир кунга тўғри келиб қолди. Биттасини ҳам тўхтатиб бўлмайди. Кўни-қўшилар ҳар икковигаям баравар шерик. Кўз ёшни ичга ютиб, тўйхонага, лаблардаги омонат кулгини ҳайдаб, таъзияга кирдик.

Бунчалик қақшатғич бўлмасанг, ҳаёт...

"Пул бўлса чангальда шўрва" мақолини ҳар ким ҳар хил шарҳлайди. Кўпинча, уни пули бор одамнинг шўрваси нақд, яъни чангалида турибди деб, талқин қиласилар. Менинчя, уни пуллик кишининг шўрваси жуда ёғли бўлади, ҳатто жангальда ҳам тўкилмай тураверади, деб тушуниш маъқул.

Оlamda etti мўъжиза мавжуд, деган гапга кўпам иқрор змасман. Ахир, ҳар битта одамнинг ўзи мингбир мўъжиза змасми?

Раҳматли Амрулла бозордаги энг сифатли, энг қиммат

нарсаларни харид қилишни яхши кўрарди. Бир куни дўстимиз Ҳошим билан бозорга кириб, иккита энг яхши телпакка харидор бўладилар. Роса савдолашиб, тортиб-тортишиб, уларга икки юз сўмдан тўлашади. Аммо пулни санаб берадиганда Амрулло яна йигирма беш сўм кўшиб тўлайди. Ҳайрон бўлган сотувчига у:

-Олаверинг, мен бу киши билан бир нарҳдаги телпак киймайман-да,-дейди Ҳошим томонга ишора қилиб.

Фақат етти ҳарф (белги) орқали, бутун дунё ҳалқлари билан бемалол, бир тилда тиллашса бўлади. Мен мусиқани кўзда тутаяпман. Демак, дунё ҳалқларини бирлаштириш уччалик қийин иш эмас экан.

Ўттиз олти ҳарф ёрдамида битилган энг гўзал китобни ҳам фақат шу тилни биладиган бир ёки бир неча ҳалқ, борингки миллат ўқиса, бор-йўғи етти белги билан ёзиладиган мусиқа умумжаҳон мулкига айланиши мумкин. Бу жиҳатдан ҳақиқий бастакорларга ҳавас қиласа арзиди.

Мусиқа тили жуда содда. У фақат 7 белгидан иборат. Лекин, бу “тил” да ижод килиш ҳар кимга ҳам насиб қиласермайди.

Бизда мусиқа ноталари шаклланмаган бир даврада, “Шашмақом” дек буюк бир оламшумул асарнинг дунёга келиши ва фақат уста-шогирлик йўли билан асрдан-асрга кўчиб, бизгача етиб келганлигини дунёдаги оламшумул воқеалар сирасига киритиш мумкин.

Хижрий йил билан мелодий йилнинг муҳим фарқларидан бири шундаки, бири баҳор билан бошланиб, баҳор билан тугайди. Иккинчиси бўлса, қаҳратон қиш билан бошланиб яна чирсиллама совуқда якун топади Бундан ташқари мелодий йил ўз бошидан икки қишини ўтказади. (Тугашида-декабр, бошланганда-январ). Хижрийда бўлса, ҳар фасл танҳодир.

Юрагимдан жой олганингга жуда кўп бўлган. Бу бир пайтлар жуда ҳаловатли, ҳузурбахш зди. Кўнглим шу билан баҳор зди. Кейин аламли, маломатли даврлар келди. Тўғриси, шундан сўнг қувиб солсан ҳам оғир тошдек ботиб, ўрнингдан сира жилмадинг. Кўнглимда тош илдизлар жуда чукур ботган экан. Мен эса, бардош бердим. Майли, энди шу ҳолда қолавер. Афсус, лоақал, “ижара ҳақи” бериш ҳақида бир бор ўйлаган бўлсанг ҳам розиман.


Ахир, менинг юрагим арzon-гаров меҳмонхона эмас-ку!...

Халқ давлатпарвар бўлса яхши. Лекин давлат халқпарвар бўлса ундан ҳам яхши. Ҳар иккаласи үйғуналашиб кетса, олам гулистон бўлади.

Бир мамлакатда ўттиз-кирқ йил яшаб, шу халқнинг тили урф одатларини билмаслик, мазкур халққа нисбатан эмас, одамнинг ўз-ўзига қилган эътиборсизлиги, тўғрироғи, тубанлигидир.

Оёғим синиб ётган кунларда неварам Ҳожиакбар ҳам жарроҳлик операциясини бошдан ўтказди. Уйдагилар ҳар иккаламизга ҳам парвона бўлиб қолишли.

-Ҳожиакбар, -дейман неварамга, -қадрингни ошириш учун аҳён-аҳёнда касал бўлиб турган ҳам яхши экан-да...



ШАХМАТ-АҚЛ ЧИРОГИ

"К" ҳарфида бир каромат борми, ё? Шахмат бўйича кейинги дунё чемпионларининг фамилиясига сира эътибор қилганимисиз?

Виктор Карчной, Анатолий Карпов, Гарри Каспаров, Владимир Крамник... Азаматларнинг бари "К" ҳарфи билан бошланади. Энди айтинг-чи, биз ҳаммаси бўлиб насаби биргина ортиқча забар билан ёзиладиган Рустам Қосимжоновни ҳам шахмат олтин тожида кўришга ҳақлимизми-йўқ? Албатта, Рустамнинг ўзи ҳам бу ҳақда пухта ўйлаши, тандир иссиғида уриб колиши керак. Афсус, у бизнинг бу китобни ўқимайди-да...

Тўпни истаган бир бола ҳам гупиллатиб тепа билгани учун футбол жуда оммавий бўлиб кетган. Шахматга эса, ҳар кимнинг ҳам тиши ўтавермайди. У анча мустаҳкам ёнғоқ...

Футбол равнақини кўзлаб, амалга оширилган тадбирлар, сал илгарироқ, шахмат билан содир бўлганида бутун жамият, бутун маънавият бекиёс ривожланган бўларди. Шахмат тафаккурни чархлашнинг энг муқаммал йўли. Фақат шугина эмас, шахмат сабртоқатни синаш, уни камол топтиришнинг ҳам ишончли воситасидир. Беҳудага "Шахмат-ақл чироги"-демайдилар.

Шахмат ҳар бир кишининг ҳаётидан муносаб ўрин олмоғи

керак. Тафаккурни бойитиш дунёқараши шакллантириш, фантазияни кенгайтириш, мулоҳазакорликка ўргатишнинг бунданда мүкаммал йўли йўқ. Шу сабаб шахматга оиласда, мактабда, ҳатто бутун мамлакат миқёсида ҳам, бефарқ бўлмаслик керак.

Шахмат алоҳида бир олам, фоят гўзал бир олам. Унинг нечоғлик гўзаллигини дунёдан фақат сайру саёҳат билан ўтаётганлар яхши билишмайди. Ўзларини ҳаммадан устун, ҳаммадан ақллимандеб юрганлар ҳам гоҳ-гоҳ кўни-кўшни билан ёки чойхонага чиқиб, шахмат ўйнаб турсалар, яхши бўларди. Айтмоқчиманки, одам ўз ўрнини билишида, шубҳасиз, шахматнинг хиссаси бор.

“Шоҳ” аср олингач, бошқа “Шоҳ” танламай, салтанат, албатта, қайта тикланади. Шахматнинг ўз адолат йўли бор.

Куршовга қолиб, ҳатто бир қадам жилишга курби етмаган, шармандаларча енгилиб, салтанатни топширгандан сўнг, кураш кайта бошланиб, “Шоҳ” яна таҳтга чиқаверади. “Шоҳ”ларга бундай имконият фақат шахмат ўйинида берилган...

Бир подшоҳ:

-Мени доим таъқиб қиласидилар. Тинчимни бузиб, кўнглимга рахна соладилар. Таҳтда эмин-эркин ўтиришга имкон бермайдилар, - деб нолиб қолди.

Афсус.у шахмат ўйинини билганида, мутлақо, бундай демас эди.

Оёғим синиб, ўйдан чиқолмай қолган кунларимда шахматчи дўстларим тез-тез келиб туришди. Шахмат менга дардни унутишга, тез тузалишга, дўстлик қадрини чукурроқ англашга ёрдам берди.


Ўйин бошланиши олдидан озроқ ичиб олган гросмейстер, “рақиби”дан сўради:

Бир шишадан ичиб, сўнг бошлаймизми?

-Йўғ-э, унда менини икки шиша бўлиб кетади-да, -деди дўсти кафти қиррасини томогига арра қилиб.

Шахмат ўйинида жуда катта одиллик бор. Ҳар гал жанг теппатенг кучлар билан, теппа-тенг шароитда бошланади.

Ҳатто шахматнинг номланишида ҳам ҳикмат бор. Бир томон сўнги “шоҳ”ни эълон қиласди. Иккинчи томон “мот” бўлади. Шундай қилиб “шахмат” деган сўз икки томон ўйини интиҳосидан олинган.



ҚАРСАКЛАР ВА ТАРСАКЛАР

Мен "Залда қарсак янгради" деган жумла ишлатилишига тамоман қаршиман. Аввало, залда ўтирганлар таркибига алоҳида зътибор бериш керак. Тингловчилар асосан аёллар бўлса "Чапак чалинди" деб, эркаклар бўлса "Қарсак урилди" деб, алоҳида-алоҳида ургу берган маъқул.

Мабодо, мажлис аҳли қурама бўлса, "Маъруза қарсак ва чапаклар билан бўлиниб турди" дейилса, аниқлик янада ошади.

(Қарсакшунос нутқидан).

Қарсак турлари жуда хилма-хил. У маърузачи ёки кутиб олинаётган шахснинг кимлигига бевосита боғлиқдир. Масалан, санъаткор олқишиланаётганда "Хуштак аралаш қарсак янгради" деб ёзилса, тўғри бўлади. Тарихий шахслар ҳақида гап кетганда "Фалончининг нутқи" "Ур-ра!", "Яшасин!" каби хитоблар қўшилган қарсаклар билан тез-тез бўлиниб турди" деб ёзган маъқул.

("Қарсакшунослик" дастуридан).

Гоҳ-гоҳ телевизорда ёnlаридағи одамлар билан ўзаро бамайлихотир гаплашиб турган ҳолда, истар-истамас "қарсак чалиб" турғанларни ҳам экранда кўрсатишади. Бу маърузачининг обрўсини тушуриб, мажлис нуфузига путур етказади. Демак, тасвирчилар ўз масъулиятларини яхши хис этишлари керак.

(Тележурналистлар билан бўлган мулоқотдан).

Йиғилишларда кўпчиликка танилиб қолган, бутун жон-жаҳди билан қарсак урувчиларни олдинги қаторларга -ҳамманинг кўзига ташланиб турадиган жойларга ўтқазиш керак. Бу йиғилиш моҳиятини кўтариб, унинг аҳамиятини оширади.

(Эски сиёsatдан маслаҳати).

Газета учун мўлжалланган очерқдаги "Raис мажлисдан сўнг хотиржам ухлади" деган жумлани кўпни кўрган муҳарир "Охири қарсак билан якунланган мажлисдан сўнг раис хотиржам пинакка кетди" деб тузатди.

Катта йиғин ёки тантаналарга тўпланганларнинг салмоқли қисмини бола-бақралар ташкил қилса, "Кий-чув аралаш қарсаклар бўлди", деб ёзган маъқул.

("Қарсаквозлик" дарслигидан).

Охири қарсак билан якунланадиган мажлисда нотиклар ўзларини кескин танқидий фикр ва мулоҳазалардан тишилишлари керак.

(Кўпни кўрган маърузачи сўзидан).

-Қайсиdir сайёрада умуман қарсак чалинmas экан,-дедим мен.

-Нима, уларда мажлис-пажлис бўлmas эканми?-деб сўради сұхбатдошим бу гапга ишонқирамай.

“Мен ишонаман, бир куни чин юрақдан чалинадиган қарсаклар замони келади. Ана ўшанда кимнинг кимлиги ҳаммага билинади,”-деди хушомадгўйликдан тамом узоқ бўлган ҳақиқий қарсак чалувчи киши.

“Бир йил умуман қарсак чалинмасин!” деган буйрук ўқилган замон зал томини кўпориб юборадиган даражада қарсаклар янгради.

Ўзимизни ўнглаб олишнинг осонгина бир йўли бор. Мағур халқлар орасида тенгма-тeng бўлиб юришнинг ҳам жуда осон бир йўли бор. Бу қарсакбозлиқдан қутилишдир. Тамом, жуда осон, фақат озгина журъат керак,холос.

Мен аллақачон қарсакбозларни қарғаб бўлганман:
“Илоё,кафтларингиз қаварсин!”

Карсакбозлик авж олган мамлакатларда бора-бора мутелик ҳам чукур илдиз ста боради.

Қарсак билан курсоқ тўлмайди.

-Афсус, мухим мажлис арафасида кўлим оғриб қолди-да.

-Бунинг мажлисга нима дахли бор?

-Қарсак чалмай жимгина ўтирганимни Катта кўриб қолсалар неча пуллик одам бўламан?

Пенсияга чиқиш олдидан, ўйлаб кўрсам, умримнинг салмоқли кисми мажлисларда ўтибди. Ҳомуза тортиб, кўпчиликка қўшилиб, қарсак уриб ўтираверибман. Мана, бармоқларим, кафтларимда ўзлуксиз қарсакларнинг муҳри қабариб, нишон бериб турибди. Билмадим, умр бўйи қилган меҳнатларим сарҳисоб бўлаётганда нафақа ёзувчилар буни ҳисобга олишадими-йўқми?

Тонготар йиғилишлар, қулочкашлаб тортилган қарсаклар

қўшимча меҳнатга кирадиган бўлса, биз қўшимча нафақа сўрашга
хаклимиз, дўйстлар!

Шоир Ҳокий "Қарсакхўр" деган бир чиройли баллада битиб,
уни машҳур шоир Довругийга бағишилади.

Модомики, қарсакхўрлар бор экан, қарсаквозлик ҳам урчиб
бораверади.

Қарсак ва тарсак орасида боғликлик катта. Тарсакни бир зарб
 билан амалга оширса ҳам бўлади. Шунинг учун айрим нутқлардан
 сўнг "Гулдурос қарсаклар орасида якка-ярим тарсаклар бўлди",
 деб ёёса ҳам бўлади.



УРУШНИНГ ТИРИК ГУВОХЛАРИ

Уруш даҳшатларининг тирик гувоҳларидан бири Очил бобо
Faфуровдир У киши ҳозир (2002 йил) 94 ёшда.

Самончук қишлоғидан бир оиласдан беш ака-ука: Очил, Файзи,
Муҳаммадназар. Чори, Жуманазар Faфуровлар урушга кетдилар.
Фақат Жуманазар сог-омон, Очил полвон эса ярадор бўлиб қайтди.
Қайтганда қандай? Урушни бошдан-оёқ тугаллаб, аммо, бутун жанг
азоб-уқубатларини ўзи билан олиб қайтди. Бу 1945 йил жазирама
июл ойида содир бўлди. Очил полвоннинг аъзойи-бадани
ғалвирдай тешилиб, урушдан қайтди. Билагидан ўқ кириб, икки
бармоғи узулиб тушган, қовоғини ўқ, тешиб ўтган, кўкракларида
снаряд парчалари қолиб кетган ҳолда қишлоққа кириб келди.

У кишини, қаттиқ бомбардимондан сўнг, Белоруссия
ўрмонларидан санитарлар, ўликларни йиғишириётганда, бехуш
ҳолда топишган. Очил полвон қишлоққа ўзи ҳақидаги "кора хат"дан
кейин кириб келди. Бу пайт Faфуровлар хонадони тўрт фарзанд
доғида аъза очган здилар...

Хайрият, улардан бири ўз оёғида қайтиб, бўм-бўш
кўкракларни хиёл орзуга тўлдириди.

Очил повон қолган умрини дехкончилик, ҳалол меҳнат билан
ўтказди. У киши уруш ногирони сифатида мутлақо нафақа олмади.
Кетмон чопиб, 60 ёшида пенсияга чиқди. Урушдан олиб қайтган
қатор-қатор орден ва медалларини ҳам, кўз-кўз қилиб, такиб
юрмади. Ё тавба, уруш қатнашчилари учун берилган имтиёзлардан
тамом воз кечди, мутлақо фойдаланмади. Бирон эшикни мен уруш

катнашчисиман деб. қаттиқ очмади. Ҳатто ўғиллари, лоақал, сизнинг номингизга навбатсиз битта енгил машина олайлик, шунга ариза қилиб беринг дегандаям сира кўнмади.

-Мен мол бокиб бераман, бозорда машина кўп,-деди. Урушнинг азобини фақат биз кўрганимиз йўқ, кишлокда не-не кишилар минг азоб билан очлиқдан ўлганлар,-деди. Урушга борганимизни халққа таъна қилмайлик. Амакиларингиз руҳини чирқириатиб, мен машина миниб юрмайин. улар энди машина минолмайдилар-ку-деди.

Уруш кўрган бир бошқа-ю, ҳаёт кўрган бир бошқа экан-да...

Минг афсус, ушбу китоб нашр бўлаётган кунларда бу азиз Инсонни ҳам бой бердик...

Яна баҳор келди. Яна дов-даражатлар кўкарди. Яна қалдирғочлар вижир-вижир килиб, ер узра пастрраб-пастрраб, чарх уриб учдилар. Яна боғчадаги улкан ўрик дарахти чамандек гуллади Роса томошабол эди бу дарахт. Тарвакайлаб кетган бақувват шоҳларида минг-минглаб новдалар ғужгон гулга кирдилар. Худди ер осмон томон улкан бир гулдаста узатиб тургандай...

Фақат ўрик, ҳеч кимга сездирмай, кимнингдир пой-қадамини кеча-кундуз интиқ кутиб ётарди. Ундан эса дарак йўқ. Ҳар иили ўрикнинг гулларини биринчи бўлиб кўрадиган киши кўпдан кўринмай қолди. Ўрик буни аник биларди. Чунки, у ўрик билан баравар ўсди. У билан баравар бу заминга чукур-чуқур илдиз отди. Ўрик билан ҳамнафас, ҳар тарафга кулоч ёзди. Илдизлар ҳам, шоҳлар ҳам бақувват тортиб, роса улғайдилар.

Кўлларининг бақувват пайлари ўрик томиридай бўртиб-бўртиб чиқкан, қуёшда қорайган юзи ҳам худди ўрик танасидай қат-қат чин босган Чол боғчада кўпдан кўринмай қолди...

Ана шуларни ўйлаб, ўрикнинг бошига нохушлик чўқди, сал суст тортиди.

Устига-устак, кечга яқин ҳаво тагида баданни жунжитиб, изғирин эсиб қолди. Катта йўлдан мудом у ёқдан-бу ёққа ўтиб турадиган кўпни кўрган кишилар шу кун боғ-роғларга хавотир аралаш қараб-қараб кўйдилар. Кеч тунда роса қиров тушди. Эрталаб кўпчилик кишилар дарвозаларини, бошларини елкаларига тиққанча, ташвишнок очдилар. Бу тонг қушларнинг авжи ҳам пастроқ бўлди. Атроф-теваракни чумчал, ачимсиқ бир ҳид қоплади...

Кўп ўтмай, дунёда ҳеч гап бўлмагандай, яна чараклаб қуёш чиқди. Унинг нуридан ҳаммаёқ, яшнаб, ёниб кетди. Совуқ ҳаво танига улкан ҳарорат кирди.

Чошгоҳ бўлмаёқ, баҳайбат ўрик гулларига қўнган қиров эса, мўъжизакор дарахтнинг кўз ёшлари бўлиб, тупроқ бағрига чак-чак тома бошлади...

Хиёл ўтмай, бир келинчак дўмбоқкина боласини бағрига маҳкам босиб, дараҳтга яқин жуда яқин келди. Ҳовотирланиб, бир-бир босиб келди. Келинчак ўрик дараҳтига илтижоли тикилиб, жигарбандига бир нарсаларни шивирлаб тушунтирад эди:

—Наврӯжон, болам! Бобонгдан ёдгор бу дараҳтни кўриб кўй. Бултур худди ана шу кун сен таваллуд топган эдинг. Катта Бобонг сенга Наврӯз деб ном берган эдилар. Ана бу дараҳт ўша кишидан нишона. Ўз қўллари билан ўтқазиб кетганлар, болам. Унинг данагидан бутун қишлоқ боғ-роғли бўлди--я! Нега дараҳт ийглаяпти, болам?... Сен кул, эркам! Бугун Наврӯз, ахир!...

Боланинг юз-кўзига табассум тошди. Ҳолбуки, бу гапларнинг асл маъносини тушунганча ҳали жуда кўп ўрик пишиғи бор...

Минг афсуски, ҳамма замонларда ҳам, ўз ўтмишизни хотирадан ўчириш учун уринишлар бўлиб туради. Үндай бўлса, "Халқнинг ҳаққоний тарихини яратайлик!" деган шиорга бало борми?...

Шўролар ҳукумати ҳам, ҳокимияти ҳам, мафкураси ҳам бутун дунёда социалистик тузум ва тизим ўрнатиш учун маҳкам бел боғлаб ишга киришди. Тўғриси, бунга қисман эришид ҳам. Фақат шу ишларнинг бошида турган улуғ мамлакатнинг чўнтаги тешилди, ўзагини қурт кемирди.

Хўш, қандай эди шу "курт"? -Ана шу саволга аниқ ва равshan жавоб ахтариш керак. Тарих уларни ўз саҳнасидан улоктириб ташлай билдими? Улар афт-ангсрлари, кийим-бошларини ўзгартириб, янги мақомга йўргаламаяптиларми?

Ҳозир ҳожи, собиқ комфиirkанинг биринчи котибига бир куни шундай деб савол бердим:

—Ҳарқалай, партбилетни сейфга солиб қўйган бўлсангиз керак?

Унинг кўзидағи мулойимлик йўқолди. Менга, ўша пайтларни қўмсаб, худди биринчи котибдек, юқоридан ғазабнок қаради....

Наҳотки, бизни худо кечирса?...

Қизик кунларни бошдан кечирдик. Ўша пайтларда айрим кишилар Катталар даврасида ўтириб-туришни ҳам ўзлари учун фахр деб билишарди. Мободо, бирга суратга тушиб қолишиша, уни мудом кўқракларида асраб, олиб юрар эдилар. Катталар эса, унчамунча одамни ўзларига яқин йўлатишмасди. Шундай кунлардан бирида, яқин дўстимизнинг тўйида, туманинг энг Каттаси билан тасодифан юзма-юз ўтириб колдик. Сезиб турибман, у мен билан чўкиштириб ичишни ҳам ор хисоблаяпти. Албатта, бундай пайтда,

менинг ҳам еганим ичимга тушмасди. Бир баҳона қилиб, ўзим тенгилар даврасига ўтиб олдим.

Холбуки, тўй, ҳолбуки, ҳамма бирдек меҳмон...

Мен бу даврага ўтиб, Каттани бир-икки бор кузатдим. Энди у очилган, хуш-хурсанд олиб турарди.

Ош бўлсин-е, бачагар!

Ўтмишни ёмонлайвергандан кўра ўтмишдаги ўз кунларимизни сарҳисоб қиласайлик.

Товба деб, ёка ушлайсан, одам. Кечагина шўргога раҳбарлик килган ҳам, унинг мафкурасини тебратган ҳам, бугун баридан кечиб, уни аямай тепиб турибди. Астағурулло, улар луғатимиизда "мунофик" деган калом борлигини билишармикин?...



УМИДБАХШ ОЛАМ

Хайрият, адабиёт бор, бир-ярим ихлосманд ва мухлислар бор. Мени жуда кўп азобу эзилишлардан шулар тамом кутқаради.

Ижодкорни ҳамма ҳам хушлайвермайди. Чунки, у злнинг дилидагини тилга чикаради. Бундан ўзига жабр-ситам етишини билса ҳам, бу ишни дадил бажаради. Шунинг учун ҳам бу оламда кўпчилик ижодкорнинг косаси оқармай ўтади...

Бир куни одамзоднинг бутун борлиғ-ю, бутун маънавий оламини миридан сиригача, худди ойнадай, кўрсатадиган ўта мураккаб қурилмалар чиқса керак. Ана ўшанда ҳақиқий инқилоб рўй беради.

Мен бир умр инқилоб ичидаги яшаяпман.

Мен бир умр исён ичидаги яшаяпман. Чунки, бошқалар билан эмас, ўзим билан ўзим курашаман.

Парвардигоро, шу ёруғ оламда мангу қоладиган биргина сўз бер менга! Ва шу сўзни қолдирадиган даражада имкон бер менга! Ягона тилагим-шу. Қодир эзам!

Мен кузни ҳомиладор она юзига ўхшатаман: бир оз тўлишган, бир оз сўлғин. Хийла сарғайган, андак ҳадикли...

Ёзувчи умрининг кузи ҳам булардан холи эмас.

Мусаввир бўлсангиз менга осмон қадар ўрлаган бир "Оҳ!"нинг суратини чизиб беринг.

Одамзод ўлмайди. У фарзандлари, невара-эваралари тимсолида қайта-қайта туғилаверади. Шунга етмоқнинг ўзи ҳам Олий Бахт.

Бир куни, қайсиdir асрда, умрбокийлик давоси топилади, албатта. Ундан кейин яна қайсиdir асрда, беажал ўлмок учун дори излаш бошланади.

Бирорга баҳо беришга сира ошиқмаслик керак. Ахир, бу биз баҳо берадиган одам (нишон) қайси нуқтада турганига жуда-жуда дахлдордир. Тепадан туриб тош отиш қийин иш эмас-да...

Энг сўнгги дамда, юзингда улуғвор бир хотиржамлик, мағрур ва мамнун табассум қотиб қолган ҳолда абадиятга кўз юмсанг... Ҳатто ўша куни ҳам сени охирги марта яна бир кўришни орзу килиб қолишишса...

Йўлсозлар ва уйсозлар орасида мангук ихтилоф бор:

-Аввал уй қурамиз. Бўлмаса, йўлнинг нимага кераги бор?-дейди уйсозлар.

-Аввал йўл қурамиз. Бўлмаса, уйнинг кимга кераги бор?-дейди йўлсозлар.

Бир пайтлар "Шаҳарлашган чорва фермалари ташкил қиласмиш!" деган шоирлар баланд кўтарилди. Бу бизнинг фермада гўнг бўлмайди деган гапга баробар эди.

Кейинги пайтларда телевидение лотерея билетлари бозорининг даллоли бўлиб қолди.

-Бошим осмонга етди, -деди мансабга минган бир олифта.

-Энди ўсмаёқ туратур. Бўлмаса, осмонни синдириб қўясан,-деди унга дўсти.

Катта шаҳарларга кишлоқлардан келиб қолган кишиларни бошларига таъзия тушганда яққол таниб қолиш мумкин.

Кун-узун, қуёшнинг нури осмондан пастга зниб туради. Ботаётган пайтда эса, қуёш нурлари, худди очиқ панжалардек, уфқ ортидан осмон сари чўзилади.

Бу менга ботаётган Күёшнинг осмонга илтижосидай бўлиб туйилади...

Отелло Дездемонани эмас, рўмолчани кўпроқ яхши кўрадигандай таассурот қолдиради одамда.

Севгига лимолим юрак бунча қахру ғазабга тўлмаслиги керак-да.

ИЛОХИЙ ПАРВОЗ ДАМЛАРИ

Ёш бир ерга боргандা одам орқа-олдинга, ён-верингга бир қараб, босган изларингга назар ташлайсан. Бу дунёдан нималар қилдим, бу дунёдан нималар топдим деб, ўзингдан сўрайсан. Шукурки, мен бу оламдан жуда кў-ўп нарса топдим. Хўш, нима топдим? Ўйласам, менинг моддий жиҳатдан бир умрга топганларимни бугун айрим одамлар бир соатда ошиғи билан топиб туришибди. Ё, тавба! Наҳотки, менинг бутун ҳаётим бошқа бирорвнинг бир соатлик умрига тенг бўлса?! Шунда юрагинг шарт узилиб, оёғинг остига тушиб кетгандай бўлади. Бехос ўз юрагингни босиб олмайин деб, қалқиб кетасан, одам. Демак, моддий тарафдан менинг толганларим бир чақага ҳам арзимас экан. Бу жиҳатдан сени ҳатто оёгининг учи билан кўрсатмайдиганлар-да бор.

Шукур, замон бир оз ўзгарди. Яқин-яқингача давраларда ўтирсанг, хурматинг киссангдаги пул билан ўлчанишини аниқ кўриб турардинг. Давранинг тўри, иззат-хурматнинг бари пулдорларники зди. Оғзи кийик бўлсаям бойнинг ўғли гапирсин, деганларида кексаларимиз шуларни кўзда тутган бўлишса кераг-ов!

Замон ўзгариб ҳам ҳали кўп илгарилаб кетганимизча йўк, албатта. Ҳали-ҳамон пул ҳамма нарсадан бўлмагандаям кўп нарсадан устун бўлиб туриби. Ҳозир ҳам мен бир йилда бажаролмайдиган айрим ишларни бир соатда, ёки бир кўнгироқ билан уddyалайдиганлар кам эмас. Ҳозир ҳам оғзи билан қуш оладиганлар, гаҳдеса қўлига қуш қўнадиганлар анча-мунча. Майли, насиб қилсин, еганлари ош бўлсин. Бизнинг бағримиз кенг, оламга ҳамма сигади. Мен эсам дунёдан бир тилак қиласман: нияти баланд одамлар, маънавий дунёси устун одамлар ҳеч қачон қўли "узун" одамларга муҳтоҷ бўлишмасин.

Яна бошдаги гапга қайтамиз. Мен умримда факат газетчилик килдим. Иш орасида бир неча китоблар ёзишга улгурдим. Кўп йиллик тажрибамда шунга амин бўлдимки, бизнинг касбда бой

бўлиб бўлмас экан. Шу сабаб газетчилик ёзувчиликни орзу қилиб юрганларга пухтароқ ўйлаб кўришни маслаҳат бераман. Бу йўлга бой бўлиш ниятимда кираётган бўлсангиз, вактида эс-ҳушингизни йигинг-да, бошқа ишнинг ҳавасини килинг.

Яна газетчи, айниқса, ёзувчи одам, қушдай эркин киши. Сен қатнашган даврада ҳатто “Қизил”, “Қип-қизил” одамлар ҳам, тўра-ю, амалдорлар ҳам сал ҳушёр тортиб, тилини тийиб ўтиришини аниқ сезиб турасан. Ана шунда ҳаққоният тантанасини кўргандай бўлиб, касбингдан кувонасан. Албатта, қилаётган ишингдан, ҳатто пулсиэлигингдан мамнун бўласан. Ахир, сени халқ ўз тили, ҳаққоният тимсоли деб билади. Бу нақадар улуғ баҳт! Фақат оқни қора, қорани оқ деб, элнинг назаридан қолмасак бўлгани. Яна бир яхши томони бор: Масалан, мен хотиржам ухлаб, асосан яхши тушлар кўраман. Мутлақо қора босмайди. Шунда кундузи “кундай” яшаб, тунлари алаҳсираб уйғониб, болачақаларини ҳам қўрқитиб юборадиганларга жуда-жуда раҳмим келади. Ана шунда мен орқа-вортдан бизнинг устимиздан кулганлардан кучли истеҳзо ҳиссини тұяман. Аниқ биламанки, ҳудди ана шу хил одамлар бундай пайтда бизларни ўйладилар ва бу пулсиэлар олами қандай баҳтли-я деб, ҳавас ҳам қилсалар ажаб әмас. Бир кам дунё деб шуни айтсалар керак-да!...

Ана шулар туфайли ҳам мен касбимдан беҳад шод бўламан.

Канча-канча улуғ одамлар, шоир, ёзувчи олимлар сухбатидан баҳраманд бўлдим. Бу киска умрнинг маънан гўзал лаҳзалари, албатта. Афсус, ана шу одамларнинг айримлари ҳам, ўз умрларини ҳалиги хотамтой умрига чоғишириб, “Уҳ!” тортиб қўйишади. Хўш, бизнинг бир умрга топган моддий бойликни бир соатда топаётганлар чиндан ҳам баҳтлими? Қолаверса, уларнинг ўзи ким? Булар ўzlари бир соатда топаётганларини ярим соатда топиб биладиганлар олдида қўғирчоклар, холос. Эҳтимол, бу балолардан ҳам кутуладиган замонлар келар.

Жондорда адабий-бадиий жараён жонланиб кетди. Бунга тирноқча бўлса-да, ҳиссам борлигидан бошим кўкка етади. Афсус, қўлидан тутганинг, тепапоя қилганинг, зинапоялардан етаклаб, катта йўлга чиқариб қўйганларинг орасида бир-ярим орқангдан тош отаётганлар ҳам бор. Майли, соғ бўлишсин. Охир-оқибат ҳар ким билганига яраша бўлади. Буни исботлаб ўтиришга мутлақо ҳожат йўқ!

Ха, бошда мен дунёдан кў-ўп нарса топдим дедим ва нималигини тўлароқ айтолмадим ҳам. Шукурки, дунёда пул-молданда устувор нарсалар кўп. Мол-дунёни мутлақо писанд қилмайдиган одамлар ҳам кам змас. Мен оламда яшаб, ана шундай одамларни топдим. Хайрият, бу ёлғончи дунё устидан қаҳқаҳа уриб кулиб биладиганларга дохил бўлдим. Уларни топдим. Нафақат топиш,

ўшаларга кўшилиб, жўравоз бўлдим. Энди менинг қаҳқаҳамни ким зишитган, зишитаётган бўлса, ўша одам мени топган бўлади. Ким менга кўшилиб кулса, мен уни, албатта топаман. Энди нуқта кўйса ҳам бўлади. Мен ҳали, кў-ўп нарса топаман. Бу дунёда дунёдай бўлиб юрганларни, албатта топаман. Уларни давралардан топаман, бозорлардан топаман, китоблардан топаман. Уларни нурлардан, ранглардан, оҳанглардан топаман... Ана, энди енгил-енгил нафас олса бўлади. Ахир, буларни ҳеч ким бир соатда тополмайди. Шундай эмасми?

Бошим булатуга етган деб юрганлар эса мутлок тополмайди. Қани, энди ҳар ким топганини тарозига кўйисин, кимнинг топгани тош босаркин? Бирорлар топгани оёғига тош бўлса, менинг топганим кўш-қанот бўлмоқда. Буларга фақат шукур килмок керак.

20-06.1997 й.

СИЗНИ СОФИНДИК, ҲАМРОЖОН!...

(Эссе).

Ҳамро Темирович...

Илоҳо, бу мўътабар Инсонни боқий дунё саодатидан баҳраманд қилгайсан.

Ҳамро Темировични илк бор кўрганимни ҳам, энг сўнгги сұхбатимиизни ҳам яхши эслайман. Ўйласам, кўнглим ўртаниб кетади. Энди бир ўтди-да, бу одам...

Бахор бошланишида чўлда кўйчивонларнинг одатдаги тўлолди йиғилиши бўлди. Чўпон-чўлиқларни-ку билмайман, меҳмонлар кўп хурсанд эдилар. Чўл ҳавоси, эрта ниш урган майсалар таровати, қушлар чуғури, диркиллаб юрган кўзичоқлар. Ҳамма-ҳаммаси бир бўлиб, кўнгилга хуш кайфият соларди.

Тошкудуқка ҳар йили бир мартагина бўладиган тантана. Барра гўшти сероб. Қўшиқ, ўйин-кулги чексиз сахро бўйлаб таралмоқда. Ҳеч қовоги очилмайдиган энг катта раҳбарлар ҳам қиброна табассумда.

Энг охирида яна меҳмонларнинг бир қисми сараланиб қолди. Ана шу қолганларга Ҳамро Темировичнинг ўзи хизматда бўлди. У киши ҳар кимга алоҳида зътибор билан қараб, еган-ичганини зийраклик билан кузатиб туар, ҳар кимни обрўсига яраша жойжойига ўтказиб, шунга мос сўзлар айтиб, меҳмоннавозлик кўрсатар эди. Шунда бу навқирон, сўзлари шиддатли, ўқтам йигитнинг

сўзамоллигига ҳам, дунёқараши, билимига ҳам, юксак маданиятига ҳам дил-дилдан тан берган эдим. Кўп ўтмай, у кишининг тумандаги раҳбарлик фаолияти бошланди. Райижроком раиси, сўнг биринчи раҳбар-туман комфирка ташкилотининг саркотиби бўлди. Ҳозир кулгилидир, лекин худди ана шу лавозимларда бу ажойиб инсон ўзининг кимлигини, шахсияти, ташкилотчилик, раҳбарлик хислатларини тўла намоён қила олди. Муҳими, ҳалқ у кишини севиб қолди. Ўзига яқин оладиган, худди ўз кишисиdek, ундан қочмайдиган бўлиб қолди. Иш юзасидан, балки фикрларимиз чиқишиб, бизлар ҳам яқинлашиб қолдик.

Ўша йилларда "Бухоро ҳақиқати"да "Япон бўлгим келади" деган бир ҳажвий ҳикоям босилди. Назаримда, шундан сўнг бизлар бир-биримизни янаям чуқурроқ англайдиган бўлдик. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Ҳамро Темировичнинг кўзи менга тушиши билан, албатта, самимий куладиган, гапларини маъқуллатиб оладиган, ҳатто телефонлашиб турадиган бўлди.

"Япон бўлгим келади"да мен бизда худа-беҳуда ийғилишу кенгашлар жуда кўплигига нозик ишора қилган, япон қаҳрамоним тимсолида бундан кинояли кулган эдим. Буни яхши пайқаган раҳматли Ҳамро Темирович айрим пайт, ўзи чўзиб юборадиган мажлисларда, менга кулимсираганича мурожаат қилиб:

- Барибир ҳали-бери япон бўлолмаймиз-да, Музаффар ака. Залда японлар ўтирганда мен ҳам гапни бунча чўзмас эдим.-дерди ўйчан ва тиник бир табассум билан.

Мен у кишининг касалмандлигини билар, лекин бунчалик жонсабиллигини кўриб, ачинар ҳатто раҳмим келарди.

Ўша йилларда бизнинг Жондор кишлок хўжалиги, иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичлари билан Республикада танилиб қолди. Кишлоқларни тамом қайта куриш ҳақидаги режамизни Республика Олий Кенгashi раёсати маъқуллаб, маҳсус қарор чиқарди. Пиллачиликда ҳам Жондор. Қоракўлчиликда ҳам Жондор бўлиб қолди. Курмыши, ободончилик соҳасида ҳам ишлар юришиб кетди. Янгиликка ўч рёспубликада таникли журналистлар, ёзувчилар ҳам туманимизга тез-тез ташриф буюрадиган бўлдилар. Табиийки, улар орасида мен ҳам бўлардим. Табиатан фанга, янгиликка, адабиётга, шеъриятга ҳавасманд, эътиқодли, диний ақидаларни, урфодатларни ўта кадрлайдиган, қадриятларимизга бехад ҳурматда бўлган бутун борлиғи ўзбекона бу ажойиб инсон меҳмонларда жуда катта таассурот қолдиар, улар буни шоён эътироф этиб, шаънига олқишлиар айтар эдилар.

Раҳматли жуда эътиборли инсон эди. 1992 йилда 50 ёшли юбилейим камтарона нишонланадиган бўлди. Эрталаб жуда вактли телефон жиринглаб қолди. "Бевакътилкда ким бўлди экан?" деб, сал оғриниб, гўшакни кўтардим. Ҳамро Темировичнинг қувноқ овози:

-Чин дилдан табриклайман, Музаффар ака. Минг узр, дўхтирлар касалхонада ётасан деб, қўйишмаяпти. Бугунги тантанали йиғилишда қатнаша олмасам керак. Лекин, кечкурун бир соатга бўлса ҳам, келиб кетаман. Дўхтирлардан рухсат сўрайман.

Чексиз миннатдорчилигимни айтдим. Гўшакни қўйиб, бир оз ўйга толиб ўтирудим. Ўзи бетоб одамнинг соппа-соғ кишига, колаверса, қўл остида ишлаётган бир мухаррирга бунчалик зътиборини кўринг! Ҳолбуки, бунинг тескариси бўлиши керак эмасмиди? Йўқ, у киши кечки зиёфатга келоммади, дўхтирлар кўнмабди. Лекин, шу кеча, бутун кўнгилхушлик давомида, мен Ҳамро Темировични худди ёнимда юргандай хис этиб турдим.

Ўша пайтлар бир-икки йил қишлоқ ҳўжалик соҳасида Бухоро-Фарғона мусобақаси йўлга қўйилди. Улар келишди, бизникилар боришди. Ҳамро Темирович Водийга кетиш олдидан қўнғироқ қилиб қолди. Фарғонадан етишиб чиқкан улуғ кишилар, шоир, ёзувчи, олимлар хақида чуқур-чуқур сўради. У пайтлар Аҳмад Фарғонийни ҳали қўпчилик билмасди.

-Кадаҳ сўзи беришса, албатта, Аҳмад Фарғонийдан гапиринг,-деб маслаҳат бердим. Бу мўътабар зотни Иттифоқдан бошқа ҳамма жойда билишади. Жуда улуғ инсон ўтганлар. Бутун дунёни койил қолдирган математик, географ, умуман, комусий олим,-дедим ўзим ҳам хаяжонланиб.

Ишонасизми, Ҳамро Темирович жуда кизиқиб, телефонда буларнинг барини ёзиб-ёзиб олди. Манбаларни сўради. Сезиб турибман, ўзи ҳам бехад кувониб кетди.

-Қаранг-а, қандай буюкларимиз бор-а.-деди хайратини яширмай.

У киши бундай янгиликларга, улуғларимиз ҳаётини билишга жуда ўч эди. Бир куни мендан "Ҳазрат Навоийнинг "Ҳамса" сини топиб беролмайсизми?" -деб сўраб қолди.

-Топиб бераман, лекин ўкишга кўп қийналасиз. Чунки, "Ҳамса"-да сизу бизга нотаниш 30-40 фоиздан кўпроқ сўзлар бор. Форсча, арабча, бу сўзларни луғатсиз ҳазм қилиш қийин,-деб, юмшоқлик билан тушунтирган бўлдим.

-Нима бўлсаям ўқийман. Ҳар куни бир варакдан бўлсаям ўқийман,-деди у киши ишонч билан.

"Ҳамса"ни топиб бердим ва бу ноёб асарни у кишининг столи устида жуда кўп бор кўрдим. Ўзим Маккай Мукаррамадан келтириб, тақдим қилган-Куръони Карим ҳам мудом у кишининг столида-ҳамма китоблар тепасида турарди....

Ҳамро Темирович Раҳмоновда бебаҳо фазилату хислатлар ниҳоятда кўп эди. Раисликка сайланган кимсалар қўлига, кўпчилик олдида, "Куръони Карим"ни тутказиб, "Ичмайман, ёмон йўлларга юрмайман, ҳалқ мулкини емайман" деб, қасам ичказарди. Ё,

парвардигор! Кўпдан чиқаркан-да, қасам урганлар ҳам бўлди...

Э-ҳа, Маҳмуд Торобий ҳақида, Содик Жондорий ҳақида, Яссавий, Қиззеби, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд, Шахри Ислом ҳақида қанча-қанча сухбатлар курганмиз. Бу сухбатларни жуда жуда истайди, одам...

Биз Сизни соғиндик, Ҳамроҳон!...

1998 йил, декабр.

ҲАВАС ҚИЛГУЛИК УМР

Маълум бир ёшга боргандা ҳам, ўзига тўғри йўл тополмай, ҳаётидан мудом норози бўлиб ўтаётганлар кам эмас. Ана шундайларга бир уддабуро дўстимиз-Шоғиддин Шарипов умрини ибрат қилиб кўрсатмоқчиман.

Шоғиддин билан тенгқурмиз. Отадан эрта қолиб, қийин шароитларда ўсиб-улгайди. Лекин, ҳунармандлик, корчаллонлик, тадбиркорлик уни юксак мақомларга кўтарди.

Ёшлик йилларида дурадгорликни ўрганиб, шу иш билан машғул бўлди. Сўнг телевизор, мотоцикл, аста-секин енгил машиналарни тузатиш билан сидқидилдан шуғулланиб, ном чиқарди. У пайтлар бу касблар ниҳоятда ноёб эди. Ҳунармандлиги билан боғлик равиша ялаши ҳам, рўзгори ҳам ўзгариб, обрў-эътибори ошиб борди. Биринчилар қаторида туманда "Урал" мотоциклини олиб минди. Уни "Запорожец"га, уни "Жигули"га, кейингисини "Волга"га алмаштириб минди. Туманда "Иномарка" даган машиналар ҳам дастлаб ана шу дўстимизга буюрди. Гарчи муаллимлик қилмаган бўлса ҳам, Бухоро Давлат педагогика институтининг тарих куллиётини сиртдан ўқиб битирди. Чунки, у инсон учун ўқиш, ўрганишнинг аҳамиятини яхши билади.

Мустақиллик йилларида унинг иши янайя юришиб кетди, имкониятлари кенгайди. Кўли узайди. Ўзи бошчилик қилиб юрган автомобилларга ёқилғи қўйиш шахобчаси (АЁҚШ)ни хусусийлаштириб олди. Унинг ёнида яна устахоналар, машина мойини алмаштириш, таъмирлаш қўшимча биноларини қурди, ишга туширди. Мана, энди Жондорга кириш чорраҳасида жуда катта замонавий АЁҚШ куриб, атрофини кемпинг даражасига етказмокда Бу ерда овқатланиш, ётоқхона, билярхона, тўй ва бошқа тадбирларни ўтказиш жойлари бўлади. Ҳаммаси хусусий. Лекин, бунинг учун қанчалик тадбиркорлик ишлари амалга оширилганини айтмайсизми?

Буларнинг асосида рўзгордаги аҳиллик асосий манбаадир.

Бола-чақа ота чизган чизиқдан бир қарич ҳам чиқишмайди. Ҳаммаларида данғиллама уй-жойлар, енгил машиналар мавжуд. Ҳар йили хонадонда бир-иккита тўй-томушалар ўтади. Ҳар йили улар оиласи үзок-үзокларга сафарга чиқадилар.

Шоғиддин Шарипов тумандаги ҳамма хайрли ишларда биринчилар қаторида қатнашади "Ўзбекистон" жамоа ҳўжалигидағи бир мактабга ҳомийлик ҳам қиласди. Аълочи ўкувчиларга ўз ҳисобидан стипендия ташкил қиласди. Ночор кишиларнинг болаларига бепул уст-бош дегандай...

Лекин, 60 ёшни қоралаган дўстимиз ҳамон, тонгдан то кеч шомгача, пухта режа асосида меҳнат қиласди. Юқорида айтилган барча ишларнинг бошида шахсан ўзи туради. Беш-олти рўзгорнинг барча тартиб-интизомларини қўлида маҳкам сақлайди. Ҳамма ўғил-қизлар ҳам доимий меҳнат, тадбиркорлик билан машғул. Насиб қилсин, буларнинг тօғдай мулки бор. Лекин, ётиб еса тօғ ҳам чидамайди. Бу мақолни оиласда, боладан катта, ҳамма тушунади. Ҳасадгўйлик қиласиганлар буни билгандарига ўз ақидаларини тамоман ўзгартириб, яратувчилик меҳнатига киришиб кетган бўлардилар. Чунки, ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшаш керак. Бойлик осмондан тушмайди. Уни йиғишини ҳам, сарфлашни ҳам билиш керак. Ҳатто, биттасида хато қиласди одам ҳам доғда қолади.

ЯХШИЛАРДАН ЯХШИ ХОТИРА

Амрулло Раҳмонов билан илк учрашганимизда иккаламиз ҳам талаба здик. Мен Тошкент Олий партия мактаби, у эса сиртдан Миллий университетнинг юридик кулиётини битираётганди.

Кўп ўтмай, Амрулло, ёшгина йигит, бизнинг туманга суд раиси бўлиб ишга келди. Бизнинг танишлигимиз аста-секин чин дўстликка айланиб кетди. Оиласи борди-келди қила бошладик. Бунга адабиёт асосий сабаб бўлиши ҳам мумкин. Амрулло энг кўп китоб ўқидиган, энг кўп шеър биладиган дилкаш, нозиктаъб бир инсон. Китоб жавонида юзга яқин муаллифларнинг дастхатлари ёзилган асарлар бор. Жамол Камол, Омон Матчон каби Халқ шоирлари унинг меҳмони бўлишган. Кейинчалик у ўз соҳасида юқори мартабаларга кўтарилди. Шукур, халигача орамиз бузилгани йўқ.

Яқинда Амрулло менга бир магнит тасмасини ўз машинасидаги магнитофонга қўйиб эшиттирди. Дарҳол, ўз овозимни танидим. Бу менинг 1988 йил 2 июля Амруллонинг отонаси 70 ёшга тўлиши ва никоҳ тўйларининг 50 йиллиги—"Олтин тўй" маросимида сўзлаган нутқим эди. Уни айнан келтираман:

"Абдураҳмон бобо! Шу ёшгача ҳалол деҳқончилик қилиб,

покиза бир турмуш кечирганингиз, хайратомуз ибратли оила тутганингиз учун Сизга раҳмат. Эллик йил ахил бир рўзгорда бирга умргузарлик қилганингиз учун ҳам Сизларга раҳмат. Мен эллик йил эр-хотин бўлибинок яшаш жуда мушкулот деб билардим. Лекин, шундай яшаш мумкин экан. Буни амалда исбот қилганларингиз учун ҳам Сизларга раҳмат. Ахир, эллик йил дегани ўн саккиз минг икки юз кун бўлади-я!. Ўн саккиз минг икки юз кунинг ўн саккиз минг икки юз қувончи, ўн саккиз минг икки юз фам-ташвиши бўлади. Эллик қишу, эллик ёзи бўлади. Ана шунча қувонч ва ташвишларни баҳам кўрганларингиз учун ҳам Сизларга раҳмат.

Бугун Сизларга юқори партия, совет ташкилотлари номидан енгил машина калитини топширишди. Аслини олганда буни катта ҳиммат деб бўлмайди. Ахир, Сизларнинг ибратингиз аслида поезду паровозларга ҳам арзиди.

Мана, раислик қилувчи синглимиз менга шу оила фарзанди, деб сўз берди. Рост, мен ўзимни ҳар томонлама бу оиласа яқин киши деб биламан. У ёқ-бу ёқ ўтганда Қоракўлга тушиб, Абдураҳмон отани кўриб қайтаман. У киши умуман ёлғон гапира олмайдиган, олижаноб бир инсон. Бир гал кирганимда илло, чой ичиб кетасиз деб, туриб олдилар. Мен вактим зиклигини айтиб, узр сўрадим. "Чой ичмай кетсангиз, мен Амруллога нима дейман?" дедилар қатъий туриб. "Чой ичиб кетди" деб қўя қолинг-да", дедим мен ҳазиллашиб. У киши жiddий тортиб, менга қараб қолдилар ва "Э, ёлғон ҳам гапириб бўладими? Ё сиз ёлғон ҳам гапириб турасизми?" дедилар юзимдан кўз узмай. Мен ҳанг-манг бўлиб қолдим. Бу ҳакиқат билан юзлашиш, унинг жавоб кутаётган кўзига тик қараш билан баробар эди. Қани эди, ана шунаقا ростгўйликни ўрганса, одам. Қани эди, никоҳ тўйларингизнинг юз ийллигини ҳам кўрсак. Дарвоқе, бундай тўйнинг номи нима бўларкан? Ахир, эллик ийлиги "Олтин тўй" бўлса, табиийки, униси "Бриллиант тўй" бўлади-да. Майли, кўрамиз, унгача, балки, муносаброқ бошқа ном ҳам чиқиб қолар. Мухими, ўша кунларга соғ-омон етайлик"...

Орка томондан мен ҳақда гапирган аёл кишининг овози келди: "Шалаббо бўлиб кетибди, бечора"...

Эсладим, ўша куни ҳарорат жуда баланд эди. Бунинг устига "Олтин тўй" ёпиқ бинода, айни пешин пайти ўтказилди.

Ўша кунларни, бизга сидқидилдан хизмат қилган, ҳозирда ака-ука бўлиб кетган шу оиласа тегишли Халил ака Зоировни ҳам эсладим. Қандай яхши бу-хотира дегани...

Айниқса, у яхши кишилардан хотира бўлса...

19.05. 2002 йил.

ОПАКИ, БЕҚИЁС

Бундан беш-олти йил бурун савдо ходимлари ҳақида баландпарвоз гаплар түгүл, ҳақ гапни гапириш ҳам анча мушкүл зди. Чунки, замона зайли билан уларга факат паст назар билан қаралар, қийин ишларига муносиб баҳо берилмас зди. Холбуки, улар тинимсиз меңнат қылар, сизу биздан күпрөк елиб-югурап, ҳар күнлик әхтиёжимизни чиқарарап, яхши-ёмон күнларимизга баравар шерикчилик қилиб, кор-холимизга ярап здилар.

Ана, Ҳамро опа Нарзиевани олиб күринг. Шу аёл ҳақида бирор ёмон гап эшитганимисиз? Кимдан сўраманг, албатта, миннатдорчилик оҳангидаги гапиради: "Э, Опадан бир яхшилик кўрганимиз-да. Уй курдик, олти метрлик ўнта болор керак бўлиб қолди. Биттаси бу ҳожатингизни факат Ҳамро Опа чиқаради, деб қолди. Не ўйлов билан эрта тонгда Опанинг уйига келдим. Дарвозани ўзлари очди. Гапимни эшишиб, эрта ана шу пайтда машина топиб келинг, деди. Отасига минг раҳмат"...

Ишонмассангиз, ўзингиз сўраб-суриштиринг, Опага бундай миннатдорчилик, раҳматларни айтадиганлар беҳисоб топилади. Ким тўйи олдидан қарз сўраганини, кимдир маъракаси учун зарур нарсаларни б ойга қарз олиб турганини, ким Опадан чет эл қолини ёки мебелини олганини жуда-жуда миннатдорчилик билан эслайди.

Тажрибали савдо ходими Болта Тўхтамишев сўзларига қулок тутинг:

-Иттифоқ микёсида катта-катта савдо ярмаркалари бўлар зди. Ҳамро опани, етук молшунос сифатида, бу кўргазмаларга юборар здилар. Бир карра шундай тадбир Грузияда ўтди. Мен Опага шерик бўлиб бордим. Тбилиси шахридаги меҳмонхоналардан бирида кўшни жойлашдик. Туннинг бир маҳалида жанжал чиқди. Ўтра ёшли, яхши кийинглан бир грузин оёқда туролмас даражада маст зди. уни 4-5 та қиз-жуонлар қўлтиқлаб олишган, хай-хайлашиб олиб келар, айни вақтда чўнтакларига қўл солиб, уни ўмарар здилар. Грузиннинг қўлида боғлам-боғлам "юз" таликлар бўлиб, у нима қилаётганини ҳам билмас зди. Ҳамро опа бу киши мен билан келган, деб дўқ уриб, қизларни кувиб юборди. Грузиннинг ҳамма пулларини (жуда кўп микдорда) тергилаб олиб, ўз сумкасига солиб қўйди. Унинг хонасини аниқлаб, даст кўтариб, элтиб ётқиздик. Эрталаб Ҳамро опанинг хонасида эдик. Эшик беозор тақиллади. Ўша грузин кириб келди.

-Синглим -деди юмшоқлик билан -кеча ҳаддан ошибмиз, мени шип-шийдам қилишибди. Бирон нарса сезганингиз йўқми?...

Опа кулди. Пул тўла сумкасини олиб, унинг олдига қўйди.

-Санаб олинг, ками-мендан,-деди.

Ана шунда кўрсайдингиз бу одамнинг қувончини, бизнинг халқа нисбатан кўнглида уйғонган түғёнларни!

Кейин билсак, у одам Грузиянинг катта бир туман матлубот жамиятининг раиси бўлиб чиқди. Фамилияси Амирани экан. Кейин шу одам узоқ йиллар давомида Грузиядан бизга жуда кўп ноёб моллар, минерал сувлар, жун рўмоллар, колин-гиламлар юбориб турди. Туладан вагонлаб велосипедлар, Ижевскийдан мотоцикллар, Иркутскийдан эшелон-эшелон ёғочлар олишимизга ёрдам қилди. Жондорга меҳмон бўлиб келди. Давраларда ўша воқеани миннатдорлик билан айтиб юрди.

Бу гапларни узоқ йиллар давомида туман савдо ташкилотларига раҳбарлик қилиб келган Насридин Турсунов ҳам қўллаб, бундай дейди:

-Ҳамро Нарзиева ҳар қандай мақтовга лойиқ аёл. Биз Самарқанд Савдо институтини бирга ўқиб тутатганимиз. Ҳамро опанинг туман халқига жуда кўп меҳнати синган.

Келинг, энди Ҳамро опанинг таржимаи ҳолига бир назар солайлик.

У киши 1936 йил 20 августда Кўхна Жондор қишлоғида таваллуд топган. 1956 йил туман марказидаги "Правда" ўрта мактабини ўқиб тутатди. Ўрта мактабда ўқиб туриб, 1950-56 йиллар Сталин номли (ҳозирги Т. Хотамов номли) жамоа хўжалигида табелчи бўлиб ишлади. Сўнгра, 2 йил Бухоро Савдо техникумидаги таҳсил олди. 1958 йилдан 1962 йилгача туман марказидаги "Универсал магазини" да мудирилик қилди. Сўнг 6 йил давомида туман матлубот жамиятида бош иқтисодчи бўлиб ишлади. Шу даврда Самарқанд Савдо институтини сиртдан ўқиб битирди.

-Ўқишим учун жуда кўп шароит яратиб берган ва менга устозлик қилган раҳматли Яраш aka Эргашевдан жуда миннатдорман,-деб эслайди Ҳамро опа.

Опа узоқ йиллар туман марказидаги "Хўжалик моллари" магазинини бошқарди. Кейин туман матлубот жамиятида бош молшунос вазифасида ишлади. У киши Қозогистон, Сибирь, Олтойдаги ҳамма шаҳарларда, барча республикаларнинг пойтахтларида бўлган. Болтиқбўйи, Кавказорти республикаларидан туманимизга вагон-вагон мол ташиб келган.

Опа 1970-75 йилларда, ишдан ажралмаган ҳолда, аспирантурада ўқиди. Кечқурун Бухорога қатнаб, Тошкент Политехника институтининг бўлимидаги сиёсий иқтисод фанидан дарс берди. Илмий кенгашда номзодлик диссертацияси муҳокама қилиниши олдидан бир ишқал чиқди-ю, бу яхши ният амалга ошмай қолди...

1987 йилдан Ҳамро опа туман тайёрлов корхонасига ишга

үтди. Аҳолидан ортиқча узум, мева, сабзавот, полиз, чорвачилик маҳсулотларини харид килиб олиш, уни қўшни республикаларга жўнатиб, ўрнига зарур озиқ-овқат ва саноат моллари олиб келишда бехад катта хизмат кўрсатди. Шу муносабат билан Усть-Каменогорский, Барнаул, Чита, Челябинский каби ўнлаб шаҳарларда бўлди. 1992 йил августидаги 6 вагон мева-чеваларни Россия шаҳарларига етказиб, унинг нархига баробар энг қимматбахо дори-дармонларни келтирди. Шу муносабат билан вилоят ҳокимлигининг "Фахрий ёрлиги"ни олишга мусассар бўлди. Опа "Савдо аълочиси" деган унвонга ҳам сазовор бўлган.

Болта Тўхтамишев, Хайит Шодмонова, Сабоҳат Шодиева, Фармон Собиров, Мұҳаббат Нарзиевалар Опани ўз устозлари деб биладилар ва хурмат қиласалар. Яқинда Харьков шаҳар районлараро савдо базаси директори И. Мороз, Усть-Каменогорский вилоят матлубот жамияти раисининг ўринbosари Н. Швайковалар, Опа туфайли, туманимизда бўлиб, мол алмаштириш бўйича шартномалар тушиб кетишиди. Ана шу ишларда ва ҳали ўндан бири айтилмаган тадбирларда, Ҳамро опанинг қўли борлигини айтсақ, у кишининг хизмати кўзга яққолроқ кўринади.

Яқинда Опанинг 60 йиллик юбилейи нишонланди. Ушбу мақола Тўйхат ўрнида ёзилди. Умрингиз узок, насибангиз бутун бўлсин, Ҳамро опа!

1996 йил.



ЯНГИ ҲИКОЯ ВА ҲАЖВИЯЛАР ШАХМАТ ФАЛСАФАСИ

(Эссе).

Шахмат одатда оддий бир ўйин талқинида бошланади. Бир неча жадал юришлар, "чегарани" бузиб ўтиш оқибатида ур-ийикит жангга ўхшаб кетади. Майдон сийраклашиб борган сайин, сипоҳларнинг масъулияти, пиёдаларнинг нуфузи орта бориб, бу жанг ҳақиқий курашга, фикрлар олишувига ўтиб олади.

Шахмат фалсафаси – жуда катта илм. Бундан ютган ҳам, ютқазган ҳам тегишли хулоса чиқара билиши керак. Ахир, шахмат катаклари устида чинакам мақсад учун одилона, ошкора кураш боради. Бу ерда кимнинг узокрокни кўра билиши, фикрлаш доираси, муроҳзаси, мушоҳадаси, дунёқараш ўлчамлари, ўзини

тутиши яққол акс этиб туради.

Худди, оддий ҳаётда бўлганидек жанг ҳаракатини аввал кичиклар-Пиёдалар бошлаб берадилар. Онда-сонда бу иш Суворийлар зиммасига ҳам тушади. Дастрлабки юришдаёк, иккى томон Пиёдалари чегара чизигида тўқнашиб, пешоналари-пешоналарига тегиб, тўхтайдилар. Энди Пиёдаларни ҳимоя қилиш учун бошқа Пиёдалар ёки Сипоҳлар енг шимариб, бир-бирлари изидан майдонга тушаверади. Тарафма-тараф, ҳаёт-мамот жанги бошланади. Қайси томон "чегарани" биринчи бўлиб бузса, кўпроқ мушт ейди. Аввалдан ўйлаб, кучларни бир мақсадга қаратиб, шиддаткорлик билан ҳужум бошлаган томоннинг қўли кўпинча баланд келади. Аксинча, Сипоҳларни яхши шайламай туриб майдонга тушадиган, ҳимоясини таъминламаган томон мағлубиятга учрайди. Айниқса, Пиёдаларга бефарқ қараган, уларни ҳимоясиз колдириб, ичкари кириб бораётган томон, албатта, панд ейди. Кўпни кўрган ўйинчилар Пиёдаларга садоқат кўрсатиб, уларни ўйин охиригача асраб қолишга ҳаракат қиласидилар. Чунки, ҳар бир Пиёда пешонасига Фарзинлик аломати ёзиб қўйилган бўлади. Шахматда фақат Пиёдалар бундай рутбага эга. Бундан ҳаётда ҳам тегишли хулоса чиқариш керак. Ахир, ҳар бир "Болакай" пешонасига "Султонлик" шавкати ёзиб қўйилган бўлса, ажаб эмас-да! Гап шу Болакайни асраб-авайлашда, балоқазолардан соғ-омон ўtkазиб олишда. Бу иш жуда мураккаб ва мушкул албатта. Лекин, ана шунга эришган одамгина (шахматда ўйинчи) муқаррар ғалабага эришади. -

Шахматда энг катта фалсафалардан бири, худди ҳаётда бўлганидек, даврадан муносиб ўрин топа билишdir. Масалан, енгил сипоҳлардан Асп ёки Фил, ҳоҳ ўз майдони, ҳоҳ ўзга майдон ҳудудида бўлсин, муносиб жойни эгаллаб олса, кейин уни қўзгатиш қийин бўлади. Бу тадбир кўп нарсани ҳал қиласиди. Масалан, яхши ўрнашиб олган Асп, миқ этмай ўтиргани билан, жуда катта қудрат касб қилиши мумкин. У қанча-қанча сафдошларини ўз ҳимоясига олган бўлади. Айни вактда рақибига таҳдид солиб туради. Ён-веридан "дushman" пиёда ёки саркардаларини эмин-эркин ўтиб кетишига мутлақо йўл қўймайди. Бунинг устига рақиб томон, ана шу Асп кўчмасин деб, унинг кўзини бекитиб тувай деб, бир талай ҳимоячилар қўйишга мажбур бўлади. Мана, шахматда муносиб жой топишнинг қудрати нималарга олиб келади. Бир сипоҳ рақибнинг бир неча кучини синдириб турса, унинг қанотлари қайрилади, албатта. Қаранг, Фалончи бу ҳаётдан муносиб жой топган деган гап нималарга бориб тақилади.

Шахматда Филларнинг йўллари аниқ чизиб берилган. Улар майдонни нуқул қўндалангига кесиб юрадилар. Ўйин пайти улар Оқ ва Қора филга ажратилади.Faқат ўз йўлларида юришга мажбур.

Балки, ҳаётда ҳам шундай бўлгани маъқулдир. Чунки, Филлар ўз йўлидан юрмаса, бошқаларни мажақлаб кетади-да. Шунинг учун тажрибали ўйинчилар кўпинча рақиб томон Филларининг йўлларини кесиб қўядилар. Ёки уларнинг бирини маҳв қилиб, сўнг пиёдаларни, омон қолган бошқа Фил дахл қilmайдиган йўлларга солиб, илгари бошлайдилар. Шундай қилиб, Оқ хонада турган Пиёдага Кора фил бир умр зиён-захмат етказолмайди. Ҳаётда тўғри йўлга кириш, муносиб йўл танлаш ниҳоят катта аҳамиятга эга.

Рухлар бошқача, бироз оғироёқ, салбатли. Лекин, кўпчилик ўйинларда улар танбаллигича қолиб кетади. Шунинг учун бўлса, керак, бўйлари ҳам паканароқ, ҳомсемиз, бакалоқ. (Кўп юрса ориклияди-да). Уларнинг сипоҳлар оралаб, сикилиб юришлари қийин. Паналаб юришса ҳам дарров кўзга ташланишади. Қаранг, жанг-у жадалда бўй ва вазн ҳам, турқу тароват ҳам чукур аҳамият касб этар экан-да. Буни ҳарбий саркардалар танлашда зътиборсиз қолдиришмаса керак.

Менимча, ҳарбий қўмондонлар тайёрлаш олий ёки маҳсус билим юртларида шахмат чукур ўргатилса, ҳатто унинг фалсафаси алоҳида дарслик сифатида киритилса, фойдадан холи иш бўлмайди.

Дарвоқе, кани шу дарслик? Ҳолбуки, манбалар керагича топилади.

Фарзин ҳакида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. У Шахматнинг гултожи! Ана савлату, ана салобат. Ана юришу, мана туриш. Унинг кўл-оёғи етмайдиган жойнинг ўзи йўқ. Шахматда сўнгги сўзни кўпинча Фарзин айтади. Одатда ўйин давомида Фарзинни факат Фарзин билан алмаштириш мумкин. Бошқаси тасодиф, ёки адолатсизлик!

Фарзиннинг номи ҳам бўлакча. У "Фарз" сўзидан олинган. Яхши биласиз, Оллоҳнинг иродаси ҳам фарз дейилади. Ҳалқ орасида "Бу-ҳам карз, ҳам фарз" деган ибора-да бор. Бир дўстимиз қизига Фарзина деб ном кўйган экан. Менга жуда ёқди. Бир эшигандай ёдимда қолиб кетди. Ўзини ҳали кўрганим-ча йўқ. Лекин, дўстимизни ҳар гал учратганимда қизнинг соғлигини суриштираман. Ахир у-Фарзина. Ўғил болаларга ҳам Фарзин деган ном ярашади, деб ўйлайман.

Шундай қилиб, шахматда ҳам, худди ҳаётдагидек, кўзга яккол ташланмай, узокни ўйлаб, пинҳона қилинган кичик юришлар бўлади. Олий мақсад йўлида била-кўра курбонлик қилиш, ёки узокни кўзлаб, рақибга "пора" бериш, бирорни химояга олиб, унинг кетидан майдонга тушиш каби жуда кўп үсуllibар мавжуд. Буларни сезмасанг, рақибинг билан ҳисоблашмасанг, унинг мақсадларидан ўз вақтида хабар топмасанг, шўринг куригани-шу.

Энди айтинг, оддий хаётда булардан қай бирини четлаб ўтиш мүмкін?...

Шахматда Шоҳ шўрликка зинг қийин. Умри ўзини панага олиб, асосан мудраш билан кечади. Юриши ҳам ниҳоятда вазмин. Сипоҳлар курсовисиз бир қадам ҳам олға силжа олмайди. Юриш тезлиги ҳам бор-йўғи оддий Пиёда билан баравар, Ёғиз қолиши ҳамон дарров уни мавҳ этадилар. Бечора, шунчалик ожизки, ҳатто бир омонат Пиёданинг химоясида турган сипоҳга ҳам даҳл соломайди. Кичик бир ғовни кесиб, олдинга ўтолмайди. "Шоҳ"ларга нисбатан тақдирнинг ёзиги бунчалик қақшатгич бўлмаса! Таҳтада (майдонда) ҳеч ким қолмагандагина бу "Киши" эмин-эркин қадам ташлайдилар. Салтанатдан маҳрум Шоҳнинг эса ҳеч кимга кераги йўқ. Салтанатсиз Шоҳ-ҳеч ким! Шунда бурчакда қақшаб, пусиб ўтирган биргина Пиёда бўлса, Шоҳга жон киради. Энди унинг майдондаги хурмати минг карра ортиб кетади. Пиёданни ўзи билан баравар етаклай олса, ҳамласи янаям ошади. Пиёданни бошлаб, тобора олдинга интилаётган бундай Шоҳ рақиб кўзига жуда улуғ кўринади. Демак, Шоҳлар ҳамиша Пиёдаларга бош-қош бўлиб, уларнинг бошини силаб, севиб, ардоқласалар, албатта, мақсадларига етадилар. Бундай пайтда рақиб сўзсиз таслим бўлади. Шоҳ химоясидаги биргина Пиёда хаёт-мамот масаласини ҳал қиласди.

Шоҳларнинг, ҳатто ўзаро саломлашиш учун-да, бир-бирига яқинлаша олмаслиги бутунлай қизик...

Шахматда хаётдан кескин фарқли бир қонуният борки, ундан ҳамма зарур ҳулоса чиқариши керак. Томонларнинг сипоҳларидан қай бири рақиб сипоҳини мавҳ этса, бориб унинг ўрнини згаллайди. Нари-бери сурилмай, мардона туриб, унинг ўрнига ўтириб олади. Ҳатто Фарзиндек тоҷдор ҳам, рақиб томоннинг ожизгина бир Пиёдасини таҳтадан юлиб олганда ҳам, бориб унинг ўрнига ўтиради. Оддий хаётдаги "Фарзин"лар эса бунақа қилишмайди. Улар ўзларига ёқмаган "Пиёда"ларни бошқаларнинг қўли билан ҳамирдан қилдай суғуриб оладилар. Бориб, унинг курсисига бир ўтириш тугул, ҳатто қайрилиб, қиё ҳам қарамайдилар. Тўғриси, бундан ор қиладилар. Шахматда бу қонуният жуда одилона ҳал қилинган Пиёданни мавҳ этган Фарзин бориб, унинг "ўрнига" ўтиришга мажбур. Шундан сўнг бўладиган таъна-маломатларни ҳам, туртки-ю, тепкиларни ҳам кўтариш керак. (Адолатни кўринг!). Бу ерда курсовга қолиб кетиш ҳам ҳеч гап эмас. Ҳаётдаги "Фарзин"лар худди ана шундан жуда-жуда кўрқадилар. "Пиёда"лар билан юзма-юз талашишни ёқтирамайдилар. Бунинг учун кўпчилик-дан туртки, тепки емокни, кўршовга қолиб, беллари синишини истамайдилар. Демак, ҳаёт шахматдан кўра анча андишасиз ва мураккаброқ. Бу ердаги "От ўйини" ҳамма вақт кўзга

яққол ташланавермайди. Ҳаётдаги кураш жуда писмиқона, пинҳона амалга ошади. Лекин, барибир, шахматни билган одамга бу ишларнинг мазмун-моҳиятини ҳазм қилиш кўпам қийин эмас.

Кошки, барча курашлар, шахматдагидек ҳалол ва олдил бўлса! Бирорнинг ўрнини згаллагандан сўнг бўладиган ур-ур, сур-сурларга, таъна-маломатларга мардона бардош бериш керак-да! Қуршовда иложсиз қолганда мардона таслим бўлиш лозим. Ўшанда "Ана, менинг ўрним! Келинг, марҳамат қилиб ўтириволинг!"-дейдиган тантилар кўпайиб борса, ажаб эмас. Шунда одамлар ўз қудратлари ва ожизликларини пухтароқ англайдиган бўладилар. Ўзининг заиф томонларини билмаслик эса, фитна-фасодларнинг туғилишига, хатто авж олиб кетишга сабаб бўлади. Қаранг, ана шу ҳикматларнинг барини Шахматдан мукаммал ўрганса бўлади.

Мен Сизга шахмат фалсафасидан озгина фол очдим, холос. Аммо, бу фалсафани, ўйинга кирган ҳар бир киши, ўзича ечиб, ўзича очади. Унинг ошкор-пинҳон қирраларини ўзича ўзлаштиради. Ҳар-қалай, биз учун шундай бир Буюк Фалсафа мавжудлиги жуда муҳимдир. Шахмат оламига одам қанча чуқуроқ кириб борса, бу фалсафани ҳам шунча теран ва кенгроқ англай боради..

Шахмат оддий ўйин эмас, дўстлар!

У бошдан-оёқ, чуқур Фалсафадан иборат!

НАҲОТ, МЕНДАН ЧЎПОН ЧИҚМАСА?...

(Ҳажвия)

Туман ҳафтаниомасидаги бир эълонни кўриб, хурсандчилигимдан юрагим қинидан чиқаёзди. Австралия, Австралиями деган мамлакатда ишлаш учун чўпонлар керак экан. Э, бор экансан-ку, омад! Ана, биз-да-чўпон! Нак қийиб қўяман-а. Кўй дейсизими, қорамол дейсизми боқавераман. Керак бўлса, йилқиличик ҳам қила оламан. Туя бўлсаям, барибир. Мен мол боқиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман, уларга!

Қўзларим чакнаб, эълонни ўқишида давом этдим. Ёши ўттиздан ошмаганларни олишар экан. Буниси ҳам кўнглимнинг тагидан бўлди. Худи ўзгинасимиз. Биласиз, яқинда от йили кирди, бизнинг мучал. Нак, йигирма бешни миниб турибмиз. Австралияликлар йилимнинг от эканлигини билишса тамом, бундан зўр чўпон чиқади деб, ўйлашади. Албатта, ишга олишади. Ахир, кучук ёки чўчка мучали қаёқда-ю, от мучали қайда? Мана, парвардигори олам, ол қулим деб, кўшкўллаб тутиб турибди. Энди омадни қочирмаслик керак.

Дарҳол, кўз югартириб, мурожаат манзилини қидирдим. Муз енгил кўчадиган бўлди. Ўз жойимиздаги меҳнат бўлимига ариза билан киришимиз керак экан. Шахсан мен учун бундан осони йўқ. Меҳнат бўлимига қатнайвериб, оёқларим қабарган. Ҳаммасига отнинг қашқасидай таниш бўлиб қолганман. Кореяга юбораман деб, биттаси кўп пулларимни еган. Ана энди шуларни қайтарасан деб, ёқасидан маҳкам оламан. Бир каромат қиласар, бачағар. Давай, жўра, дейман. Аввал мана бу эълонни ўқиб кўр, ёзасан бизни чўпонликка дейман. Юр, ишонмасанг, айвонним тагида фашиллаб ётган буқаларни кўзинг билан кўр дейман. Ёмон чўпон бўлсам буларни аммангни ўғли семиртирдими, дейман. Мани юборсанг, шунча кетгандар қатори, ана шу жониворлардан бири сеники, хоҳ сўйиб е, хоҳ сотиб е дейман. Хоҳлаганингни ол, ўзиям шу туришда нак яrim тонна чиқади-я деб, ипини кўлига тутқазаман. Демак, бу ёғи силлиқина битди десаям бўлаверади.

Яна ўқишига тушдим. Буни қаранг, маоши ҳар ойида уч минг долларгача экан! Юрагим тойчоқдек ўйнаб кетди. Ана, унинг зарбини икки кулогум билан ҳам эшишиб турибман. Наҳотки, учтўрт ой ишлабоқ бир "Матиз"лик бўлсам? Лекин "Матиз" зўр машина. Худо етказса, умуман киракашлик қилмайман. Бола-чакани миндириб, нукул сайру саёҳат қиласам. Асрраб минсанг, камида ўттиз йил чидайди, бу жонивор. Карислар бало. Бензин сарфи жуда кам. Насиб бўлса, учтўрт йилга етадиган ёнилғи пулинниям ўшокдан ишлаб келаман. Хўш, у томонда чўпонлигим ҳақида бирон ҳужжат талаб қилишса-чи? Буниям иложини топса бўлади. Бирон чорвачилик хўжалигидан, ёки фермерданми, иккита ароққа истаган маълумотномани бемалол олса бўлади. Қийин эмас, ҳозир бу ишлар. Ҳатто, қандай ёзилишиниям биламан: "Берилди, шул тўғридаким, фалончининг ҳақиқатда чўпонликда беш йиллик иш стажи бор". Имзо, муҳр. Тамом, вассалом. Мана, қўшнимиз Жума фермерга яrim тележка янток чопиб берсам, маълумотнома ёзади-беради. Яримтасини ҳам ҳалол қилиб ичаман. Факат энди омадни кочирмаслик керак. Мана, қўлимга газета нак турибди. Бу дунёда газета дегани сира ёлғон ёзмайди. Демак, Австралияда ишлаш учун ёш чўпон керак. Иш ҳақи, уч минг доллар! Мана буни ҳақиқий баҳт деса бўлади. Бир йил ишласак, биздан ўтадиган бойваччага йўл бўлсин! Чўпонликни бўлса, бориб у мамлакатда ҳаммага ўргатиб биламан.

Ишонмаса, келиб бизнинг бостирма тагида шишиб ётган буқаларни бир кўрсинг. Ҳар бири гумбаздай-гумбаздай.

Аста-секин ўзимга келиб, ишга кириш шартларини хотиржам ўқий бошладим. Буни қаранг, бўлажак чўпон бирор марта юқумли касаллик билан оғримаган бўлиши керак экан. Оббо, шуниси бизга сал тўғри келмайдими дейман-ов! Сабил қолгур, корин тез-тез

оғриб туради. Доим карнай чалгани-чалган. Жағ-жұғ қилаверганидан уялиб, нозик давраларда ўтиrolмайман ҳам. Бир неча марта юкумли касаллікілар шифохонасида ётиб ҳам чиққанман. Бир хил овқатларни ҳазм қилолмайман. Лекин, бунинг иложини қылса бўлади. Нима, бирорта австралиялик менинг қорнимга чирок ёқиб кирадими? Дўхтиrlарга учраб яхши дорилардан оламан. Маълумотномани бўлса, истаган биттаси, фалончи отдай соппасоғ деб ёзиб бераверади. Зарур бўлса, рентген қофозини ҳам, ўрнимга соғ кишини киритиб, тўғрилаб олиш мумкин. Бир пайтлар "сарик" бўлганимни яшираман. Ўзиям ёшлигимда икки ҳафта ётиб чиққанман, холос. Хозир ҳам биқиним симиллаб оғриди. Дўхтиrlар аччиқдан пархез тут деган. Биз бўлсак, олдга келганини қайтармаймиз. Борига барака. Кон, пешоб анализларини ҳам хоҳлагандай қилиб ёздириш мумкин. Шу кунларда пул бўлса, ўлимдан бошқасининг иложи бор.

Шундай қилиб, ишга кириш шартларини яна ўқий бошладим. У ёққа борувчи киши мол билан муомала маданиятини, озуқа меъерини, хўрақдаги озуқа бирлигини пухта билиши керак экан. Бунгаям бошимни узок оғритмадим. Қаловини топсанг, қор ёғади дептилар. Ана, чорва фермасида синфдошим Фахри чўлоқ дўхтиr бўлиб ишлайди. Бир-икки кун ўшанинг олдида оқ ҳалат кийиб юрсам, иш пишади, қолади. У ерда тош ҳам бор, тарозу ҳам бор. Деворда озуқа бирликлари чиройли қилиб ёзиб қўйилган. Ўшаларни кўчириб оламан. Молга хўрак бўлса, уни едириш осон. Бунинг учун олим бўлиш шарт эмас. Емаса, нишхўртни эшак-пешак ер. Ёки ёқиб ташлаймиз. Шунгаям ота гўри -қозихонами?...

Ўқишка давом этаман. Ишга борувчи киши у ёқда умуман чекмаслиги керак экан. Ола! Ташлаганим бўлсин шу савил қолгур носни! Ана, охирги марта туфладим. Э, сани чиқарганини онаси бузук! Ў, ўзиям дўппини оғзидай жойни кўкартириб юборди-я. Буни қаранг, тагида қолиб кетган бир қумурска, бошига калтак еган қўйдай, гир-гир айланиб қолди-я! Йўлини тополмаяпти, жонивор. Нос чекиш ҳам ҳар кимнинг иши эмас-да! Баҳонада шу савилдан кутилиб олсан зўр бўлади. Хотин ҳам ё сиз шуни ташланг, ёман ҳам ўрганаман деб туриди, онағар. Ах, туф! Туф-е! Охиргиси бўлсин. Яна чексам...

У ёғини аниқ айтмадим.

Яна ўқидим. Ишга борувчи оддий муомала даражасида астровенгер ёки инглиз тилини билиши шарт экан. Ё, фалак! Бунисини қандай тўғрилаймиз энди? Мактабда умримиз чет тили дарсидан қўён бўлиш билан ўтган. Дадам сендан чўпондан бошқа ким ҳам чиқарди деб, ўқишимга умуман эътибор қилмаганлар. Ҳа, энди кўп қатори ўрта маълумот олганимиз-да. Бошим қотди-қолди. Икки-уч ойда бир тилни сал-пал бўлсаям ўрганиб бўлмас-ов!

Наҳотки, шу билан ҳаммаси тамом!

Карахт қотиб қолдим. Юрагим нақ музлаб қолгудай бўлди. Кейин ғижимланган газета оёғим устига ширт этиб тушганини зўрға эшитдим.

Кўз олдим қоронгуллашиб, бошим узра осмон чирпирак бўлиб айлана бошлади. Тупроққа ўтириб қолдим...

Кўзимни очганимда касалхонанинг ним қоронғу икки кишилик хонасида оёқларимни чўзиб ётардим. Йўловчи "Матиз" келтириб ташлабди. Эгаси шундай хат қолдирибди: "Гувоҳлар иштирокида касалнинг чўнтагидан умуман пул чиқмади. Мен қўлидаги соатини ечиб олдим. Қачон яхши бўлиб, мени рози қилса, соатини қайтариб олади". Ўқитувчи экан. Манзили, телефонини ёзиб, чиройли имзо ҳам қўйибди, баччагар. Ғижимланган газетани ҳам қўйнимга солибди.

Шунга ҳам шукур қилдим. Бу ерда ётганимда уйдагилар ўтган якшанба букалардан бирини пуллашибди. Дори пули, дўхтир пули дегандай...

Хайрият, ўша куни эълонни охиригача ўқимаган эканман. Унда: "Бизнинг фермада ишловчи чўпон, албатта, компьютерда барча нозик амалларни ўта аниқлик билан бажара олиши керак", деб ёзилган экан...

Ҳай-ҳай, тамом қизиқ бўлди, бу ишлар. Чўпон одамга компьютернинг нима алоқаси бор экан? Нима, қўй, корамоллар инглиз тилидан бошқасига тушунмас эканми?

Яна бошим айланиб кетаяти-ку!

Эҳ, куриб кетсин шу эълониям!

Наҳот, мендан чўпон чиқмаса?...

24 март, 2002 йил.

ХОТИНГА ИШ ТОПИЛДИ.

(Ҳажвия).

Бир тадбиркор дўстимизникуга меҳмонга бориб, ҳанг-манг бўлиб қолдим. Ана ҳовли, жо-ю, ана ўтириб-туриш. Уйларининг барини, ўзининг таъбири билан айтганда, "Евромонт" қилдирибди. Меҳмонхонасига кириб, оғзим ланг очилиб қолди. Девордаги чет эл гулқоғозлари, бир-бирига мослаб шунаقا ёпиштирилганки, кўзинг яшнаб кетади. Нақш-нигорлардан кўзинг тўймайди. Эшиклардаги ўймакорлик буларга уйғунлашиб кетган. Хуллас, томоша қилингу ўтиринг.

Бирдан ҳамиятим кўзғаб кетди. Нима учун, лоақал, битта

хонани шундай қилолмайман? Дарвозахонадан ўнг томондаги "меҳмонхона" деб ташланган даҳлизли уй ҳувиллаб ётибди-ку. Ишни шундан бошлаш керак. Мен ҳам дўппи кийиб юрибман, ахир...

-Шунақаям зўр усталар борми бизда, а?-деб сўрадим дўстимдан. (Биз уни Қодирча деб ўрганганмиз).

-Бўлганда-чи? Ана уста Қамбар, қўли-гул. Истасанг, қўнғироқ қилиб қўяман. Хали ундан ўтадиганлари ҳам кўп. Янги участкани бошдан оёқ ўшаларга тахлатаман деб юрибман.

Ана холос, бу дунёда тадбиркор бўл экан-да. Бу ҳашамлар камдек, яна ҳою-ҳавас.

Гапнинг қисқаси, эртаси Ҳумдонақдан уста Қамбарни сўроқлаб топдим. "Кўли гул" деганича бор экан. Дўстим айтмоқчи, диди баланд қишига ўхшайди. Дарвозанинг остонасигача мармарфарч қилинган. Рангларини бир-бирига мослаб терганини кўринг. Ҳудди кўркам бир манзара устида тургандек хис қиласиз ўзингизни. Икки томонда ҳар бири нимкосадек бўлиб, очилиб ётган атиргуллар-чи? Э, қандингни ур! Дарвозадаги мукаммал бир санъат асари даражасидаги ўймакорлик иши ҳар қандай одамни михлаб қўяди. Нима учун бизнинг дидимиз бунақа ўткир эмас, тўмтотк бўлиб қолган-а деб, ўзимдан норозиям бўлдим. Бу ҳам қишлоқи бир йигит бўлса. Мана, деворида электр қўнғироқ турибди. Қишлоқда электр қўнғироқли дарвоза! Қойил-е, Қамбарбой!

Тугмачани босдим. Ичкаридан "булбул" овози эшитилди. Ҳеч қанча куттирмай жуда озода кийинган, кўринишидан юмшоқ табиатли, бўйчан бир йигит истиқболимга хотиржам чиқди.

-Уста Қамбарни сўраб келган эдим.-дедим салом-алиқдан сўнг. Чунки, бу қиши уста эмас, ҳозир телевизорга чиқишга ҳозирлик кўраётган қўшиқчини эслатарди.

-Мен бўламан,-деди у мени ҳайрон қолдириб.-Қани, ичкари кирайлик.

Дарвозахонадаги гулдор кўрпачалар солинган чорпояга келиб ўтиридик. Дам шифтга, дам деворларга сукланиб қарайман. Қойил, ҳунарманд бўл экан-да, бу дунёда! Ҳунари бор кишининг мазаси бор ишининг деб, шуни айтарканлар-да.

Аёли бўлса керак, сулувгина келинчак, бир чойнак чой, иккита пиёла, патнисда ширинликларни қўйиб қайтди.

Хушбўй чойдан хўплай туриб, мақсадимни айтдим.

-Шу Қодирчаникнида қилган ишларингизни кўрдим. Биттагина уйни ўшанақа безатадиган ният бор.

-Қодир Усмоновичникнида бўлдим денг?

-Улар билан жўрамиз.

Уста дилкаш кулди.

-Бўлипти, ҳозир қўлим бўш. Эрта-индин буюртмачилар роса кўпаяди.

Омадни кўринг!

Мулоҳазакорлик билан мақсадга кўчдим.

- Бўлмаса, шарт-шароитларни бир келишиб олсак. Нима дедингиз,-дедим юзига тикилиб.

- Албатта, албатта. Келишиб ишлаш яхши,-деди у кўнглидагини топганимдан хурсанд бўлиб. Мен қайси уйда ишласам, ўша жойда ётиб-тураман. Чунки, кечасими-кундузими, хушим тоблаган вактда, туриб ишлайвераман.

- Жуда яхши,-дедим уни маъқуллаб,-иш ҳам унумли бўлади.

- Лекин, уйда бизбол шароит бўлиши керак. Телевизор кўрмасам, ишим юришмайди. Футбол, тенис, кино сериаллардан биттасиниям қочирмайман. Дам олиш соатларимни ана шуларга мўлжаллайман.

Кўзимга уйимиздаги шалоғи чиққан, уриб-уриб ишлатиладиган "Восход" телевизори кўриниб кетди. Бунга тўғри келармикин?...

Қизардим шекилли, уста Фикримни тушунди.

- Ташвиш чекманг телевизорни ўзим билан олиб боришим ҳам мумкин. Светной "Спутник" бор. Қаерга борсам, қўлда осилтириб кетавераман. Яна айтиб қўяй, кўпроқ шифтга қараб ишлаганим учун одам тез чарчайди. Албатта, эскироқ бўлса-да, бир ором курси ҳам керак бўлади.

- Ана холос! Яна нималар керак экан бу кишига? Ўзинг хеч оромкурсида ўтирибсанми дeng менга.

- Ишдан гапирайлик,- дедим мен,-Хар квадрат метри....

Устанинг жавоби тайёр экан.

- Буни ишнинг устида ҳал қиласиз. Деворнинг паст-баландлиги, маҳсулотларингизнинг сифатига кўп нарса боғлиқ-деди у. Сўнг яна ўз шартига кўчди. Тўгрисини айтган маъқул, мен "Даракчи" билан "Аргументи"ни доим ўқиб бораман.

О-ла! "Диди баланд"лар шунака бўладими, ё?

- Бир иложини килармиз,-дедим нафасим ичимга тушиб. Шу тамом-ми?

- Йўқ, барини айтиб-эшитганимиз маъқул. Мен ҳар куни ҳаммомга кириб чиқишим керак. Чанг, турли бўёклар ҳиди, ширач дегандек... Шампун, совун, сочиклар ўзимдан. У яна нимадир демоқчи эди, гапини бўлдим.

- Бизда ҳаммом йўқ-да.

- Унда ҳар куни уйга қатнашга тўғри келади. Иш чўзилади. Тўғри, машина бор...

Давомини ўзим тушундим. Буромадга машина харажатлари ҳам кўшиладиган кўринади. Гап орасида устанинг куввати паст "Мускат" мусалласидан бошқасини оғизга олмаслигини ҳам билиб олдим. Демак, "Мускат" тарааддудини ҳам кўриб қўйиш керак.

Шунақа ичимлик борми ўзи? Иккиланиб қолдим.

- Эрта-индин натижасини билдираман,-деб, уста билан хайрлашдим. Тўғри уйга йўл олдим. Маслаҳатли тўй тарқалмас деганларидек хотин билан ошни пишиитмоқчи бўлдик. Ҳаммасини эшитгандан сўнг хотин мени худди майна қиласигандек кулди.

- Ман айтдим, пулини урдирган бозорчидай шалвираб қайтдингиз,-деди писқам уриб. -Хўш ҳаммасига қанча кетадиган бўлди?

-Хали ҳисобламадик.

Хотин яна мақол айтди:

-Ҳисобини билмаган-ҳамёнидан айрилар.

-Кўй шу мақол-пақолингни. Топганинг мақол. Қодирчанинг айтишича, бошдан оёқ икки юз мингсиз бўлмас экан.

Хотин чапак чалиб кулди.

-Она-бала сигир ҳам етмайди, денг. Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига...

- Нимаси кулги?-дедим жиддий тортиб. -Бўлмаса, мақол айтиб юраверамиз-ми? Ҳозир одамлар еб-ичишдан кўра ҳовли-жойга кўп зътибор беряпти...

- Мен йўқ дедимми?-деди хотин. Унинг кўзида бир мугомбирлик кўринди. -Шунинг тўртдан бирини берсангиз, ўзим меҳмонхонангизни ўн чандон яхшилаб безамасам, отимни бошка қўяман.

- Нима? Унга тикилиб қолдим. Шу гапни айтиб турган ўзимнинг хотиним-ми? Мен ҳам мақол ишлатдим.

-Нонни катта тишласанг ҳам гапни катта гапирма, дебдилар.

-Гапим-гап! Сиз халиям мени яхши билмайсиз: Олдингдан оқкан сувнинг қадри йўқ.

-Калта қил. Бўларидан гапир.

-Ахир, сизга юз марта айтганман, мен қурилиш коллежида безакчилик бўйича аъло ўқиганман. Беш йилдан бери бекор юрибман-а! Бекордан худо бузор дебдилар. Ўша уста Қамбар деганингиз бу ишларда менинг қўлимга сув солсин. Ана қўрасиз, хунарни асрарон нетгумдир ахир...

Машхур байтни такрорлади у.

Ёпирай, нахот ишимиз юришиб кетса? Хотинбойдан эшитган мақолни эсладим: дард аригудек бўлса, табиб ўз оёғи билан келаркан.

Мен хотин тузган рўйхат бўйича буғуноқ гулқогоз, елим, қум, оҳак, ганжу гипс, рангу рўған тарафдудига тушдим. Хотиннинг ҳаракатларида ҳам фавқулотда бир фволлик барқ уриб турарди. Шундай қилиб, кўпдан бекорчиликдан безиб юрган хотин енг шимариб ишга тушди. Шу кунларда мен унга муносиб иш топилгани, бунинг устига катта ҳаражатлардан қутилганим, ҳатто уста

Қамбарнинг ўзи бир куни уйга келиб, хотиннинг ишига оғзи очилиб қараб турганини кўриб, суюниб юрибман. Ҳунари бор кишининг мазаси бор ишининг, деганлари тўғри экан-да.

Ана шунака...

17-18 апрел, 2002 йил.



БЎЛМАСА, ТУҒМАЙ ТУР (Хажвия).

Туғруқхонадан чақалоқлик бўлиб қайтган Гулжамолхонникига туғруқхонага чақалоқли бўлиш учун бораётган Гулжаҳоной, икки калла новвоту яна қоғозга ўралган камтаргина совға билан, ийманиб кириб келди. Дугоналар ўпишиб кўришдилар.

Хе йўқ, бе йўқ, Гулжаҳон йўргакдаги чақалоқни олиб, меҳр билан бағрига босди.

— Бунча ширин! -Чақалоқнинг ҳали хом гўштдай қип-қизарид турган лўппи юзларидан оҳиста ўпиш баробарида деди у. Бунча чиройли! Кош-кўзи худди ўзингникидай.

— Юзлари дадасига тортган, -жавоб килди Гулжамол ҳам фахрланиб.

— Илоё, умри, бахти билан берган бўлсин.

— Кўп яша, Гулжаҳон. Илоё, ўзинг ҳам соғ-омон кутул. Нима кутаяпсан?!

— Отасининг кўнглига қарайман-да, дугон. Ўғил. Нима дединг, ўғил бўлса, қуда бўламиزمи?

Гулжамол аллақандай маъноли кулимсираб қўйди.

— Кўп шошма, Гулжаҳон. Аввал, соғ-омон бўшалиб ол. Кейин болалар соғ-омон катта бўлишсин. Ҳали киз туғишинг ҳам мумкин. Кориндагини қодир билади, дебдилар. Қолаверса, бирон ёққа кўчиб кетаётганимиз йўқ-ку. Тўғрими?

Гулжаҳон болани оҳиста ўрнига қўйиб, дугонасига юзланди.

— Ростини айт, ҳаммаси енгил ўтдими? Ҳар ўйласам, юрагим узилиб тушгандай бўлади. У ёғда нималар керак? Суюнчига катта сўрармиш? Шуларни бир билай, деб келдим. Ахир, табиб-табиб змас, бошидан ўтказган табиб дебдилар.

— Тўғри қилибсан, Гулжаҳон. Билиб олганинг яхши. Ҳаммасини аввалдан тайёрлаб борсанг, сира қийналмайсан. Бўлмаса, шошиб қолади одам. У ёқ-бу ёқдаги “ювди-ювди”ларни эзинг тайёрлаб қўйгандир, албатта?

Гулжаҳон сал керилиб, кўкрагини кўтарди.

-Шу ниятда кўчкор бокиб турибмиз. Ўзиям, роса етилган. Хўш, сен "у ёқдан" гапир, нималар керак?

Гулжамол мулоҳазали кулди.

-У ёғи ҳам бир талай иш. Майли, бу дунёда фарзанд деб яшаймиз-да, Гулжаҳон. Кетса-кетибди-да...

-Шуларни бир билай деб келдим-да, дугон. Шошганда лаббай топилмайди дегандай, аввалроқ барини билиб олай дедим.

-Тўғри қилибсан. Бўлмаса, эшиш.

Гулжаҳон дугонасига яқинроқ сурилди.

-Кулогим сенда.

-Олтита атир-совун толиб қўй.

Гулжаҳоннинг кўзлари катта-катта очилиб кетди.

-Олтита? Нима учун олтита?

-Иккитаси-бош ҳамшира-ю, ёрдамчисига. Иккитаси-бош доя билан ёрдамчисига. Яна иккитаси-навбатчи ҳаким билан чақалоқнинг ўзига. Тушундингми? Эшишиб қўй, улар битта совун билан қўл-бет ювишмайди-да. Ҳар бирига алоҳида-алоҳида совун олиб борасан. Бўлмаса, тўлғоқ пайти иш ҳам бошлашмайди. Инграб, кучаниб ётаверасан.

-Ана холос! Бўлмаса, яна бешта совун олар-эканман-да. Хўш?

-Ха, кейин олтита патли сочиқ ҳам оласан.

-Биттагина олиб қўйган эдим-а!-деди Гулжаҳоннинг ҳайрати тобора ошиб.

Келинчак тез-тез ура бошлаган юраги устига кафтини босди.

-Бунисидан ҳам олтита керак де?

-Худди шундай. Кейин олтита одикалон ҳам ол.

-Буям олтита-ми?-деди нафас олиши ўзгариб Гулжаҳон. Ҳўп, шу тамоми?

-Қаёқда тামом бўлади. Одикалон топмасанг, бир литр спирт ҳам етишади. Лекин иккенинг пули деярли тенг тушади. Сен олтита одекалон олақол. Арzon-қимматига қараб туришмайди.

Гулжаҳон ўзини тўхтатолмай сўради:

-Суюнчисига бирон беш минг етадими?

Гулжамол бош чайқаб кулди.

-Урвоқ ҳам бўлмайди. Кичик доя билан кичик ҳамширанинг ўзига беш минг сўм керак. Тепага қараб, яна шунчадан ўсиб бораверади. Бўлим ҳакими, навбатчи ҳаким, ёрдамчи ҳакимлар бунга қаноат қилмайдилар-да. Лоақал, ҳар бирига беш мингдан бермасанг бўлмайди, дугон.

Гулжаҳоннинг рангида ранг қолмади.

-Бўлмаса, қарз кўтаришимизга тўғри келади. Ҳаммаси бўлиб, бирон ўнг минг сўмни тишимиз ковагида асраб келаётган эдик.

-Айтдим-ку, урвоқ ҳам бўлмайди деб. Ҳали ўн метр дока, ўн

метр сурф, беш кило тоза пахта дори-дармон учун пул, "юз күрди" учун пул, йўргаклагани учун пул, чақалоқни кўтариб чиқиб бергани учун пул...

—Хазиллашаётганинг йўкми, дугон?-деди қип-қизил юзидан қон қочиб Гулжаҳон. Биз буларга умуман тайёр эмасмиз-ку! Қўчкорни сотсак, етишармикан? "Юв-юв" бўлмаса, бўлмас!

—Хали ҳаммасини айтганим йўқ, дугон. Ярим челак аччиқ тош билан, бирон кило хлор ҳам керак экан.

Гулжаҳоннинг кўзлари олайиб кетди.

—Буниси нима учун?

—Чақалоқни чўмилтириш учун ана шулар билан алохида фильтирланган сув керак экан.

—Наҳотки? Буларни дадасига айтсан, мутлақо тайёгарлик йўқ, деб урушиб бермайдими?

Гулжаҳон қаҳ-қаҳ уриб кулди. Дугонасини чимдид оларкан деди:

—Кўзингни оч. Ҳалитдан ҳушингдан кетяпсан-ку. Шуларни тайёрлагунча туғмай турасан-да, бўлмаса...

ДЎХТИР ДЎСТЛАРГА ДЎСТОНА ДАШНОМЛАР

(Хеч ким нишонга олинмаган).

Бошингда тегирмон тоши айланиб турса ҳам тан-жонинг соғ бўлсин экан.

Дарвоҷе, бошингда тегирмон тоши айланиб турса, тан-жоннинг соғлиги ҳақида гапириб ўтишнинг ўзи ҳам кулгили эмасми?

Жадал суръатларда "Жадал тиббий ёрдам маркази" қўрилиб, жуда жадаллик билан ишга туширилди. Мана, энди у мажруҳ бир холатда, ўзини мутлақо эзполмай, жадал ёрдамга муҳтоҷ бўлиб турибди.

Дўхтирларми? Мен уларни турли тоифага бўламан:

Яхши одам ва яхши табиб. Улар билан бир умрга дўстлашса арзиди. Яхши одам, лекин яхши табибмас. Бундайлар билан ҳам чиқишиш мумкин. Яхши табиб, лекин яхши одам эмас. Бундайлар билан, ҳатто, борди-келди қисса арзиди. Ҳатто, дўстлашиш ҳам мумкин. Афсуски, яхши одам ҳам, яхши табиб

ҳам бўлмаганлари бор. Қанийди, уларнинг ўзлари ҳам буни вақтида билишса...

Азиз дўхтирлар! Ҳузуурингиздаги беморларга муносабат пайти шу одам ўз ота-онам, опа-укам бўлишиям мумкин-ку деб, нега ўйламайсиз?

Олдига нажот истаб келган майиб-мажрух, касалманд одамдан таъмагирлик қилаётган шахснинг нақадар тубан эканлигини сира ўйлаганмисиз? Шу йўл билан ундирилган чой-чақа наҳот, ош бўлса?

Дўхтирнинг қозони бугун бир мажрухдан олинган чой-чақа ҳисобидан "гуллади" дейлик. Шундан оиласдаги бегуноҳ болаям бир коса ичади-я! Бундан ҳам ортиқ ҳаромхўрлик борми оламда?

Таъмагир дўхтирга, таъмагир мухбир учради.

-Сизни газетага мақтаб ёзаман. Лекин, бир зиёфат берасиз,-деди мухбир шаъма қилиб.

Дўхтир бўш келмади.

-Ёзинг, мақола чиқса, қалам хақининг ярми-биздан. Чунки, мавзуни биздан олдингиз,-деди, таъмагирлик билан.

Тиббиёт ҳаётидан чизилган энг яхши асарлар учун танлов эълон қилинди. Оқ халат кийганича, бир қўли билан беморнинг юрагини, бир қўли билан унинг чўнтагини пайпаслаб кўраётган Ҳакимнинг суратини чизган мусавирга биринчи мукофот берилди.

"Юрагингиз қаерда?-деб аталган эди бу асар.

Кўпчилик милиция ходимларининг энг олий нияти йўлбонлик бўлгани каби, кўпчилик дўхтирларнинг олий мақсади касалларга ногиронлик мақомини берувчи тиббий комиссиялар таркибига кириб олишдир.

Асаб хасталиклари бўйича хушфеъл бир мутахассисни биламан. Ўзини ниҳоятда асраб, оро бериб юради. Асабларим зўриқмасин деб, ҳатто беморларни ҳам минғирлаб хиргойи қилганча кўради.

Бир неча кунлик бош оғриғидан жони ҳалқумига келган, бунинг устига табибининг парвойи палак хиргойисидан асаблари ниҳоятда таранглашиб кетган бемор унга жон ҳолатда бақириб берди:

-Хой одам! Эрта жанозангизда "Воҳай бола" ни ўқисам, нима бўлади?

Табибининг юзида қилт этган ифода кўринмади. Оҳангни

ўзгартириб, "Ваҳай бола" ни минғирлаганча, ишини давом эттираверди.

Одам аъзоларини "эҳтиёт қисмлар"га мўлжаллаб юрган кишиларни кўриб, оддий темирчининг кир ва қадоқ қўлини юз марта ўпиб, кўзга суртса арзиди, киши.

Мелиса билан дўхтирга ишингиз тушмасин, деган бир нақл бор. Буни шарҳлаш жуда осон: бутун ҳаётингиз давомида соғ ва тўғри бўлинг, омин!

Бош ҳаким барча врачларни тўплаб, иш хоналарини халқ мақоллари билан безашни маслаҳат берди. Шу куниёқ, жарроҳлик бўлими пештоқида "Юз сизу биздан, бир жизу биз яхши" деган ёзув пайдо бўлди.

"Барча касалхона, амбулатория, қишлоқ ҳакимлик пунктларида солик идорасининг шўйбалари ишлаб турипти. Касаллар ҳам, уларнинг кишилари ҳам тортинмай мурожаат қилишлари мумкин".

(Газета эълонидан).

ТУНГИ САЙР

(Хикоя).



Уйимиз олдидан бир неча хўжаликларни боғловчи серқатнов йўл ўтади. Айни вактда у қишлоғимиzinинг кўркам бир кўчаси ҳам ҳисобланади. Кечкурунлари неварам Хушнуд билан шу йўл бўйлаб тунги сайрга чиқамиз. Хушнуд ҳали учга ҳам тўлгани йўқ. Лекин, бурро-бурро гапириб билади. Қолаверса, бошқалар билмаганда ҳам, мен уни яхши тушунаман.

Кўл ушлашиб, аста-секин юрар эканмиз, унинг саволлари сира адо бўлмайди. "Бу нима?", "Анави нима?" сининг чек-чегараси йўқ. Мен эса, ҳеч эринмай, унинг саволларига содда-садда жавоб беравераман. Айни вактда бу саволлар салмоғига қараб, унинг кун сайин ўсиб бораётганини, тилидаги, фикридаги ўзгаришларни, бу сайр-сұхбатлардан ҳар куни ниманидир илиб олаётганини ҳам аниқ ҳис этиб тураман. У бўлса, билғанларини ҳам сўрайди, билмаганларини ҳам.

-Бу кимни уйи?

- Зойир аканики,
- Йўқ, Мафтунники.
- Мафтун-Зойир аканинг невараси-да.
- Бобо, "невара" нима?
- Буни унга пухта-пухта тушунтираман.
- Ана, сен-менинг неварам, Мафтун-Зойир аканинг невараси.

Түшундингми?

Узокдан машинанинг ўткир чироги кўринади.

-Бобо нима келаяпти?

-Мошин.

-Қанақа мошин?

-Ё қора, ё кўк.

-Бобо "кўк" нима?

-Ана, мани чопонимнинг ранги кўк. Тун бўлса-қора.

Ана, энди янги мавзу бошланади.

-Бобо, "тун" нима?

Буни тушунтириш қийин бўлгани учун уни чалғитаман.

-Юр, четга чиқайлик, бўлмаса, мошин уриб кетади.

Худди шу пайт ёнимиздан енгил машина шувиллаб ўтиб кетади.

-Бобо, мошинани оти нима?

Биламан, у машиналарни танийди. Шунинг учун ёлғондан дейман?

-"Маскавич"

-"Тико"-ку.

-Ҳа-ҳа, "Тико" эди-я.

-Бобо, "Тико" қаёққа кетади?

-Ҳўжахайронга.

-"Ҳўжахайрон" нима?

-Қишлоқ.

Кейин унга ўша қишлоқдаги невараларимни эслатаман.

-Хумоюнни биласан-а?

-Шохининг акаси-ми?

-Шохи эмас, Шоҳруҳ!

-Шохи-ку?

-Хўп, шундай бўлақолсин. Ҳўжахайрон-Шохининг қишлоғи. Шохининг онаси-сенга амма бўлади.

Шундан сўнг "Амма" мавзуси бошланади. Холалар, ҳақида гапирамиз, тогалар ҳақида, аммалар ҳақида. Лекин, саволларнинг кети узилмайди.

-Катта амаким мани мошинга миндирадиларми?

-Ҳа, бир кун сенга "Тико-ям" олиб беради. Кейин мани мошинангга миндирасан.

Суҳбатнинг бу ёғи унга таниш, бемалол давом эттираверади.

-Кейин, Самарқан борамиз, Тошкан борамиз. Азик бобомга борамиз.

Хар доимгидек шовуллаб турган теракнинг қуюқ кўланкасига кириб борганимизда у тўхтаб қолади. Овозида титроқ пайдо бўлади.

-Кўрқаман,-дейди қўлимни маҳкам сиқиб.

-Нима учун?

-Дарах йиқилади.

Биламан, у дараҳт йиқилганини ҳалиғача кўрмаган. Балки, бундан кўрқаётган ҳам эмасдир. Бу ерда аллақандай сир бор. Ё у бу ердаги қуюқ коронгулиқдан вахимага тушади,ёки дараҳтнинг бетартиб шовуллашидан юрак олдирган.

-Кўрқма, дараҳтлар йиқилмайди. Улар бизга жуда керак,-деб тушунтираман. Лекин, бўлмайди. Кечак ҳам бу ерда андак тўхтаб ўтган здик. Албатта, зартага яна шу ҳолат тақрорланади. Нима қилиб бўлса ҳам унинг ёдидан бу нарса тезроқ чиқиши керак. Шунинг учун бу саволга ўнғайроқ жавоб излайман. Қуюқ коронгулиқдан унинг дадил ўтиб олиш тадорлигини ўйлайман. Кўланкани босиб ўтамиз. Бирдан унинг кўзи осмонга тушади.

-Бобо, ана у нима?

-Йилт-йилт этиб кетаётганми?

-Ха.

-Самолёт.

-Қаёққа боради?

-Афғонистонга.

Энди самолёт, Афғонистон, осмон ҳақида чексиз, адоксиз савол-жавобимиз бошланади.

-Мен чарчадим,-дейди баҳона қилиб Хушнуд. Вой шайтон-е! Бу мени кўтаринг,дегани.

-Мен ҳам чарчадим,-дайман мен. Тезроқ катта бўл, қанотимга кир деган умидлар билан.

Аслида бутун ҳаёт мазмуни шундан иборат эмасми?

Хушнуд саволлари билан мени чарчатиб қўяди.

Лекин, бу сайр менга ёқади. Чунки, бу дамларда мен ҳам "бала бўлиб" гапираман, болалик дунёсига беихтиёр кираман. Айни вақтда болалигимни ўйлайман. Кошкийди, қўлимдан тутиб юрганларни бир дам хотирамда тиклай олсан. Ким эди улар? Отанамми,бобо-бувимми?. .Хойнаҳой,қачондир "Мен чарчадим" деган бўлсан керак.

Ўшанда кимдир ўз бағрига олган,албатта...

Ким эди улар? Қани улар?...

Ўшанда, улар нималарни ўйлаб, нималарни умид қилишди

зкан?...

Хушнуд кўлимдан тортиб, мени хушимга қайтаради. Овозида титроқ.

—Бобо, кўрқаман.

Э, терак остида туриб қолибмиз-ку! Тепага карасам – зулумат, ийлт этган нур кўринмайди. Илгари юрамиз, чараклаган юлдузларга чиқамиз. Осмондан нур ёғилиб тургандай бўлади...

Хушнудни азот кўтариб, бағримга босаман.

Энди у юлдузларни яқиндан кўради.

10. 04. 2002 йил.



РАМАЗОН ҚЎШИГИ (Ҳикоя).



“Бу уйга барака”...

Рамазон қўшиги ана шундай бошланади. Қишлоқ болалари тўпланишиб, ҳар кеча, рўза тунлари, очик дарвозалардан ҳовлига кириб борадилар. Кейин рамазон қўшигини бошлайдилар:

“Бу уйга барака”...

Рўзагирлар, одатда рўзахўрлар ҳам, уларни хафа қилишмайди, имкон қадар қуруқ қайтаришмайди. Биттами, яримтами юмшоқ нон, майда пул, бир сиқим майиз ёки тутмаймиз... Ишқилиб, боридан чиқариб беришади. Ифторли хоналар бўлса, худо бергани. Болаларга бир бош-ярим бош узум, ҳар хил мевалар ҳам тегади. Энг муҳими, ҳар бир хонадон дарвозаси олдида ёки ичкарида, деярли ҳар кеч, Рамазон қўшиги янграйди.

“Аввал бошлаб, худони ёд этайлик.

Пайғамбар аervoҳларин шод этайлик”...

Кейин, болалар пайғамбаримиз Юсуф алайҳисалом ҳикоятини қўшиқ қилиб айтадилар. Буни факат диққат билан эшишган яхши. Эҳтимол, кўйга солса, у айтгандай чиқмас. Ҳовлида, эшигингиз ёки дарвозангиз олдида тўп бўлиб турган тўпори болалар айтгани афзал. Ҳар хил товуш, ҳар хил оҳанг, Илоҳий сир-синоат... Ким билади, балки менга шундай туюлар...

Биз ҳам ёшлиқда жуда кўп “Раббиман” айтганимиз (Рамазон қўшигини биз “Раббиман” деб атардик).

Урушдан кейинги йиллар эди. Тўғрисини айтганда, биз бу қўшиқни асосан нон тўплаш учун айтардик. Кимдир бизларни эшиги олдида кутиб турар, кимдир дарвозани бекитиб оларди. Қишлоғимизда факат тўрт ёки беш кишининг уйида оқ буғдои

нони бўларди. Биттаси ўзимизнинг мактабда ўқитувчи бўлиб ишлар, тундбашара одам эди. Уникига бориб бўлмасди. Эртаси балоларга қолардик-да! Доскага чиқариб, қистовга оларди, директор хонасига чақиртиради. Биттаси колхозда ҳисобчи эди. Кўзлари ола-кула одам. Ундан ҳам кўркардик. Омборчининг хотини бўлса, очик чеҳрали аёл эди. Дарвозахонаси қоронғи бўлар, истиқболимизга ҳамиша лампа кўтариб чиқарди. Отимизни тилга олиб, юзимизга бир-бир қарап, сўнг битта пўрсилдок, яхлит нон берарди. Табийки, уни дарҳол синдириб, тенг улашардик. Сўнг бошқа дарвозага йўналардик.

“Бу уйга барака”...

Биз ҳаммани билардик. Ким сахий, ким очик, ким меҳмондўст, ким одамови. Ҳаммасини билардик. Мактабда бошқа қишлоқ болалари ҳам худди шунақа гаплардан ҳикоя қилишарди.

Кутимаган воқеалар ҳам бўларди. Ишончли, бақувватроқ болалардан биттасини “сандик” тайинлардик. У кўпинча орқада, панароқ жойда писиб ўтиради. “Хавф” сезиши ҳамон жуфтакни ростлаб қоларди. (Уни ушлашса, ҳамма нон кетарди). Жўрабоши рўзагирлар нимани чиқариб берса, келтириб шу “сандик”-қа топширас эди. Энг охирида барча нонларни тенг бўлишиб олардик. Зогорами, қотган-кутган парча нонми, майизми-барибир, тенг улашардик. Айрим хонадонларда устимиздан бир чепак совуқ сув сепишар, шаллобо бўлиб қолардик. Баъзи бўзболалар икки ҳатлашда “сандик”ни босиб олар, бор-будимизни олиб юборарди. Биз эса Рамазон қўшигини кандо килмас эдик.

“Бу уйга барака”...

Синфдошим Чори бизга кам қўшилар, унинг отаси жангда шаҳид бўлган, онаси оғир бетоб эди. Бир куни ўша “сандик” бўлиб қолди. Ҳайит арафаси эди, шекилли, роса кўп нон, бўғирсоқ сомсалар йигилди. Бирон кафт танга-чақа ҳам тушди. Биз бу кечга “сандик”ни алоҳида асрардик. Нуқул уни панага яшириб, ўзимиз ҳовлима-ҳовли кирдик. Нихоят, бутун қишлоқни айланиб чиқдик. Рўзагирларга хушомад килиб, хайр-саҳоватга чорлардик:

“Бу уйнинг ўртасида ой кўрдик,

Бу уйнинг эгасини бой кўрдик.”

Охирги уйда Рамазон қўшигини ана шундай якунладик. Омборчининг хотини яна лампа кўтариб чиқди. Ҳаммамизга бир-бир қаради. Устига бўғирсоқ, майиз қўйиб, баркашдек катта нон чиқариб берди. Ҳаммамиз шод-хуррам. Фақат “Эсизгина, Рўза тугади-да” деган бир ташвишимиз бор эди, холос.

Ташқари чиқсак, ё таъба, “Сандик” йўқ. Ҳамма киши жўр бўлиб “Чори!” “Хо, Чори!” деб чакирдик. Пана-пасқамга бош сукиб қарадик, йўқ! Ё, писмиқ-ей! Наҳот, ҳаммасини олиб, жуфтагни

ростлаган бўлса! Уйига бордик. Уларнинг ҳовлисида баҳайбат тут дарахти бўларди. Деворлар йиқилиб кетган, эшикдан қатимдек заиф нур тушиб турибди. Лекин, занжирланган эшикни очолмадик. Хуллас, таъбимиз хуржин бўлиб, уйма-уй тарқалдик. Эртага унинг адабини берадиган бўлдик. Аммо, у шу куни мактабга ҳам келмади. Иккинчи соатда урушда бир оёғини қолдириб қайтган сержаҳл ўқитувчимиз дўй-дўй юриб, дарсга кирди. Унинг қовоқлари янада осилган эди. Ўтиришга рухсат ҳам бермай:

—Болалар!—деди мотамзада товушда,—Чориларни кига борамиз. Синфдошларинг онасидан айрилибди. Уч кундан бери уйларида нон йўқ экан. Ҳеч ким билмай қолибди. Отаси билан бирга жанг қилган эдим. Раҳматли мард киши эди. Шу кеча Чори уйга бир этак нон олиб келибди. Онаси шуни кўрибди-ю, кўз юмибди...

Ўша йилларни эслайман. Биз Чорининг эшиги олдида ҳам "Раббиман" айтганимиз:

“Бу уйнинг ўртасида ой кўрдик,
Бу уйнинг эгасини бой кўрдик”...

Рост, биз Рамазон қўшифи айтган пайтлар ҳамма ҳовлининг ўртасида ой муаллақ осилиб турарди. Чориларнинг уйида эса яна бир ой бор экан. Мен уни энди-энди кўраман, дил-дилдан кўраман. Чорининг кекса, фариштадай онаси кўзимга ёп-ёруғ, тўлин ойдай ёришиб кўринади.

“Бу уйга барака”...



БИР РЎЗА ТОНГИ...

(Бўлган воқеа).

Қобилжон ҳамишагидай саҳарлаб уйғонди. Чироқни ёқкан ҳамон хотини ҳам безовталаниб, ўрнидан турди.

—Овқатни тайёрлайми?-деб сўради у. Сўнг девордаги соатга қаради.—Хали баравқтми дейман?

—Ха,—деди Қобилжон шошилимай. Майли, дастурхон ҳозирлайвер. Барибир, энди ухлаб бўлмайди.

Дарҳақиқат, рўзани беркитишга бирон соатча вакт бор эди.

Қобилжон таҳорат олиш учун елкасига сочиқ, кўлида обдаста билан ҳовлига чиқди. Енгил туман орасидан ой хира нур сочиб турар, осмонда якка-ёлғиз юлдузлар кўринарди. Кўпчилик қўни-қўшнилар деразасидан чироқ нурлари тушиб турарди, хўроzlар дамба-дам қичқирап эди. Шу пайт, иттифоқо, қулогига молхона томонидан бўғиқ бир хириллаш эшитилди. У қалби безовта бўлиб, бир нима сезгандай, айвон томон шошилинч югурди. Сигирга бир

гап бўлган бўлса-я, кечагина болалаганди. Сатил-сатил сут беради. ёф ҳам, каттиқ ҳам ўзларидан чиқади. Ҳали замон хотини дастурхонга келтириб қўядиган қаймоқ ҳам шундан.

У, оёғидан дармон кетиб, сигир олдига қандай борганилигини ҳам, айвон тагида ожиз нур таратувчи электр чироғини ёққанини ҳам сезмай қолди. Гумон тўғри чиқди. Сигир чўзилиб ётар, жон узар ҳолатда хириллар, оёқлари ер тираб, туришга интилиб, кучанаради.

Хайрият, кетмон шу ерда экан. Ўзини йўқотаёзган Қобилжон дарҳол сигирнинг бўйнига ўралиб, таранг тортилиб қолган ипни устунга боғли жойидан, чопиб юборди. Жон узаётган сигир бир-икки талпиниб, жойидан турди. Унинг ола-кула кўзлари ёшланган, жунлари пахмайган, эти дир-дир учар, оёқларини керганча бошини ердан кўтаролмасди.

Қобилжон бўлган гапни болаларига айтиб ўтирмади. Рўзани беркитар экан, Оллоҳ таоллога кўпдан кўп шукроналар қилди. Ахир, бир рўзгорни тебратиб турган сигирдан ажралишларига салгина қолди-я...

Бу гал, Рўза боис, тонгда уйғонганилиги учун у Яратганга беадад дил розларини айтарди...

14 февраль, 1996 йил.



ЧАШМА

(Ҳикоя).

Бунга кўп йиллар бўлди. Бир раисимиз бўларди. (Чунки. колхозимиз бор эди.). У киши, бошлиқман деган зотки бор, ортидан бўлсаям, Сизлаб гапиравди, бечора. Ўша пайтлар бошликларнинг обрўси баланд эди, чамамда. Балки, катталарда обрў бўлмасаям, кичикларда андиша баланд эди.

Олтмишларни уриб қўйган Раис бобо тахминан бундай дерди: "Ижроком бобо (аслида ўғлига баробар) келиб кетдилар. Мошиналарига мой қўйиб узатдик, кўп камтар одам, қўлларига сув қўйсам унамадилар": "Бугун Брежнев бобомизнинг невараларини телевизордан кўрсатди".

Хуллас, киройи хурмат.

Биз, зумраша болалар бўлса, сода раисдан пик-пик кулардик.

Шу йиллари хўжалигимизда бир шумроқ "Ёшкамол" (Асли "Ёш комсомол") ҳам ишларди. Техникумда ўқиган шаҳар кўрган бола. Лекин, азamat бир кўтарилиб, бир тушиб, узоқ вақт ишлади. У

пайтлар "Ёшларга маданий -маиший шароит қандай?" деб сўраб келувчилар топилиб турарди. Нимадир турткى бўлди-ю, балки юқоридан талаб қилишгандир. Шу Ёшкамол укамиз бадиий ҳаваскорлик дастаси тузишга киришди. Қани, Раис бобо жон берса денг. Ниҳоят:

Ҳаммаси бўлиб, икки юз сўм ўтказиб бераман. ортиғига бонка рухсат қилмайди. Бир жуфтдан дойра, най билан тамбур олсаларинг етарли. Шуям катта ансамбил бўлади деб, рози бўлибди Раис бобомиз.

Тўғри-да. Нима, бизнинг колхоздан Ортиқхўжа чиқармиди?...

Ҳарқалай, иш бошланди. Клубнинг бир хонасида ҳар куни тинғир-тинғир...

Шундан сўнг "Ёшкамол" укамизни у ер-бу ерда мақтай бошладилар. Ҳатто, туман рўзномасида мақолаям чиқди. Эмиш, жамоа ёшларига муносиб маданий-маиший шароит яратилган. Улар бўш пайтларида "Санои нафиса" билан машгулланиб турадилар.

Кейинрок асли шум бўлган Ёшкамолнинг яна бир шумлиги тутиб, Раисга кирди. Ҳол-ахвол сўрашдилар.

-Найни яхшироқ ўрган, зўр нарса! Саиджон Калонни биласан, ҳа? Ёшкамол укамиз сергак тортди, имкониятни қўлдан бермайди.

-СССР Давлат Гимни-чи?-деди юзига жиддий тус бериб Кутি учган Раиснинг кўзлари катта-катта очилди.

-Нима бўлибди унга? Гимнимизга?

Ёшкамол сўзига янада ургу берди.

-СССР Давлат Гимнини найда чалиб бўлмайди-ку, Раис бобо! Бунга пианино керак! Бир куни рапор бобо келсалар нима дейдилар? Мажлисларни Гимнсиз очиб бўладими? Бутун гавдасини харакатга солиб тушунтириди у.

-Э, шундайми? Раис катта бир масаланинг моҳиятини бира тўла тушуниб етгандай бўлди. Ҳатто қўл остида шундай ўткир йигит ишлаб турганидан мамнун бўлиб ҳам кетди.

-СССР Гимни учун бўлса, оламиз, ука! Оламиз! Қани ҳисобчини айтиб кел бүёқка. Тез келсин Гимнни биладими у?

Раис учун ҳозир бундан ортиқ иш йўқ эди, гўё. Хонага кирган ҳисобчи ҳам ўртада нимадир бўлганини дарҳол англади.

-Гиминг деб чек ёзинг, буғуноқ ўтказинг! Айтганини олиб беринг. Райком бобо келсалар нима деймиз?

Одати бўйича ҳисобчи бир оз тихирлик қилиб ҳам кўрди.

-Бонка ўтказмайди, -деди тайсаллаб. Қаттиқ инвентардан бошқаси учун ўтказмайди.

Раис қатъий буйруқ берди:

-Гапни чўзманг! "Гимн учун" денг. Қани, ўтказмай кўрсин. Бўлмаса, райкомга жавоб беради. Ҳа, Гимн учун!

Кўп ўтмай, қишлоқ томошахонасида пианино овози гумбурлай бошлади. Онда-сонда унга жўр бўлган бошқа мусиқа овозлари ҳам эшитилиб турди.

Ёшкамол бу билан ҳам тинмади. Ўша кунлардан бирида қайсиdir масала бўйича райкомга ҳисоб бериш учун чақирилган раиснинг олдига дадил кириб келди. "Партия ҳақида қўшиқ"ни фақат ва фақат аккардионда ижро этиш мумкин, деб вахима килди.

Раис пешонасини ушлади. "Партия ҳақида қўшиқ?... Ҳали шундай қўшиқ ҳам борми? "Шу гап унинг хаёлидан ўтди. Лекин, билдирмади.

-Тўғри айтасан, ука,-деди кейин босиқлик билан. -Биламан, уни найда чалиб бўлмайди. Лекин, ғайрат қил, ёшларнинг дам олиш масаласи яқинда райкомда кўрилади.

Лекин, Раис най оҳангларини яхши кўрарди. Буни эслатиб қўйди.

-Анави най пуфлаб юрган боланинг оти Жамолми? Яхшилаб ўргат, ўшани хўжалик ҳисобидан ўқитамиз. Қунти борга ўхшайди. У куни кирсам, қулоққа ёқадиган қилиб чалиб турган экан...

Кейинчалик, Ёшкамолнинг ташаббуси билан, яна бир қатор чолғу асбоблари сотиб олиш учун ҳам Раис қийшайтириб имзо чекди. Тез кунда клубга кириб, ҳаваскорлар ижросини кўришга ваъда ҳам берди.

-Албатта, найчи бола ҳам бўлсин. Ўшани алоҳида эшитаман. Айт, ўқишга ҳозирлик кўрсин. Ҳали оти Жамолмиди?-алоҳида эътибор билан сўради Раис. Томошадан сўнг найчининг қўлини алоҳида сикди.

-Баракалла, яхши чалдинг. Энди ўқишга борасан.

Йиллар ўтиб кетди. Раис ҳам мункайиб қолди. Ёшкамол укамиз эса, бир кўтарилиб, бир тушиб, узоқ йиллар ишлади. Кейинчалик унинг мусиқа билан умуман иши бўлмади.

Лекин, қишлоқдан бир найчи етишиб чиқди.

"СССР Гимни", "Партия ҳақида қўшиқ"ни найда сира ижро этмаган бир найчи етишиб чиқди.

Ҳа, кекса Раис милтиллаб турган чашманинг кўзини очиб кетган экан, чамамда...

Ноябр, 1990 йил.

ТУЛКИШУНОС

(Интермедиа).

ҚАТНАШАДИЛАР: Тулкибоши, Она тулки, Бола тулки, Күёв тулки, Келин тулки, Тулкишунос.

Үрмөндаги бир хилватгоҳда тулкилар гурухы тұпланған. Улар машхұр Тулкишунос билан учрашуvgа йиғилғанлар. Тулкибоши тұрга үтади.

Тулкибоши: Диққат! Бутун сұхбат давомида тартыб сақлансин. Гап орасида луқма ташлашлар бўлмасин. Ҳой, сен, Келин-Күёв, якка-якка үтириб ол. Ана шундай. Бўлмаса бир-бириңгни ялаб, қитиқлаб тинч үтиrolмайсан. Сен, Она тулки, болангни беҳуда бошлаб келибсан-да. Бунақа сұхбатлар болага тұғри келмаслиги мумкин.

Она тулки: Нима қилай, уйда ҳеч ким бўлмаса...

Тулкибоши: (кўзларини ўйнатиб). Дадаси келмадими ҳали? Бирон тўрт ой бўлди, чоғи.

Она тулки: Ха, дайдиб кетган. Рўзғорга қарашниям билмайди. Оилам бор, болам бор, демайди. Э, юзи қурсин!

Тулкибоши: Қўй, хафа бўлма, (ниманидир ўйлаб) кечроқ бизнига ўт, зериктириб қўймаймиз сени.

Күёв тулки: (маънодор бош иргаб): Қариянинг иштаҳаси карнай.

Келин тулки: Тұғри қиласи, ўзиям роса зериккан. Бевалик осон эмас. Бунинг устига ҳали қуввати кўп.

Бола тулки: (ғингшиб): Ойи, ойи дейман! "Тагимни хўл қилиб қўйдим".

Она тулки: (унга танбеҳ беради): "Тагимни хўл қилиб қўйдим" эмас, "Хўлнинг устига үтириб қолибман десанг-чи!"

Бола тулки: Йўқ, ўзим хўл қилиб қўйдим. Бирдан...

Тулкибоши: (Она тулкига кўз кисиб): Ҳижолат бўлма, ҳали зплаб, тулкичасига гапиришни ўрганмаган-да. Шундай эмасми, ' Келинпошшо?

Келин тулки: Шундай. Ҳадемай, олиб кетади. Бизлар ҳам бунинг ёшида...

Күёв тулки: (унинг гапини кесади) Бунинг ёшида сен томга бенарван чиқар здинг.

Келин тулки: Тилингни тийсанг-чи! Танбеҳ беришга жуда уста бўлиб кетгансан. Доим шунақа. Нима, ёшлиқда чақон бўлсам

ёмонми?

Она тулки: (Тулкибошига қараб): Хўп, қачон бошланади? Болаям роса зерикди.

Тулкибоши: Ҳали замон келади. Ўзиям жуда банд киши экан. Зўрға кўндиридим. Бир жойда роса мақтовини эшишиб, изига тушдим-да. "Тулкиларга тулкилиқдан дарс беради" деганларидан бўён қанақа одам экан ўзи деб, ичимга олов тушган.

Куёв тулки: (қизиқиши ортиб): Ўзимизнинг қавмданми ёки думи дарозлардан?

Тулкибоши: Йўқ, икки оёқлилардан. Лекин, айёрликда бизларни бир чўқишида қочирадиган хилидан. Жа олислаб кетган экан бу тур азаматлар.

Келин тулки: (ўзини жажжи кўзгуга солиб, тумшуғига қора лак суркайди. Тилининг учи билан уни текислайди): Тезроқ кела қолсади. Бўйи-басти қанақа экан-а?

Куёв тулки: (бош чайқаб): Ҳа, кўрмаёқ кўзинг учаяптими?

Келин тулки: Яна рашк! Ўлар бўлдим: "Ўрмонга якка чиқма", "Овга ёлғиз борма", "Думингни тушириброк юр"... Э, худо олсин шунақа кунни.

Тулкибоши: (унга насиҳат қилиб): Тўғри айтади. Сиз ёшларни тергаб турмаса, дарҳол ипни узасиз. Мана, Бувиларинг гапимга кулок солмай, нафсини вақтида тиёлмай, тузоққа илиниб кетди. Ора ичиди мен бечора бева юрибман. (Она тулкига кўз қисиб кўяди). Сен зерикмай ўтири. Болангни кўзи юмилаяпти, туртиб кўй. Ёшлиқда машҳур Тулкишуносни кўриб кўйсин. Лекин, гапини сира бўлманглар. Мабодо, гурунг чўзилиб, зериксангиз ҳам ўзингизни жон қулоги билан эшитаётганга солинг.

Куёв тулки: (бошини сарак-сарак қилиб): Яна тулкичилик экан-да.

Тулкибоши: Бўлмаса-чи? Ҳаётимиз шундай қурилган-да ўзи. Күёвбола.

Келин тулки: (атрофга олазарак қараб олади): Қачон келаркин-а? Юрагим ҳаприкиб кетаяпти. Уникида бўлиб кўргандирсиз, икки оёқлиларнинг яшши қанақа экан? Мадомики, бизга тулкилиқдан дарс берадиган даражада бўлса, роса битиб кетишгандир.

Тулкибоши: Бошқаларни билмайман, лекин, мен Тулкишуносга ҳавас қилмадим. Уйида денг, Эшак, Ит, Бўриларнинг ҳар хил никобу, тулуплари қалашиб ётибди. Ҳа десам, бари керак дейди. Буларни юзига тутиб, бирисида илжайган тусда, бирисида дарғазаб ҳолда давраларга киарarkan. Қайси гурухга тушсам, "об-ҳаво"га мослашиб, ниқоб тутаман, дейди бечора.

Она тулки: Бўлмаса, уларга жудаям қийин экан-да. Биз-ку, насл-насабимииздан чиқиб, табиий тулкилиқ қиласиз, у бечора

мухиттга мослашишга мажбур экан.

Тулкибоши: Айтдим-ку у Тулки эмас, Тулкишунос. Яьни, бизларга тулкиликтан сабоқ беришнинг устаси. Ҳали келганида ўзингиз кўрасиз, думи бўлмасаям, беҳудага бундай ном олмаган, ахир!

Она тулки: Рост, бир балоси бўлмаса...

Келин тулки: (хавас билан тилини танглайида такиллатади).

Дунёда ана шундайлар ҳам бор-а Зўр! Бугун-Тулки, зартага-Бўри...

Куёв тулки: Суст кетдингми? Кўрмаёқ кўзларинг сузилиб кетаяпти-я! Ҳали уйга борайлик.

Келин тулки: Яна рашк, безор бўлдим-е!

Она тулки: (Келин тулкига насиҳат қилиб) Бундай дема, Келинпошша, Куёвнинг қадрини бил. Ташиб кетса нима қиласан? Ана, менини уч ойдан буён қайси гўрларда дайдиб юрибди, билмайман. Ҳали тумшугидан қопқонга илинган бўлмаса.

Тулкибоши: Ҳафа бўлаверма дедим-ку! Болангни чимчиб қўй, қўзи юмилаяпти. (ёнбошига ўгирилиб) Ана, Тулкишунос оғамиз етиб келдилар. Қани, ўрнингиздан туриңг. Марҳамат, марҳамат, интизор бўлиб қолдик-а.

Тулкишунос: Узр-узр, дўстлар! Доим шунака бўлади, вақтим сира етишмайди. Жонивор Эшаклар ўз ҳолимга қўйишмаяпти. Шундан жоним ҳалак. Бир сухбат ўтказиб беринг, дейишди. Келгуси ойга ваъда килдим.

Тулкибоши: Сизларга айтмагандимми? Ана! Марҳамат, бошланг. Ниқобингизни олмайсизми, жаноб?

Тулкишунос: Йў-йўк! Бу сира мумкин эмас! Ахир, мен ҳозир сизнинг қавм, яъни. Тулкилар орасидаман. Одамлар орасида Одам, итлар орасида Ит, бўрилар ичida Бўри бўлиб юраман-да. Ўз қўзингиз билан кўрдингиз-ку, бизникида хамма тур никобу тулупдан бор...

Она тулки: (ўтирганларга ўгрилиб): Ҳақиқий Тулкишунос эканлар. Бизлардан минг марта ўзиб кетган кўринади булар. Ўрганса арзиди.

Келин тулки: (ўзини жажжи кўзгуга солиб, кўкрагини ғоз кўтариб, лабларини тили учиди ялаб-ялаб қўяди): Яхшилаб эшитиб олай гапларини. Ўзиям мендан кўз узолмаяпти. Ана, ер остидан яна караб қўиди. У томондан ўткир ҳид келаяпти. Лекин хушбўйгина.

Куёв тулки: (унга ола қарайди): Вой, шаллақи! Нияти бошқа бунинг.

Келин тулки: (кўзларини ўйнатиб): Яна рашк! Ўлсин, шунака кун.

Тулкибоши: (ҳаммани тартибга чакириб) Энди жимгина эшитинглар. Марҳамат, қулоғимиз сизда, жаноб Тулкишунос. Бизга

ҳақиқий тулкилик қандай бўлиши ҳақида бор гапни сўзлаб беринг. Ўзимизча тўрт тарафга санғиб, пусиб-чопиб юрибмиз. На тарбия, на мактаб. Сиздай дунё кўрганларнинг доно фикрига зормиз, тақсир.

Она тулки: Бизга икки оёқлиларнинг тулкилиги ҳақида кўпроқ гапирсинглар. Шундай эмасми, курдошлар?

Келин тулки: (кўкрагини олдинроқ чиқариб): Ҳа, шундай бўлсин. У ёқда эр-хотинлар хотиржамми?

Тулкишунос: Тушунарли, қолаверса, учрашувдан мақсад ҳам шу ўзи. Бўлмаса, мен маърузани, тўғриси, сухбатни калтароқ қиласман. (Кўзига ойнак илиб, қофозларини титкилади). Демак, "Тулкиларга тулкилик ҳақида". Бу-жуда катта сабоқ. Бундай мавзуни бир учрашувда эплаш қўйин, бирон нотиқ ёки воиснинг кўлидан келмайдиган иш. Колаверса, хали Бошлиқларингиз билан сухбат олди-бердиси ҳақида шартномаям тузганимизча йўқ. Бизда "Куруқ қошиқ оғиз йиртади" деган гап бор. Тўғрими? Текинга валақлаш вақти ўтган. Илгари замонлардә фарқ қиласди. Қофозда нима ёзилган бўлса, ўқиб кетаверардик. Энди тилни тийиб, бошни ишлатадиган замон келди.

Тулкибоши: Бошлайверинг, бир йўлини топиб, Сизни рози қиласмиш.

Келин тулки: Ҳа-ҳа, албатта, рози қиласмиш...

Куёв тулки: Тумшуғингни тиқмасанг туролмайсан-да. Ҳой, думингни тушириброк ўтиранг-чи.

Тулкибоши: Сизларга нима дегандим? Қани, тинчлик сақлансин. (Тулкишуносга юзланади): Хўп, бошланг. Тўрт оёқлилар ҳаётидан бўлса-да, бўларидан гапиринг. Ҳақиқий тулкилик қанақа бўлади ўзи? Шуни билайлик.

Тулкишунос: Бўлмаса, бошладик. Ҳаётда узоқ яшаш учун жуда туллак бўлиш керак. Мисол, бийдай далада, якка қозикка бир оёғидан боғлиқ, қақоғлаб ётган хўroz ёки товуқни кўриб, у ёқ-бу ёққа қарамай, ўқдай учиб бориш ярамайди. Албатта, шундоқкина панада пистирма қўйиб, сизни нишонга олиб турган Овчи дегани бўлади. Бармоғи мудом милтигининг тепкисида. Ҳай-ҳай, унинг ўқдек назарга туша кўрманг.

Она тулки: (йигламсираб) Кўнглим сезиб турибди, менинг чолим худди ана шунақасига учраган...

Тулкибоши: Нафасингни иссиқ қил, Бону. Қани, тартибни сақланглар. Марҳамат.

Тулкишунос: Ҳа, ҳозир икки оёқлилар орасида тулкичилик айни авхига чиқиб кетган. Сир бўлса ҳам айта қолай. Бир хиллар катта товуқхоналар овозини магнит тасмаларига ёзиб олишади: туғиб, оламга жар солаётган товуқлар, бири қўйиб, бири олиб дамбадам қичқираётган хўrozлар, жон ҳолатда дон-дунга патирлаб

отилаётган паррандаларнинг баланд сас-садоси замонавий овоз кучайтиргичлар орқали бутун далани босиб кетади. Ана шунда сиз бу ерда товуқхона бор экан деб, бир-бирингизни кувиб-ўзиб, ҳаллослаб чопасиз. Тилингизни ергача осилтириб келиб, тўрт тарафга чалғиб аланглайсиз. Худди шу пайт Овчи дегани бир сочма ўқни варанглатиб, беш-олтитангизни ер тишлатади. Ахир, ўйлаш керак, кимсасиз жойда товуқхона нима қилади? Бу тулкилик эмасми?

Келин тулки: Худо сақласин, ҳали бу ёруғ оламда нимани ҳам кўрдик.

Она тулки: Даҳшат-а! Лекин, билган яхши. Бизни чол, ҳақиқатан, тентак эди. Ҳавони исказ-исказ, тўрт тарафга сандироқлаб кетгани-кетган, денг. Мана, нафсидан илинди.

Бола тулки: (чийиллаб): Ойи, ойижон! Тагимни ифлос қилиб кўйдим.

Она тулки: Э, падарингга лаънат! Ифлос жойга ўтириб қолибман демайсанми?

Бола тулки: Йўқ, ҳозир кўркканимдан... Бирдан чикиб кетди.

Тулкибоши: (Она тулкига дашном бериб): Кўй, индама, ҳали ёш, унчалик тулкилик қилолмайди. Қайтага бугунги сухбат унга фойдали бўлди. (Тулкишунога ўгрилиб) Кечирасиз, қани, давом этинг. Ҳақиқий тулкилар ҳақида кўпроқ гапириング. Биз ҳам ўзимизни тулки деб юрган эканмиз-да, бу оламда.

Тулкишунос: Сизлардан яширмайман, ҳозир икки оёклиларнинг бари овчи бўлиб кетган. Эштиб олинг. Терингиз чармгарларга, гўштингиз ҳайвонот боғлари учун зарурдан зарур. Бир тур туллак одамлар бўлса, гўштингизни кийикники деб, бозорда пуллашдан ҳам мутлақо ҳазар қилишмайди. Ҳуллас, сизларнинг изингиздан мўмай пул топиб, кисса қаппайтириб юрганлар кам эмас, дўйстларим.

Она тулки: (кўзлари даҳшатдан катта-катта очилади): Ҳали шунақами? Вой, тулкилар-ей! Айтдим-ку, бизнинг дайди ҳам ана ўшаларнинг ўқига учган-да!

Келин тулки: Ёмон ният қилманг, Катта янга. Балки, биронта маллақош бошларини айлантириб кетгандир. Ўшанга илакишиб, ўрмонда сайр қилиб юрган бўлсалар ажаб эмас. Бобомларни кўрганман, ҳали қувватлари бор.

Куёв тулки: (зарда билан) Ҳаёлинг фақат ана шунақа гапларда сени. Шошмай тур, уйга борганда кўзингни мошдек очаман.

Келин тулки: Яна рашк! Э, ўлиб кетдим. Бунақада тез ажрашиб кўтсак керак.

Тулкибоши: Нима деган гап бу? Тўй-тўшакларинг ҳали совумасдан шунақа гапларни айтгани уялмайсанми? Жимлик

сақлансын. Қани, давом этинг, жаноби олийлари. Айтишганидан ортиқ зўр Тулкишунос экансиз. Раҳмат, Сизга...

Тулкишунос: Бугунча асосий гаплар шу. Ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин. Мен ҳозирча сизларга икки оёклилар қўлаётган янги-янги тулкиликлар ҳакида кисқача гапирдим, холос. Аслини олганда тулкичилликнинг тури кўп. Келгуси учрашувларда булат ҳакида яна батафсилроқ гаплашиб олармиз. Сизлар билан яқинрок танишганимдан хурсандман. Саволлар бўлса, марҳамат...

Тулкибоши: Марҳамат, факат мавзудан чиқилмасин.

Бола тулки: (зўр қизиқиш ва ҳаяжон билан): Башарангиз бизга тортган-у, нега думингиз йўқ?

Она тулки: (боласини туртиб): Жим бўлсанг-чи, энди чиқади. (Тулкишуносга ўгрилади) Кечирасиз, болангиз ҳам борми?

Тулкишунос: Бор, жуда ёш. Бу гапларни у ҳали билмайди. Лекин, бўладиган бола, нак ўзимга тортган. Ҳозирдан турли ниқоблар тутиб, ойнанинг олдида ивирсигани- ивирсиган.

Келин тулки: Нега хотинингизни бошлаб келмадингиз? Ўрмонларни бир сайр қилдирадик. Баҳонада танишиб олардик.

Тулкишунос: У-ми? Ҳозир аччиқлаб онасиникига кетган. Мен ўзимни "Тулкишунос" десам, йўқ, сиз "Тулкимижоз" деб, ҳақорат қилди, ахмок. Шунга чидолмай, қувиб юбордим. Ҳали талоқ берганимча йўқ. Бу ёғини ўйлаб кўрамиз.

Она тулки: Икки оёклилар орасида ҳам қўйди-чиқдилар бор экан-да.

Тулкишунос: Ҳозир жуда кўпайган.

Тулкибоши: Бошқа саволлар бўлмаса, Тулкишунос дўстимизга, фойдали маслаҳатлари учун, самимий миннатдорчилик билдирамиз. Мана, ўзлариям бир неча тулки терисидан ихчам тикилган камзул кийиб олган эканлар. Демак, бизнинг қавмга жудаям яқинликлари равшан кўриниб турибди. Бунинг устига сухбат давомида бизларга бир неча марта "Дўстларим!" деб мурожаат ҳам қилдилар. Инчунин, ҳақиқий дўстмиз. Тўғрими? Тўпланганлар номидан раҳмат Сизга, Тулкишунос оғайни.

Она тулки: Айтим-а, бу териларни қаерда кўрганман деб. Мана, елка қисми Чолгинамнинг лўстагига ўхшаб кетади-я...

Тулкишунос: (Ўзини эшитмаганга солиб). Бўлмаса, ҳозирча хайрлашамиз, дўстлар. Бугун бир жойда, менинг кутурган итлардан сақланиш ҳакида маъruzam бор. Сўнгра ўтириб, "Итларга итлик ҳакида" деган бир мақола ҳам ёзишим керак. Сир бўлса ҳам айтай, ёзиш осон, чоғ қилдириш мушкулот. Бунинг учун ҳам кўп тулкилик қилиш керак бўлади.

Бола тулки: Ойи, ойижон! Ҳул нарсанинг устига ўтириб қолибман.

Она тулки: (илжайганча боласининг бошини силаб): Яша!
Ана энди аслингга тортдинг. Кўп яша!

Тулкибоши: Худди шундай! Қолаверса, бу—Тулкишунос оғайнимиzinинг пойқадами шарофатидан. Ахир, у бизга тулкилик хақида сабок бериб кетди-ку! Мана, изи ўчмай, самарасини ҳам кўрдик. Болакайнинг тили ҳам, фикрлаши ҳам ўзгарди-қолди. Энди тарқалишларингиз мумкин. (Она тулкига кўз қисиб): Хой, Тулкибону, зерикиб ўтирма. Мен тун бўйи уйда бўламан, парранда гўшти бор.

Куёв тулки (Келин тулкини туртиб): Ҳа, кўзларинг йўл кўриб кетди-ку! Қани, жўнадик. Тез юр!

Келин тулки: Факат рашк! Уйда жанжал бўладиган бўлса, ҳозироқ бормай қўяқолай. Орамиз очик.

Тулкибоши: Ҳозиргина нима дедим? Қани, қўлтиқлашиб олинглар, рўзгор бузилмасин. Тулкишунос дўстимизнинг гапларидан тўғри хуоса чиқариш керак. Ахил бўлинг, мени ҳам меҳмонга чакириб туринг.

Тулкилар тарқаладилар.



“ҲАЁТ САБОҚЛАРИ” ТУРКУМИДАН

Менинг ёлғонларим

Айрим сұхбатларда, учрашувларда мендан “Ёлғон ҳам гапирғанмисиз?” деб сўрашади.

—Жудаям кўп гапирғанман,—деб жавоб қиласман мен.

Савол берганлар буни кутишмаган шекилли, таажжубланишади:

—Наҳотки?...

—Ҳа. Мана, илгари кўплаб тонготар йигилишлар бўларди. Боролмай қолганимда сал бетоб эдим деб, баҳона қилганман. Аслида буни ёлғон демасаям бўлади. Чунки, оёқда юрган ҳар бир одамни аслида “сал носоғ” деса, хато эмас. Отдай соғлом ким ҳам бор оламда? Лекин, мажлисга боролмайдиган даражада касал эмасман...

Қолаверса, ўша йигинга қатнашганимдан бирор наф кўрмаганидек, қатнашмаганимдан ҳеч ким зиён ҳам кўрган эмас. Энди, хуросани ўзингиз чиқараверинг...

Тўғриси, ҳозир ҳам ёлғон гапириб туришга тўғри келади. Ишдан қайтишим билан неварам Нилюфар чопиб чиқади.

—Шириңсақич келтирдингизми, Бобоғон?...

Ағсус, Бобоғоннинг эсидан чиқсан. Лекин баҳона бор.

—Йўқ, қизим, сақиҷфуруш опа ҳали пахтадан қайтмабди...

Пахта деб дўйонларнинг ёпиб қўйилгани рост-ку. Лекин, сақиҷ топса бўлади.

Ана шунаقا "ёлғон"лар...

Бизнинг пахта...

Раҳматли Дадам катта дехкон, ҳақиқий пахтакор эдилар. Дастурхон бошида гапларимиз, кўпинча, пахтадан бошланиб, пахта билан тугарди.

Бир куни телевизор пахта маълумотини кўрсатаётган эди.

—Саксон бўлибди, Дада. Кўпи кетиб, ози қолди!—дедим у кишини қувонтирмоқчи бўлиб.

—Йўқ!—дедилар Дадам бошларини маънодор тебратиб.—Тескарисини ҳисоблайвер. Режанинг йигирмаси қолган бўлса, азобнинг саксони ҳали олдинда турибди.

Ҳаёт экан, менинг ҳали дехқончиликда кўзим анча пишиб қолди. Бугун туманда пахта режаси саксон фоиз бўлганда шуларни эсладим. Ҳақиқатан ҳам олдинда топширилмаган йигирма фоиз пахта ўзининг саксон фоизлиқ азоб-укубати билан далаларда сочилиб ётибди...

"Нозик меҳмонлар" келганда...

Бир жойда ишлайдиган икки киши ўзаро сухбатлашар эдилар.

—Кеча уйга нозик меҳмонлар келган эди. Шошиб қолдик, ўшаларнинг олдига сизни айттолмаганимдан жуда пушаймонман.—деди улардан бири.

—Пушаймон бўлманг,—деди уни юпатган бўлиб, ҳамкасби,—айтганингиз билан сира боролмас эдим.

—Нега?

—Уйга жуда нозик меҳмонлар келган эди...

Аслини олганда, ҳар иккovi ҳам тулкилик қилаётган эди.

Судхўрлик оқибати

Бозор иқтисодиёти бизга кўп нарсани ўргатди. Тўқсонинчи йилларнинг бошида нақд пул муаммоси жуда чигаллашиб кетди. Ҳар куни нархлар кескин ўзгариб, эрталаб қарзга пул ёки мол

берганлар, кечга бориб, бошини чангаллаб қолишарди. Аста-секин одамлар бу ишларни "кўкига" чоғишириб, ёки пулнинг қиммати пасайишини ҳисобга олиб, амалга оширадиган, бўлдилар.

Сармоясини даромадли қарзга берадиган судхўрлар эса, мўмай пул топадиган бўлишиди. Бу услуб билан бойиб кетганлар ҳам, қасодга учраганлар ҳам бўлди.

Учиб-қўниб юрган бир танишимиз ўзига яқин "доллорчи"дан, ойига йигирма фоизли устама билан, уч минг қарз қўтарибди. Буни қарангки, унинг ўзиям бу пулни қўшнисига, икки ойда қайтариб олиш шарти билан, эллик фоизли устама қўйиб, қарзга бериб юборибди. Кўшни эса, пулни чўнтақка уриб, бозори чаққон моллардан келтираман деб, шимол тарафларга кетганича дом-дараксиз йўқолибди.

"Учар" танишимиз унинг йўлига, бир йил кўзи тешилиб, қаради. Бу борада устама устига устама миниб, унинг қарзи ўн минг доллордан ошиб кетди. Охири нима бўлди денг? Улар ҳовли-жойларини, мошиналарини, опа-сингилларининг жами тилла тақинчокларигача сотиб, қарздан зўрга қутилишиди. Нихоят, бир куни қарз қўтарган кўшни узок юртлардан қайтиб келди. Лекин, унинг ҳоли, қарз қайтариш тугул, оддий тирикчилик ўтказишга ҳам етмасди.

Бунинг устига у сармоя учун оддийгина тилхат ёзиб берган экан. Буни суд расмий ҳужжат ўрнида қабул ҳам қилмади.

Икки оила хонавайрон бўлди-қолди.

Судхўрликнинг оқибати мана шундай тугади...

ДОНО ЖАВОБ

Бир тўйда даврани олиб борувчи "Ҳозир табрик сўзи Ўзбекистон Халқ ёзувчиси фалончига!" деб маҳаллий ёзувчига микрофонни тутқазди.

Давра жим бўлиб қолди. Одамлар қани бунга жавобан маҳаллий ёзувчи нима деркан деб, у томонга жим қараб қолган здилар. "Раис"га танбех беришни вазият қўтармас эди. Тўй, ахир! Балки, шошгандир...

Мулоҳазакор Маҳаллий ёзувчи тўйчиларни табриклаш давомида бундай деди:

-Пахтакор бўлсак ҳам ўзбек пахтакори, ўқитувчи бўлсак ҳам шу миллат ўқитувчиси, мободо, оллоҳ инояти билан ёзувчи бўлиб етишган бўлсак ҳам, шу халқ ёзувчисимиз. Бу билан фахрлансанак арзиди...

Одамлар самимият билан карсак чалдилар.

"Раис" эса, вазиятдан осон қутилганига хурсанд эди. Нодон қопиб айтса ҳам, доно топиб айтади деб, халқимиз беҳуда айтмагандা...

Деҳқонларни асрагил, Тангрим!

Таваккалчиликда, бу оламда, Деҳқонга етари йўқ. Эрта баҳорда, ҳали совуқлар ўтиб кетмаганини яхши билгани ҳолда, барибир, у кутиб ўтирумайди, умид билан зрта экади.

Ҳаволар исиб, тупроқда нам қолмаганини энди уруғ ташлаш жуда хавфли эканини ҳам у яхши билади. Барибир, умид билан ерга уруғ экади.

Деҳқон қишида қор-ёмғир жуда кам ёққанини, бу йил сув ўта танқис бўлишини олдиндан англаб туради. У, барибир, умид билан, Тангри таоллога таваккал қилиб, уруғ экади!

Ўйчининг ўйи битгунча, таваккалчининг иши битади деб, шуни айтсалар керак-да...

Аслини олганда Деҳқон ўзингга таваккал қиласди, Биру бор згам! Илоё, бир умр уни ўзинг қўллагайсан.

Ахир, у мудом сенинг назарингда бўлай деб, ҳамиша очик осмон остида ишлайди-да!...

Жаннатдан-Жаннатга

Ҳазрати Одам ато Жаннатдан қувилиб, Ерга тушганда кўп нарса йўқотган бўлмасалар керак. Чунки, у пайтлар Ер ҳам жаннатдай эди: ҳаромхўрлик, порахўрлик, ёлғон, риёкорликдан тамом холи, топ-тоза эди...

Бошқача айтганда Одам ато Жаннатдан қувилиб, яна Жаннатга тушган эдилар.

Осиийлик қилган бўлсам, ўзинг кечиргайсан, Қодир эгам...

УЧИБ БОРАЁТГАН ТАКДИРЛАР

(Ёки Қорбобонинг поезд бўйлаб саёҳатидан)...

Қорбобо шу кеча вагондан вагонга ўтди, купедан-купеға кўчди. Ёпираи! Кимларга дуч келмади, дейсиз?...

Йўлакда бир қиз билан йигит баҳтиёрликдан порлаб, бирбиридан кўз узолмай ўтирас эдилар. Қорбобога йўл берар экан:

— Бизларга оқ фотиха беринг, Бобоҳон, — деб илтимос қилди йигит.

— Тўйларинг қачон?

— Ёзги имтиҳондан сўнг.

Корбобо кўлини фотиҳага очди.

-Бир умр бирга бўлинг, бир этак бола кўринглар. Мана бу кўғирчоқни доимо асраб кўйинглар.

-Рахмат.-деди қиз кўзлари ёшланганча Кўғирчоқни авайлаб бағрига босаркан.

Корбобо бир купега қирди. Касалманд чолни фарзандлари олиб кетишаётган экан. Корбобони кўриб, чолнинг сўниқ кўзларига умид учқунлари қўнгандек бўлди.

-Мен ҳам кўп марта "Корбобо" бўлганман. Ўқувчиларга қанча-қанча совғалар берганман. Эсиз, умр ўтди,-деди у ўтган кунларини кўмсаб.

-Қани, Янги йилга атаб бир ният қилинг,-деди Корбобо уни ҳоли-жонига қарамай.-Ҳали тузалиб кетасиз, "Корбобо" ҳам бўласиз.

-Майли, яхши ният-ёрти мол,-деди кекса бир зум деразадан нарига, чексиз қоронгулик қаъридан ниманидир қидираётгандай қараб.

-Биламан, ҳозир шифохоналарда қанча-қанча ҳожатманд нажот излаб, йўл боқиб ўтирибди. Осмондаги, неча-неча киши соғ-омон ерга тушай дейди. Денгизу уммоналарда минг-минглаб одамлар, қани эди, тезроқ оёғимиз тупроққа текса деб умидвор. Умидвор одамки бор, биронтасининг нияти ярим йўлда қолмасин, Корбобо! Мана, ўзимиз ҳам йўлдамиз. Кимки йўлда, кимники фарзанд, бола-чақалари кўзи тўрт бўлиб кутаётган экан, соғ-омон остонасидан кириб борсин. Сизларга яна бир гап айтай болаларим,-деб қолди у ниманидир эслаб,-Бу дунё шунаقا, келиш бор, кетиш бор. Факат ҳеч кимсанинг жасади кўчада қолмасин, ҳеч кимни дарвозадан ўтариб киришмасин...

Корбобо беҳад таъсирланиб кетди.

-Иloe, омин! Сизга ҳам Тангри таолло узоқ умр берсин, тузалиб кетинг. Келгуси йил шу оқшом Қорбоболик насиб этсин,-деб ният билдириди. Ўтирганлар олдига бир сиқим қанд-курс тўқди. Купедагилар уни шодлик билан кузатиб қолдилар. Корбобо йўлакда уч-тўртта "куён" болаларга дуч келди.

-Кеч бўлиб қолган, жой-жойларинга кирмайсизларми?-деб сўради улардан. Йигитлардан бири бурқситиб турган сигаретини лабидан олди.

-Проводник билан "келишолмай" турибмиз,-деди қайрилиб тепага тутун пуллар экан.

-Нимани келишиш керак?-ҳайрати ошди Корбобонинг.

-Киммат сўраяпти,-деди йигит тўнгиллаб. Шу пайт тундбашара вагон кузатувчи кўриниб қолди.

*Қайси вагондансиз?-деб сўраб қолди У Корбободан. Корбобонинг жаҳли чиқди.

- "Билетингиз борми" демоқисан-да? Поездларга бугун бошқарма томонидан маҳсус "Корбобо"лар чиқарилганидан беҳабарсан, чоғи? Вагонингда еттига бўш ўрин бор. Уч кишини "келишиб" олибсан. Буёғи қандай бўлди?

Вагон кузатувчи ўзини йўқотиб кўйди. Шоша-пиша чўнтағидан бир даста пул олиб, Корбобонинг қўлтиғига тикди.

-Совға-салом оларсиз, Корбобо, Буёғи Янги йил,- деди пала-партиш гапириб. Корбобо уни жеркиб ташлади.

-Янги йил олди шундай ҳаром-ҳаришларга қўл уришдан уялмайсанми? Кузатувчининг ялинишига парво килмай қўл силтади.

-Қўй, сен билан керакли жойда гаплашамиз. Ана бу йигитларни жойлаштир. Конуний бўлсин. У шундай деб, яна бир купега кирди. Бу ерга қазо-қазолар ўтирас, улар аллақачон Янги йилни бошлаб юборган эканлар. Купедан ароқ, тер ҳиди гупиллаб юзга уриларди. Ўтирганлар, кўярда-кўймай, Корбобони дастурхонга таклиф қилдилар. Дарҳол, биттаси бир пиёла ароқ қўйиб узатди. Олма, анор тутган ким, қовун-тарвуз узатган ким...

Улардан энг йўғони ароқ тўла пиёла билан ўрнидан турди. Мажлисда ҳисоб берадигандай, дона-дона қилиб гапириди.

-Йил яхши келса, биз планни, албатта, бажарамиз!- деди қип-қизил гўштдор юзларидаги маржон терларни кафти билан артиб.

-Бизга Янги йилдан фақат ёрдам керак.

-Янги йилда, албатта, бир-иккита китоб ўқимоқчиман,- деди яна бири ўзигами, ўтирганларгами гапираётганини ўзи ҳам билмай. Шу масалада ўғлимиз бизни кўп танқид қиласи. Ўзи-ўқитувчи, бир сўмга зор, яна янги китоб олгани-олган...

Корбобо бу ердан бирон маънилик гап ололмаслигини билди. Туар экан таъкидлади:

-Хали замон Янги йил киради. Хонани шамоллатиб қўйинглар. Ана, қор ҳам ёғабошлади, ташқарини томош килинглар. Қўл остингиздаги одамлар ҳақида ҳам ўйланглар. Улар Янги йилни қандай кутишяпти? Ҳамманинг уйда шундай шароит борми? Хўп, хайр. Ана бу совғалар-сизга.

У қолдириб кетган гулли қоғозларда: "Адолат", "Шафқат", "Рахнамолик", "Одиллик" деган сўзлар ёзилган эди.

Корбобо бу кеч кимларга дуч келмади дейсиз?

Учид бораётган поездда қувонч ва ташвишлар, умид ва орзулар учид бормоқда. Одамлар, тақдирлар учид бомоқда. Ҳалиги купе олдидан ўтар экан Корбобо бемор чонни эслади. Унинг "Хар ким ўз остонасидан соғ-саломат кирсинг" деб айтганлари қулоги остида бот-бот эшитилиб туар эди.

Учид бораётган бу одамларнинг ўз уйлари остонасидан соғ-омон кириб боришларини Корбобо ҳам жон-дилдан истар эди.

1996 йил декабр.

ҚҮЁШДАН ТУШГАН НАВРҮЗ

(Бадиа).

Наврүз бизга ташриф буюрди. У Қүёшдан тушди.

Салом, Наврүз! Салом, гуллар, салом, еллар! Салом, нурлар! Ассалом, Баҳор!

Биз сени ниҳоят кутган здик, келақол, Баҳор! Биз сени соғинган здик, келақол, Наврүз!

Қүёш энди табиатга мүл-күл ранг таратади. Қүёш энди табиатни нурларга тўлдиради. Энди болакайлар сочидан қүёш хиди келади. Билмасангиз, билиб қолинг, табиатдаги ҳамма ранг ва нурларни бир ерга йиғиб бўлса, ана шу Қүёш рангини ташкил қиласди.

Офтоб энди табиатга атири бўйлар таратади. Офтоб энди табиатни муаттар ҳидларга тўлдириб юборади. Ана шу барча мушк-анбарни бир ерга йиғиб бўлса, у Қүёш ҳидини ташкил қиласди.

Қани эди, одамзод бу қадар бебаҳо бойликлар соҳиби эканлигини дил-дилдан англай билса! Ахир, одамзод бошида Офтоб борлигининг ўзи беадад бойлик, беадад саодат эмасми?! Нурлар ва бўйлар: Қүёш нури ва Қүёш бўйи. Булар Одамзод мулки эканлигини юракдан англашнинг ўзи катта баҳт эмасми? Яна буларнинг бари-дахлсиз, беминнат!..

Бу жиҳатдан биз қайта-қайта фахрлансанк арзиди. Чунки, Қүёш бизнинг юртга ўзгача нур сочади, ўзгача бўй ўфуради. Буни исботлашга асло ҳожат бўлмаса керак. Бу нур ва атирларни бизга Наврўз олиб келади. Чунки, Наврўз бизга Қүёшдан тушади.

Аслида Наврўзниң байрам қилинишига асосий сабаб ҳам шу. Одамлар нурларни, бўйларни интиқ кутадилар. Демак, Наврўзни ҳам интизор кутадилар. Наврўз бизга ана шу ранглар ва нурларга, атири бўйларга тўлиб-тўлиб келади. Наврўз байрами аслида одамзод учун Қүёшга содиклик, унга хайриҳоҳлик тимсолидир.

Биз бугун далага чиқдик, деган каломни биз бугун Қүёшга чиқдик, деган ибора билан алмаштиrsa хато бўлмайди. Наврўз куни аслида биз Қүёшга чиқамиз. Бошқача айтсан, Қүёшдан Ерга тушган меҳмонни кутамиз.

Яратган эгам, бир кун, одамзодга қанот ҳам битади. Бу аниқ гап. Чунки, одамзод яралибди, у Осмонга интилиб яшайди. Офтобга интилиб яшайди. Осмонга интилганлар, парвозга шайланганлар, иншоолло, ниятларига етадилар. Ва албатта, Ердан Кўк сари кўтариладилар. Ният соғ, иймон бутун бўлса бўлгани. Биздан фақат шугина сўралади, холос. Бошқасини

Парвардигорнинг ўзи бизга етказади. Ўзи томон интилганларга, Офтоб сари интилганларга . Яратган эгам, албатта, қанот битади, парвозд беради.

Дала-дашtlар бугун бесас-бесадо Сизни ўз кўйнига чорлади. Мана, кўм-кўк буғдойзорлар нафис · тўлқинланиб, мўл ризқ-рўздан ваъда бериб турибди. Баҳор кўйнидаги чорбоғлар оппоқ гулларга гарқ бўлиб, мўл ҳосилдан мужда айтиб турибди. Аҳил,тоғни талқон килгудек юрт фарзандлари, кўзларида яшинлар чақнаб, гайратларидан чақинлар учиб, ҳалол меҳнат сандигини очишга шошиб турибдилар. Қизлар бугун кафтларига қип-қизил хино кўйдилар. Хиноли қўлларни кетмондаста урмаслигини улар яхши билишади. Келингки, кора тупрокни гулга буркаган бу юрт одамлари,албатта, бир кун гулларга кўмиладилар. Э, ёронлар! Шодланинг, гулли истиқбол бизга қучоқ очиб турибди. Ерни яшнатган бу одамларнинг дастурхони ҳам, албатта, жаннат неъматларига тўлажак. Нияти соғ бу юрт одамлари, албатта, ўз орзу-умидлари самараасидан баҳраманд бўладилар. Иншоолло! Қани, ниятни катта қилиб кафтни очинг-да, "О-омин!" денг.

Бугун олам ажаб бир сехр-садоларга тўлади. Бу Наврўз авжлари,бу Наврўз мавжлари! Улар қадим "Шашмақом"га "Наврўзи ажам", "Наврўзи сафо", "Нарўзи хоро" каби шўйбалар бўлиб кирган. Йўқ-йўқ, уни мутриблар ижро этишмайди. Уни бастакорлар чолғусида янграмайди. Улар ғижжаклар, танбурлар навосида товланимайди. Уларни майсалар товланишида, чечаклар унишида, гуллар тўлғонишида, новда-ниҳоллар чайқалишида эшитасиз. Табиат Наврўзни кўйлади. Наврўзни олқайди. Күёшдан тушган Мехмонга бугун табиат меҳмоннавозлик қиласди, мезбонлик қиласди.

Наврўз қўшиклари бугун одамзод қалби туб-тубидан аксадолар беради. Одамзод қалби тўлғокларида,айтилмаган ва битилмаган шеърларида Наврўз мавҳум, номоддий нарса эмас. У ҳамма жойда ўз кад-коматини кўрсатиб турибди. Наврўз умид тўла кўзларда кўринади,умид тўла сўзларда ифода топади. Ана шуларнинг бари қўшилиб, Наврўз оҳангларини ташкил қиласди. Буларни мен тўкиб чиқараётганим йўқ, булар Наврўзни соғинган дил хитоблари, холос! Булар Наврўзни соғинган қалблар тебранишидан чиқсан оҳанглар, қалблардан учган сас-садолар,холос! Булар ҳозир мен айтаётган, аммо Сизнинг тилингиз учидаги гаплар, холос. Наврўзни тарифлашнинг ўзи ҳам үнчалик осон иш эмас. Уни бор бўй-басти билан кўрсатишга биз факирга йўл бўлсин! Кўрсатиб билганларга эса, Оллохнинг раҳмати, элнинг дуоси, шарафи ёғилсин!

Баҳор ўткинчи, унинг умри калта, ҳусни бебақо деганларга мен асло қўшилмайман. Ахир, Баҳор биздан кетганда ҳам Ёзни туғиб

кетади-ку! Демак, Баҳор ҳам Она. Оналар эса, ўлишмайди. Улар барҳаёт. Баҳор асли тўлғоқдаги жон. Наврӯз ҳам унинг тұнгич Фарзанди.

Шукурки. Баҳор бизни алдамайди, Наврӯз бизни алдамайди. Яна қайтиб келади. Қайтиб-қайтиб келаверади. Тўлиб-тошиб келаверади, очилиб-сочилиб келаверади. Биз эса, ниятни холис қилиб, унга бағримизни кенгрөк очишни ўргансак бўлгани, уни муносиб кутишни ўргансак бўлгани! Хўш, муносиб кутиш дегани нима? Баҳорга етганимизга шукроналар қилсак, Баҳорга етолмаганлар рухини шод кила билсак, биздан меҳр кутаётганларга мурувват кўрсатиб, бағримизни кенгрөк очсак, биздан ободлик кутаётган бир парча ерни гуллата олсак, пой-қадамимизга интиқ дастурхондек қора ерни кўкартира олсак, оламаро яхшилик уруғларини, инсоф-адолат уруғларини сепиб, ундиристак, шу кўркам Оламга, шу кўркам Баҳорга кўшилиб-коришиб унсак, томир отсак-Баҳор ва Наврӯзни муносиб кутганимиз шу бўлади...

Воажаб, ана Наврӯз бизга бақамти турибди. У биз билан юзма-юз турибди! Наврӯз қаёқдан келди? Мағрибданми, Машриқдан? Юқориданми, пастан? Ҳайрон бўлманг, у Ердан чиккани йўқ. Наврӯз бизга Күёшдан тушди. Чунки, Наврӯз Күёш фарзанди. Наврӯзда Күёшнинг бўйи ва Күёш ранглари бор.

Ассалом, Наврӯз! Ассалом, Күёш фарзанди! Бизни бағрингга ол. Наврӯз! Бизни бағрингга ол, Баҳор!

Март, 1997 йил.



“ВАФО ҚИЛУРМИСАН, БАҲОРИМ?”...

Яңги асрнинг илк баҳори жуда кўнгилли бошланди деб, хуш-хурсанд эдик. Наврӯзга катта тайёргарлик бошланиб кетган кунлар. Даражалар жуда эрта, оппок бўлиб гуллади. Эртанги экинлар, асосан экиб бўлинди. Карам, ҳатто помидор кўчатлари ҳам, иссиқхоналардан очиқ далага ғайрат билан кўчирила бошланди.

Худди шундай кўнгилли дамларда, 11 март куни тонгда туриб, ҳамма ҳайратдан ёқа ушлади. Ерда тизза бўйи кор ётар, визиллаб совук шамол эсар, дов-даражалар оппок тўшак остида, ёқимсиз изфириндан нола чекиб, инграб турар эди. Кутилмаган бу ҳолдан ҳатто карахт бўлиб қолган катта-кичикнинг кўнглида бир гап: Экинларимиз нима бўлади. Энди? Гуллаган дов даражаларнинг холи не кечади? Кўкариб чиккан сабзавотлар бу совукка бардош

берармикан? Наҳот, ёзигимизда шундай кунлар ҳам бўлса?...

Шу кунларда мен қўшни Бухоро туманидаги "Иссик сув" шифохонасида даволанаётган эдим. Ўша куни кечқурун жуда яхши кайфият билан уйқуга ётдим. Шифохонада кун бўйи яхши муолажалар олдим. Қўшни туманлардан келганлар билан сұхбат, танишув. Ўша якшанбада тушдан сўнг ҳаво ниҳоят дим бўлиб кетди. Хонада нафас олиш қийинлашди. Бир неча соат давомида оппоқ гуллаган дов-дараҳтлар орасида хаёл суриб юрдим. Кўм-кўк ўсиб, тўпикка уриб қолган ўт-ўланлар орасидан ўтиш, уларга қараб ўй суриш ниҳоят кўнгилли эди. Кўзинг тушган ерда баҳор нишонлари жилва қилиб турибди. Қандай яхши! Шифохонада кейинги йилларда барпо қилинган исиқхонада барқ уриб очилган атиргулларни кўриб, гуллаб ётган лимонлар ёнидан ўтаётганда думоққа майнин, жуда нозик ҳидлар гуп-гуп урилиб, завқ ва сурурга тўлади одам. Кишининг кўзлари яшнаб, кўкракни тўлдириб-тўлдириб нафас олганда баҳри дилинг жараклаб очилиб кетгандек бўлади.

Ахир, Баҳор!...

Умидбахш Баҳор!...

Ҳа, юқорида эслатиб ўтгандек, айни намозшом пайти ҳаво бехад димикиб кетди. Деворлар тагини ниҳоятда безовта ғимирлаган йирик-йирик чумоли, қоп-қора қумурсқалар босиб қолди. Улар ҳатто уй деворлари, шифтларга ҳам ёйилиб кетишиди. Кечқурун қанотли қумурсқалар ёниб турган электр лампалари га ширт-ширт урилиб, тўп-тўп қилиб, пастга туша бошладилар. Хонадаги чирокларни эртароқ ўчириб кўйишга мажбур бўлдик. Ҳамма киши бироз ёмғир ёғиб ўтса керак, шунда жуда яхши бўларди деган хаёлда эдик. Ёмғирсиз баҳор ҳам татимайди-да энди. Ҳакиқатда ҳам хуфтонликда шивалай бошлаган майнин ёмғир тун ярмида анча кучайди. Деразалар, томлар тасир-тусир қилиб қолди. Демак, экинлар кўкаради, дов-дараҳтлар яшнайди, ризқ-насибамиз кўпаяди. Баҳорнинг бошланиши шундан дарак бераяпти, ахир!...

Ўша оқшом "Ойнаи жаҳон! орқали севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг 60 йиллиги олдидан "Хайрат" кўрсатуви намойиш қилинди. Жуда таъсирчан бўлди. Хуллас, кайфият аъло эди...

Афсуски, эрта тонгда уйғониб, тамом бошқача манзарага рўбарў келдик. Ерда тизза бўйи қорни кўриб, одам юраги музлаб кетгандай, бошингга бехосдан оғир гурзи гурсиллаб тушгандай бўлди. Шамол ўқириб, дараҳтлар шохи, электр симларидан ваҳимали зорикиш овозлари эшитилиб турар, дераза ойналарида киши кўнглига ғашлик уйғотиб, хосиятсиз изғирин чийилларди. Бўрон тобора авжига олар, қиялаб ураётган майнин қор сели

орасидан салгина нарини ҳам күриб бўлмасди.

Катта ва ёруғ деразадан ташқарига, маъюс тикилганча, ўтириб қолдим. Кўл етгудек масофадан бошланадиган бутун бошли чорбоқча оғир юқ остида, елкалари чўкиб қолгандай, ҳимояга мухтоҷ бир ҳолатда бош эгиб олган эди. Ташқаридаги ҳеч зоғ кўринмайди. Ҳали қорга биронта из ҳам тушиб улгурмаган. Кечагина турфа гулларга бурканиб, ўзини кўз-кўз қилиб турган бутун дов-даражатлар бугун оғир юқ остида зорланиб ётибди.

Ноҳуш бир кайфият билан, елкамга чопон илиб, ташқарига чиқдим. Очиқ эшиклар олдидан ўтаётганда хотин-халажнинг, бу ерда ишлайдиган ҳамшира, хизматчи қизларнинг деразалар олдида ғуж бўлиб олиб, ташқарига ташвиш билан бокиб турганларини кўрдим. Уларнинг ваҳимага тўла овозларини эшитиш одамнинг кўнглини баттар чўқтирас, кайфиятингга салбий таъсир қиласди. Секин юриб, қўйидагича кўнгилсиз сұхбатларга гувоҳ бўлдим.

-Дарахтлар нима бўлади? Картошкаларимиз кўриниб қолган эди-я!

-Биз ижарага олган ернинг ҳаммасига картошка эккан эдик. Кариб минг кило уруғ кетди. Ёки қайта ковлаб олсан-ми? Бозорда уруғлик ҳам қаҳат бўлади энди.

-Нимасини айтасиз? Бу корни кўриб, миямга санчиқ кирди, иссиқхона устиниям очиб юборган эдик. "Мен қиламан ўттиз. худо қиласди тўққиз"...

-Бугун ваннахонаям музлайди энди. Ҳозирданоқ оёқ томирларим тиришиб боряпти.

-Пиёз қиммат бўлган йили шунака ёмон келади, асли.

Эшик олдида бир нафас тўхтаб, кани қищда шундай қорлар ёғса эди деб, оstonадан ҳатладим.

Ташқаридаги изғирин кўз очирмайди. Шимол томонга ҳатто юз буриб бўлмайди. Шиддат билан қиялаб ураётган қор зарралари юзга худди иғнадек ўткир санчилади. Дарахтлар оралаб, қаттиқ шамол билан бирга, қорбўрон сузиб ўтаётганини аниқ кўриш мумкин.

Хадиксираб ҳар ёққа аланглайман.

Кечаги сайдоқи қушлар қани! Бир қулоч думларини камалақдай кенг ёйиб, тонгдаёқ ўт чимдиди юрадиган товуслар қаёқда юрган бўлса? Чап томондаги бетон ариқча бўйида қатор қилиб ўтқазилган, қийғос гуллаган бодомларнинг нозик новдалари ергача осилиб, худди мажнунтолларга ўҳшаб қолибди. Чархи арча дарахтларининг пастки шохлари оғирликни кўтара олмай, ерга қалишиб, қор ўюми остида ётибди. Худди шу пайт бир тўп қора қарғалар том бўйи баландликдан хунук "қаф-қаф" қилиб, бетартиб учиб ўтди. Дарахтларнинг учлари мотамсаро чайқалиб, кўнглингни

бехузур қиласи.

Кийғос гуллардан оғирлашган ўрик новдалари оппок қор остида янада юккаш бўлиб, буқчайиб қолгандай. Ҳар хил ноҳуш хаёллардан кутулолмайсан одам. Қор зриб, косагуллардаги томчилар қаттиқ музлаб қолсачи? Наҳот, ризқ-насибамиз мудом яримта бўлса? Бундай пайтда қор сайли ҳам татимайди, албатта. Ҳамма нарса ўз вақти-соати билан бўлса яхши-да, деб ўйлайсан киши. Ҳайрият, сабр-тоқатлимиз. Охири баҳайр бўлсин...

Қор эса уриб турибди. Изғирин зўридан қорнинг ердан кўтарилаётганини ҳам, осмондан эниб келаётганини ҳам билиб бўлмайди, ҳатто. Факат иссик сув, ҳовур оқиб ўтаётган қувурлар устигина қорайиб, терлаб турибди. Ҳали кўкариб улгурмаган анор ва тут дараҳтларининг қип яланғоч панжалари ўэига ҳеч нарса юқтирумай, шилп-шийдамлигича, шамолда иззиллаб турибди. Уларнинг кўкка чўзилган панжалари ораси қорга тўлиб қолган.

Бир-икки қор босган дараҳтларнинг бутоқлари орасига кўниб ҳурпайиб турган қаргаларга кўзим тушди. У ер-бу ерда ола-була ҳаккалар ҳам кўриниб қолди. Товусларнинг симтўр катаги олдидан зеҳн солиб ўтдим. Бу ерда ҳам уларнинг қораси кўринмасди. Қаёққа ғойиб бўлишиди экан? Мен уларни ҳар куни томоша қилишни яхши кўрадим. Шу сабаб теварак-атрофга синчиклаб қарадим. Товба, ана-ку улар! Уччовиям тепадан иссик ҳовур оқиб ўтадиган қувур устида, бошларини пинжларига тортиб, хостижам мудраб ўтиришибди. Қаердадир товус зоти коп-кора булатли ҳавони яхши кўради, деб ўқиганман. Наҳот, рост бўлса? Мана, улар бир қулоч думларини ерга осилтириб, бепарво мудрашмокда. Қорга кўкрак кериб ўтиришларини кўриб, наҳотки бу беозор жониворларда ҳам бургутлик сиёҳи бор, деб ўйлайсан. Ахир, бургутлар қояда шундай ўтиришмайдими? Иссиқда роса яйраб, солланиб-солланиб, кўзни яшнатиб юрадиган бу гўзал жонзотлар ҳам қор уриб турган бу изғиринда ҳузурланиб, пинакка кетганга ўхшайди.

Шундай қилиб, 11 март куни тушгача изғирин аралаш қор уриб турди. Кечга томон ҳатто бир-ярим дараҳтларнинг шохлари синиб, осилиб қолганини, ҳатто тамом илдиз-пилдизи билан кўпорилиб тушганини ҳам кўриш мумкин эди. Мен атай кузатдим, баланд қувур тепасига кўтарилиб олган товуслар кўкракларини киялаб ураётган совук қор ва шамолга керганча кун бўйи қилт этмай ўтиришибди. Улар ҳатто хўрак ва сув учун ҳам пастга тушмадилар. Бу кизик ҳолат эди, албатта. Балки, оёқлари иссиқда тургани учун роҳатланишаётгандир.

Одамзод ўз ҳаётида кўп нарсаларнинг шохиди бўлади. Ҳатто, апрел ойи охирида дов-дараҳтни, етилиб қолган мева-чеваларни совук уриб кетганини май ойи бошида қор ёғиб берганини ҳам

күрган кунимиз бор. Кечагина дарахтлар оппок гуллаган, дехқончилик ишлари қизғин бошланган күнлар эди. Мана, орадан бор-йүғи фақат бир түн ўтиб, тизза бүйі қор қечиб юрибмиз...

Наврўз-Илон йили кириб келаётган эди...

Ажабо, севимли шоirimiz Абдулла Орипов "Вафо қилурмисан, баҳорим?" деганда нималарни күзда тутди экан?...

11 март, 2001 йил.

ШУКУРНИ ҲАМ БИЛМОҚ КЕРАК

Шундай мавзуда макола ёзиш ниятида эканлигимни айтганимда бир дүстим деди:

— Күп яхши иш, айникса шу күнларда керакли. Бошлабоқ ёзинг: Кимки, тұрт мұchasи соғ туғилибди ва соғ юрган экан, аввало, шулар даимо шукур қилиши керак.

Кексаларимизга қойил қоламан (илоё, баҳтимизга соғ бүлишсін). Шу күнларда шукронани фақат кексалар айтишади: "Шукур, нон бор" "Шукур, дүнә тинч", "Шукур, тирикчилик ўтаяпты"...

Шукур, шукур, шукур...

Мен урушдан кейингі йилларни жуда яхши зслайман.

Одамлар бир-бирларига ғоят меҳрибон, ғамхүр здилар. Катталик қыладыған, ношукур, беписанд одамларни билмасдик. Үндайларни халқ ҳам ёқтирмасди. Рұзғор ўтказиш мушкуллигига қарамай, одамларнинг оғзидан шукронана түшмасди: "Шукур, ўтга чиқдик", "Шукур, тутға етдик", "Шукур уруш тугади" дерди улар самимият билан.

Хозир ўй суриб, бир ёкқа чиқыш қийин. Нимага ношукурлар құпайиб кетди, нимага уларнинг сафи күн сайин тұлишиб бормоқда?

Район марказида ўтган катта бир йигинда Ағғонда хизмат қилиб қайтган йигит сүзға чиқиб, ҳаммани үзиге қаратди. Нақ зални бошига күтараёзди. Тахминан, бундай деди: "Қани бизга колбаса? Қани менга гүшт? Совуну, шакар қани? Шуми бизга ҳұрмат?..."

Уни айбламаслик керак. Үнга шундай имтиёзлар берилгани рост. Лекин, қани ўша колбаса? Қани гүшт ёки совуну, шакар? Йүкни йүндириб бўлмайди-ку! Үнга ажратилиши керак бўлган гўшту колбасани бу ерда ўтирганлардан биронтаси емаган деб, қасам ичиш мүмкун, ахир.

Ох, менинг ўксик укам! Бемақсад жангү-жадалда нолаю зор чеккан, укам. Энди ўзингни қўлга олиб, бир пас ўла, фикр қил. Биламан, қонли жанг майдонларидан фарёд чекиб ўтгансан. Сенга

осон бўлган эмас. Душманлар бир қийнаган бўлса, дўстлар минг қийнади сени. Балки, шу сабаб ҳам асабларинг симдай тараанг тортилгандир. Аммо, бир оз ўзингни босиб, сабр-тоқат билан фикр қил. Ўн фарзанд туккан, уларни ўстириб боқсан, бир умр кетмон чопган онажонингга осон бўлганми? Унинг ҳар йилги жафоси сенинг икки йилги укубатингдан ўн карра мушкулроқ эмасми? Нега у минбарга ўқдай отилиб “қани менга...” демайди. Шукурки, у шукурни билади. Аслида ундан дейишга ҳар бир Онанинг ҳаққи бор.

Жабрдийда укам! Нега қўллари қадоқ, бағри кенг, серфикр Отангни ўйламайсан? Ҳатто, кўл узатса етгулик Самарқанду Тошкентдай шаҳарларни, лоақал, бир кўриш орзусида юрган отагинанг қалбини ҳис этдингми? Шу ахволда у қишу ёз кетмон чопиб, 40-50 сўм маошга қаноат қилиб, ўзи емай тўйлар қилмоқда. Ўзи киймай, бирорларни кийинтирмоқда. Улуғларни улуғ билиб, қадр-қимматларини янаям кўтармоқда. Бундай ҳимматли одам қайси Хотамдан каму қайси подшоҳдан паст? Унинг бир йиллик азоби сенинг бир йиллик Афғон азобларингдан заррача кам эмаслигини ҳеч ўйлаб кўрдингми? У қачон минбарга чиқибди, кимнинг ёқасидан олибди? Чунки, у шукурни билади. Чунки, у бир вақтлар тўйиб-тўйиб нон ейдиган кунлар келишини орзу қилган. Чунки, у шу кунларда ҳам истикболда бизни тўқис ва фаровон кунлар чорлаб турганлигини қалб кўзи билан кўриб турибди. Истиқболни кўра билиш керак. Ҳалқ ва мамлакат босаётган қадам Қутлуг эканлигини англай билиш даркор. Бунинг учун ёруғ қалб зарур. Бунга дўқ-пўписа билан эмас, шиор кўтариб, митингбозлик билан эмас, уруғ экиш, қуриш ва ўтқазиш, меҳнат билан эришилажагини Отажонинг яхши билади, укам. Унинг қалбига қулок сол, кўзларига қараб, мунаввар оламни шу назар билан кўр.

Дунё бу кунгача, шу нуқтагача келибди, шу бўй-басти билан шаклланиб, шу қиёфасини олибди-ҳаммаси меҳнат билан. Ана шуни Ота ва Онанг яхши билишади. Укажон. Ўтинаман, сен ҳам шукурни ўрган. Тобеликни эмас, албатта. Бўйсуниш билан шукронда орасида фарқ жуда катта. Бири, қуликка олиб келади. Бири эса меҳнат билан фахрланиш, эртага ишонч, сабр-тоқат, истикбол сари парвозга ўргатади. Шу сабаб шукурни ҳам билмоқ керак. Ҳар бир киши билиши керак!

Меҳнат қолиб, митингбозлик кўпайиб кетди. Айтиб қўяй, митингбозлар орасида битта ниҳол ўтқазмаган, бир ҳовуч дон сепмаганлар бир талай. Улар ким бўлибди-ю шу кунга шукур айтиб, меҳнат қилаётганлар, эл-юртни боқаётганлар ким бўлибди? Бир куни сўнгги гапни яна ҳалқ айтади. Сўнгги ҳукмни ҳам у чиқаради. Бир ҳалқни бошқа ҳалқка душман қилаётганлар, ҳалқ номидан гапираётганлар, бебошдоқлар, ур калтак- сур калтакка даъват

қилаётгандар, табиийки, шукрнани билмайдилар. Халк улардан бир күн хисоб сўрайди: Бир умр бундай бузукбошлиқ қилиб бўлмайди-ку! Байроқ кўтарган ҳар бир одам лоақал, ўзини боқиши керак-да! Тўгри-ми?

Мен ишларимиз беш, турмушимиз тўқис, сиёсатимиз бехато демоқчи эмасман. Асло! Йиртиғимиз ҳам, ямоғимиз ҳам кўриниб турибди. Лекин, аввал топайлик, яратайлик, кейин уни бўлишиш қийин эмас. Шиорбардорларнинг кўпига зса бугун йўқ нарсанни бўламиз деб, қий-чув солишимоқда. Сенинг минбардаги чиқишинг ҳам менга шуни эслатади, укам!

Инсоф билан айтганда Жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари олдидаги қарзимизни узолган эмасмиз. 20 миллион шаҳид-чи? Хайрият, улар тупроқ остидан кўл чўзаёттани йўқ. Мободо, ўшалар кўл чўса, кафтларига нимани қўямиз? Уларнинг бевалари, ўғил-қизларига ёруғ оламда яшаш осон бўляптими? Ҳаммасиям "бер" деяётгани йўқ-ку! Биз шукур қилайлик...

Энг даҳшатлиси шундаки, қарзини аллақачон хисоб-китоб килиб олган, ҳозир зса ҳар куни ўн идорага бош суқиб, невара-чеваралари учун ҳам юлиб-юлқаб олаётган, шунга қарамай, бошқаларни назар-писанд қилмай, юз таъна-маломат кўрсатаётгандар шукурни билишмайди. Шаҳидлар ҳам, урушдан қайтиб, бевақт ҳалок бўлган миллионлар ҳам мангужим. Улар кўл чўзолмайди, минбарга кўтариломайди.

Тириклик учун ҳам шукур қилмоқ қерак, шукур... Кани айтинг, урушга бормаганларнинг айби нима? Улар 5-10 йил янги этик кийдими? Тўйиб нон едими, ҳар неча йилда елкалари бир янги чопон кўрдими? Кунжара еб, шишиб ўлганларни ким хисобга олган? Очликдан меъдаси қуриб ўлганларнинг рўйхати тузилганми? Оддий тиббий ёрдам кўрсатишга шароит йўқлигидан ҳалок бўлганлар неча миллион киши?... Бу қора рўйхатининг чеки борми ўзи? Шуларни ўллаб, урушдан омон қайтганлар ҳам бугун шукур қилишсин ва мени кечиришсин.

Шуларни ёзишга улгурдим, шукур...

8 апрел, 1990 йил.

ХАЗОРМАНГА БИР КЕЛИНГ...

* Ҳазорман илгари Жондорнинг энг чекка қишлоқларидан бири ҳисобланар, ерлари шўрланиб кетган, ҳосилдорлик жуда паст, сувнинг энг оёғидаги қишлоқ зди. Бу ерда ҳатто мевали дарахтлар кўқартириш, боя-чорбоя яратиш ҳам мушкулот зди. Ўқишдаги қийинчиликларни айтмайсизми? Ҳазорманликлар, пой-пиёда, туман

маркази, ундан сўнг қўшни Навоий номли жамоа хўжалигининг Хумин қишлоғига, кейинчалик Н. Ражабов номли жамоа хўжалигининг марказига қатнаб ўқир эдилар. Ўқиш деб, ёш-яланг ўспириналарнинг ҳар куни 5-10 чақирим йўл босишлиарини бир тасаввур килиб кўринг-а! Йўллар ҳам қанақа дeng: қишида тиззагача лой бўлса, ёзда тўпиккача тупроқ..

Мана, замон ўзгарди. ҳазорманликлар бугун ҳар жиҳатдан фахрлансалар арзиди. Улар туманда биринчи бўлмаса ҳам, биринчилар қаторидаги қишлоқда яшаятилар. Бунга нима сабаб бўлди? Бизнингча, ахиллик! Чунки, бу қишлоқда жанжаллар, кўйди-чиқдилар, бир бирининг молини ўғирлаш каби воқеалар деярли бўлмайди. Тўй-маъракада ҳамма баробар оёқقا туради. Кексаларнинг айтгани айтган, дегани деган. Ҳа, қишлоқ бўйлаб заҳкашлар чиқарилгани, алоҳида ариқдан оқар сув келгани ҳам дехқончилик маданиятининг кескин ўсиб, янги боғ-роғлар пайдо бўлишига асос яратди. Факат бу эмас. Мустақиллик йилларида қишлоқда янги мактабнинг куриб битказилиши туб масалаларни ҳал қилди. Мактаб олдida туман Спорт мактабининг филиали ҳам ишляяпти. Илмгоҳ замонавий ўқув-техника жиҳозлари, компьютерлар билан таъминланган. Ана энди ҳазорманликлар ўз қишлоқларида мукаммал билим эгаллайдиган, спорт билан мунтазам шуғулланадиган бўлиб қолдилар. Ўрни келгандан айтиб ўтиш керак, бу ишларни йўлга қўйишда, хатто мактаб биносининг тез қад кўтаришида шу қишлоқ фарзанди, таникли математика фани ўқитувчиси, номдор полвон ва шахматчи, узоқ йиллар туман ҳалқ таълими бўлимими бошкарган Шариф ака Рустамовнинг меҳнатлари жуда катта.

Ҳазорман энди хўжаликнинг энг илғор паҳтачилик ҳудуди бўлиб қолди. Қишлоқдаги Розик Жумақулов, Шаҳриёр Чўллиевлар етакчилик килаётган бригадалар ҳар қандай шароитда ҳам, паҳтадан мўл ҳосил етиштиришяпти. Ёз ойлари қишлоқ атрофидаги сермеева боғ-роғлар солланиб, кўзингизни олади. Қишлоқ ҳудуди ҳам темир йўлдан жанубга қараб тобора кенгайиб бормоқда. Бу гаплар қишлоқни қишлоқ қилган унинг бағри кенг одамлари ҳақида кўпроқ жоиздир.

Модомики, ҳазорманликлар ҳақида сўзлар эканмиз, авало Жондордан чиқан II жаҳон урушининг ягона Қаҳрамони Нарзи Ражабовни эсламасдан бўлмайди. Бугун унинг 20 ёшдаги ҳайкали Ҳазорман ва Дўйқи қишлоғидаги ўрта мактаблар ва Қаҳрамон номи билан аталувчи жамоа хўжалиги маъмурий биноси олдida қад кўтариб турипти.

Эҳ-ҳа, кимлар ёзмади бу ўқтам жангчи ҳақида: Назир Сафаров, Жамол Камол, Тошпўлат Ҳамид, Сафар Барноев.

Қани эди, уларнинг, лоақал бирон сатрини Қаҳрамонимизнинг ўзи ўқиб ўтсайди бу оламдан...

Майдонга мардлар изидан мардлар, ғолиблар изидан ғолиблар, тантилар изидан тантилар кириб келмоқда. Бундайлар

Ҳазорманда кўпчилик. Ҳаммаларини бир-бир санаб ўтишнинг иложи йўқ. Лекин, Остон ака Чўллиев ҳакида гапирмаса бўлмайди. Бир оқар дарёдай бу одам. Аввало, қишлоқнинг яхши-ёмон кунлари шу кишисиз ўтмайди. Колавераса, бу ёги Карши-ю, Денов, бўёғи Хоразму Навоийгача Остон Чўллиевни билмайдиган киши кам. Ҳолбуки, бу инсон оддий бир меҳнаткаш, холос. Асосан чорвадор. Тўғри, бир неча йил корамолчилик, кўйчилик фермаларига раҳбарлик ҳам қилди. Ҳозир ҳам фермерлик қиласи Остон акалар хонадонида ҳар йили 3-4 марта ҳайр-худойи ўтади. Наврўз, Мустақиллик байрамларида у киши йирик қорамол сўйиб, бева-бечораларга тарқатади. Мактаб муаммолари чиқса, бировларга моддий ёрдам керак бўлса, у киши қараб ўтирумайди. Бунинг устига пешонасини сира чин қилмай, қош-ковоқ уймай, беминнат ёрдам кўрсатади. Ҳовлининг дарвозаси кеча-кундуз очик. Ҳар куни меҳмондорчилик.

Шу йил Остон Чўллиев бошчилигида унинг ўғиллари: бригадир Шаҳриёр, тижоратчи Шоҳназар ва Дилмурод, механизатор Шарифжон, тадбиркор Шофиддинжонлар, маслаҳатни бир ердан чиқариб, жуда катта тадбир ўтказдилар. Оила ҳомийлигида Ҳазорманда Миллий кураш бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди. Ишонасизми-йўқ, ана шу масобақада ҳамма туман ва шаҳарлардан барча вазнларда 500 га яқин полвон ва уларнинг устозлари, фахрий паҳлавонлар иштирок этдилар. Исмоил Туробов, Бахтиёр Содиков, Барно Жўраев, кураш бўйича биринчи жаҳон мусобақаси ғолибларидан Ҳайрулла Насруллаев ва бошқалар Ҳазорман қишлоғининг азиз меҳмони бўлишиди. Мусобақа З кун давом этди. Чўллиевлар хонадони мусобақа ғолибларини муносиб тақдирлаш билан бирга 500 кишига З кун давомида дастурхон ёэди. Булар айтишига осон. Балки, шу даражада пулдор одамлар ҳам каммасдир. Лекин ҳаммада ҳам шундай ҳиммат борми? Ҳаммада ҳам шундай тантлилк етишадими?!

Ҳа, Остон ака бу тадбирни мархум отаси Чўлли полвоннинг 100 йиллиги шарафига ўтказди. Кексалар билишади, Чўлли полвон, Бешим полвон, Музаффар полвонлар, ака-ука бўлиб, давра айланганда уларнинг олдига тушадиганларнинг ўзи вилоятда ҳам топилмаган.

От изини той босади деганларидек, оилавий полвонлар сулоласи кетидан янги полвонлар сулоласи етишиб чиқди. Бешим аканинг фарзанди, бир неча марта республика чемпиони, ҳозир Жондор спорт мактабининг қишлоқ бўлимидаги тренер бўлиб ишлаётган Ботир Жўраев мусобақага бош ҳакамлик қилди. Унинг укаси Рауф Жумаев эса ўкувчилигидаёқ, "Республика чемпиони" деган унвонга сазовор бўлиб, Термиз давлат университетига имтиҳонсиз қабул қилинди. Бу мусобақаларда шу қишлоқ фарзанди, ўрта мактабдаёқ Республика чемпиони унвонига сазовор бўлиб, Бухоро давлат университетига имтиёзли қабул қилиган Жаҳонгир Бобоқуловнинг ҳам қўли баланд келди. Уларнинг устозлари, таникли спортчилар Зафар Рустамов, Эркин Бекмуродовларнинг

шу кунги қувончларини бирон нарсага қиёслаш қийин эди, албатта.

Ҳазорман бугун факат дехқонлар ёки полвонлар юрти эмас. Наргиза Бўронова чизган суратлар Америка, Япония, Германиягача бориб етди. Унинг отаси, таниқли рассом, Санкт-Петербург рассомчилик мактабининг толиби Мавлонжон Бўроновнинг бу соҳадаги шуҳрати ҳам таҳсин ва мақтovларга лойиқдир.

Бухоро давлат университети доцентлари Ҳаким Ахмедов, Қўзи Болтаев, ветеринария фанлари номзоди. А. Шокировлар ҳам шу қишлоқ фарзандлари. Бундан 2 йил бурун жуда долзарб мавзуда математика фанлари доктори илмий даражаси учун диссертацияни қойил қилиб ёқлаган Исройл Икромовнинг номи бугун фан оламида кўпчиликка таниш. Яна бир укамизни эсламасак, мақоламиз кемтик бўлиб қолади, деб ўйлайман. Ҳакимжон Рустамов "Вилоят йил ўқитувчиси-1999" танловининг голиби бўлди. Республикада ҳам муносаб ўрин эгаллади. Унинг ҳазорманлик шогирди, 10 синф ўқувчиси Элёр Муродов бу йил Тошкентда ўтказилган "Иқтидорли боларнинг анжумани" кўрик-танловида қатнашиб, 1-ўринни згаллади. Унинг компьютер учун "Мустақил Ўзбекистон-XXI асрда" мавзусида тайёрлаган иқтисодий дастури ҳайъат аъзолари томонидан юкори баҳоланди. Бу йигитни ҳам илмнинг нурли чўққилари ўзига чорлаб турибди, десак илло, янгишмасак керак.

Шу қишлоқдан Жаҳон иқтисодиёт ва дипломатия олийгоҳига имтиёзли кабул қилинган Ойбек Тўхтаев, Ҳикмат Ахмедовларга ҳам ҳамқишлоқлари катта умидворлик билан қараб турибдилар.

Келинг, "Юз эшигандан бир кўрган афзал" деган мақолга амал қилиб, ҳикоямизга нукта қўяйлик-да. Сизни шу қишлоқقا бир таклиф қиласайлик. Бу ердаги ҳамиятли кишиларнинг эшиклари меҳмонлар учун доимо очик.

2001 йил.

ХОТИМА ЎРНИДА

Бу китобга сўнгги нуқта қўйиш қийин бўляпти. Рост-да, кимнинг ҳам ҳаёти, кўрган-кечирганлари бир китобга сиғибди дейсиз? Қолаверса, мен сув ичган чашмалар кўп, булоқлар бисёр...

Китоб бошида чашмалар ва жилғалар ҳақида бир оз тўхтадик. Шукурки, мен ҳам ўз умримни жимирилаб турган жуда секин бўлсада, оқиб турган жилғага ўхшатаман. (Нокамтарлик учун Азиз китобхондан минг бора узр сўрайман). Агар шунга қодир бўлсам, табиийки, мен билан ёнма-ён оқаётган жилғалар жуда кўп. Уларнинг серсув ва шарқироқлари мўл. Муҳими, биз булоқ ва чашмаларга тулашмиз, биз яна сой ва дарёлар орқали тулашиб кетамиз...

Майнин, сокин, тиник бир жилғадан бир ҳовучгина сув олиб, ташналигингизни қондираётганда, бехосдан, ёдингизга тушиб кетсан, қанийди?...

Иншоолло, яхши ният-ярим давлат дебдилар...

19.05.2002 йил.

МУНДАРИЖА

Наврӯз сурори.....	6
Карилари қадрли юрт.....	8
Кексалик-донолик.....	11
Мартабали кишилар.....	12
Бозор боради чоллар.....	15
Телефонга хизматкормиз.....	16
Томчидა қүёш акси.....	17
Шукроня.....	21
Ибратли умрлар.....	25
Китобхонлик шарофати.....	27
Бу-ҳаёт, ахир!.....	28
Саҳнага ҳавас.....	32
Жиндай кулги.....	33
Хар кундан бир сабоқ.....	34
Туш каби йиллар.....	36
Тузум ва биз.....	42
Оқ доғлар.....	43
Пахта, пахта.....	44
“Япон бўлгим келади”.....	47
Яхшидан от.....	49
Бизнинг “уюшма”.....	51
Ватан севигига муҳтоҷ.....	52
Нурли олам.....	53
Шахмат-ақл чироги.....	58
Қарсаклар ва тарсаклар.....	60
Урушнинг тирик гувоҳлари.....	62
Умидбахш олам.....	65
Илохий парвоздамлари.....	67
Сизни соғиндиник, Ҳамроҳон!.....	69
Ҳавас қилгулик умр.....	72
Яхшилардан яхши хотира.....	73
Олаки, бекиёс.....	75
Шахмат фалсафаси.....	77
Наҳот, мендан чўпон чиқмаса?.....	81

Хотинга иш топилди.....	84
Бўлмаса, тұғмай тур.....	88
Дўхтири дўстларга дўстона дашномлар.....	90
Тунгги сайр.....	92
Рамазон қўшиғи.....	95
Бир рўза тонги.....	97
Чашма.....	98
Тулкишунос.....	101
"Хаёт сабоқлари" туркумидан.....	107
Менинг ёлғонларим.....	107
Бизнинг пахта.....	108
Нозик меҳмонлар келганда.....	108
Судхўрлик оқибати.....	108
Доно жавоб.....	109
Дехқонларни асрагил, Тангрим!.....	110
Жаннатдан-Жаннатга.....	110
Учиб бораётган тақдирлар.....	110
Куёшдан тушган Наврўз.....	113
"Вафо қилурмисан, баҳорим?".....	115
Шукурни ҳам билмоқ керак.....	119
Ҳазорманга бир келинг.....	121
Хотима ўрнида.....	125

Музаффар ТУРСУН

“ТУТАШ ЖЫЛҒАЛАР”

“Бухоро” нашриёти

Мұхаррір: **Садриддин Салим БУХОРИЙ.**

Техник мұхаррір: **Үткір ИБОДУЛЛАЕВ.**

Мусаххих: **Муборак ШАРИПОВА.**

Теришга 01.07. 2002 йил берилди. Босишга 05.09.2002 йил рухсат этилди. Бичими 1/16. 60-90. Газета қоғози. Шартли босма табоги 8,0. Нашр табоги 7,28. Адади 2000 нұсха. Буюртма 1917.

Бухоро Вилоят босмахонаси. Бухоро шаҳри. И. Мўминов кўчаси, 27-й.

Баҳоси келишилган нархда.